

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ**

“СИЁСИЙ МЕНЕЖМЕНТ ВА ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИКА”

КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳуқуқида

Вахобов Суннатилланинг

**“ЎЗБЕКИСТОН - ЯПОНИЯ СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИГИ
ЯНГИ БОСҚИЧЛАРИНИНГ ОАВДА ЁРИТИЛИШ
МАВЗУИДА 5320400 - ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИКА МУТАХАССИСЛИГИ
БЎЙИЧА МАГИСТРЛИК ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ УЧУН**

Магистрлик диссертацияси

Илмий раҳбар:



с.ф.д., проф. Н.ЖЎРАЕВ

Расмий тақризчи:

**Рустам ЖУМАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши
академияси кафедра мудири,
сиёсий фанлар доктори, профессор.**

ТОШКЕНТ-2010

Химояга рухсат этилди:

Факультет декани:		А.Нурматов
Кафедра мудири:		Н.Жўраев
Илмий раҳбар:		Н.Жўраев
Расмий тақризчи:		Р.Жумаев
Расмий тақризчи:		К.Калонов

Магистрлик диссертацияси

МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОН – ЯПОНИЯ СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИГИ ЯНГИ БОСҚИЧЛАРИНИНГ ОАВДА ЎРИТИЛИШИ

ДАК қарори: магистратура бўлим талабаси
Вахобов Суннатилланинг магистрлик
Диссертацияси “87”га баҳолансин.

“14” июн 2010 йил

ДАК раиси:



Ш.Ғуломов

ДАК котибаси:



Д.Жуматова

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети Халқаро
журналистика факультети магистри
Вахобов Суннатилланинг

"Ўзбекистон - Япония стратегик ҳамкорлиги янги
кичларининг ОАВда ёритилиши" мавзуидаги магистрлик
Диссертациясига

Т А В С И Я Н О М А

Магистрлик диссертацияси мукаммал режа асосида ёзилган бўлиб, унинг методологик тузилиши ҳозирги давр талабида ишлаб чиқилган. Халқаро журналистика мутахассислигига қўйиладиган талаб тадқиқот ишида яққол кўриб турибди. Ушбу тадқиқот ишига раҳбарлик қилишда тадқиқотчининг уни ёритиш жараёнида белгилаб олган мақсад ва вазифалари мазкур муаммони журналистик нуқтаи назаридан ўрганиб чиқишга қаратилганлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Магистрлик диссертациясидаги янгилик мавзуга оид манбалардаги таҳлилий фикрлар билан бойитилган. Муаммонинг назарий ва амалий аҳамияти қайси йўналишга тегишли эканлиги тадқиқот ишида тўлиқ кўрсатиб берилган.

Магистрлик диссертацияси мазмун ва моҳиятига қараб бобларга бўлинган етарлича таҳлил этилган. Шунингдек назариядаги билимлар амалиётга тадбиқ этилганлиги билан битирув малакавий ишида тўлиқ ўз аксини топган.

"Ўзбекистон – Япония стратегик ҳамкорлиги янги босқичларининг ОАВда ёритилиши" мавзуидаги магистрлик ишини тадқиқотчи яхши ўрганган. Мавзу бўйича хусусиятларини чуқур ўрганган, таҳлил қилиб, эришилган ютуқлар ва шу билан бирга муаммоларини кўрсатиб берган.

Тадқиқотчи ўз мавзусига тегишли бўлган кўплаб илмий адабиётлар ва матбуот нашрларидан фойдаланган. Магистрлик диссертациясида фикрлар аниқ ва исботи билан берилган.

Магистрлик диссертацияси тузилиши бўйича Давлат аттестацияси комиссияси талабига тўлиқ жавоб беради ва уни ҳимояга тавсия этаман.

Илмий раҳбар:



 с.ф.д., проф. Н.Жўраев

**Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети Халқаро журналистика
факультети магистри Ваҳобов Суннатилланинг "Ўзбекистон - Япония
стратегик ҳамкорлиги янги босқичларининг ОАВда ёритилиши" мавзусидаги
магистрлик диссертациясига**

Т А Қ Р И З

Жаҳонда технологиялар ривожланиб, илмий кашфиётларнинг кўпайиши, жнсон онги тараккий этиб унинг имкониятлари чексизлигидан далолат ди. Ана шундай оламшумул ютуқлар билан биргаликда баъзи бир латлар ҳам мавжудки, улар инсоният таракқиётига, халқаро алоқалар жига тўғаноқ бўлмоқда. Халқаро терроризм, диний экстремизм, апарастлик, наркобизнес ва инсон савдоси каби тушунчалар ана шундай сиқлар жумласидандир. Мазкур иллатларга қарши курашиш, араққиётнинг инсоният манфаатига мос келишини таъминлаш мақсадида авлатлараро ҳамкорлик алоқалари аниқ йўлга кўйилмоқда. Стратегик кега эга ҳамкорлик нафақат миллатларни, балки барча халқларни имойи, сиёсий ва иқтисодий соҳада назарий ва амалий билимларга эга ўлиши учун ўзига хос дастур вазифасини ўтайди. Сабаби ҳар бир авлатлараро алоқалар маълум бир режага мувофиқ, олдиндан белгиланган кичлар ва келишувлар асосида амалга оширилади. Бу дастур ўзининг аниқ ракат йўналишларига, мақсади ва вазифаларига эга бўлиши, давлатлар асидаги ўзаро кўп томонлама ҳамкорликнинг такомиллашиб боришига ҳам мил сифатида хизмат қилади.

Суннатилла Ваҳобовнинг магистрлик ишида Ўзбекистон - Япония атегик ҳамкорлигининг хусусиятлари, Ўзбекистон Республикаси ҳамда Япония давлати ўртасидаги стратегик шериклик ва ҳамкорликнинг икки давлат оммавий ахборот воситаларида ёритилиши таҳлил қилинган.

Мана салкам 19 йилдирки, мустақил Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига, нуфузига эга давлат сифатида жаҳон мамлакатлари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу ўринда Ўзбекистон - Япония стратегик шериклик ва ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади. Икки давлат мустаҳкам ва аниқ мақсадларга йўналтирилган ҳамкорлиги бугунги кунда қандай кўринишга эга, мазкур ҳамкорликнинг ютуқлари ва камчиликлари нималардан иборат,

хамкорликка асосланган сиёсий қарашлар қандай манфаатларни кўзлайди? Бундай саволларнинг барчасига магистрлик ишида имконият доирасида мумкин қадар жавоб берилган.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқадиган бўлсак, тадқиқотчининг танлаган мавзуси ўзининг долзарблиги билан алоҳида аҳамиятга эгадир. У мавзуни ёритишда тарихий босқичларда шаклланган стратегик ҳамкорлик тушунчасининг назарий ва амалий аҳамиятини бир неча олимлар ва тадқиқотчилар тажрибасидан келиб чиқиб, синтезлаб олинган фикрлар талқин қилинган. Бу талқин магистрлик ишининг юқори даражадаги ютуғи ҳисобланади.

Шунингдек, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувда Ўзбекистон -Япония стратегик ҳамкорлиги аниқ хусусиятларининг иқтисодий муносабатда қай тарзда ўз таъсирини кўрсатаётганлиги, таълим соҳасидаги ҳамкорлик ҳозирги кунда ўзининг ижобий натижаларини намоён этаётганлиги илмий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Мазкур ишда ютуқлар билан бирга айрим камчиликлар ҳам мавжуд. Тадқиқотчи айрим ҳолларда таҳлил жараёнида бир фикрдан иккинчи фикрга тезда ўтиб кетиш ҳолатлари учрайди. Бироқ шундай бўлса-да, кўрсатилган

камчиликлар магистрлик ишининг мазмун-моҳиятига салбий таъсир кўрсатмайди. Ушбу камчиликларни кейинги илмий ишларида инобатга олади, жиддий тадқиқот ишларини амалга оширади деган фикрдамиз.

Мазкур диссертация иши юқори савияда ёзилганлигини, унинг магистрлик академик даражасини олишга доир низом талабларига мослигини инобатга олиб ижобий баҳога тавсия этаман.

Расмий тақризчи:



Рустам ЖУМАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши
академияси кафедра мудири,
сиёсий фанлар доктори, профессор.

10 июнь 2010 йил



**Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети Халқаро
журналистика
факультети магистри Вахобов Суннатилланинг
"Ўзбекистон - Япония стратегик ҳамкорлиги янги босқичларининг
ОАВда ёритилиши" мавзусидаги магистрлик диссертациясига**

Т А Қ Р И З

Жаҳон сиёсий майдонидаги воқеалар кундан-кунга шиддат билан ривожланмоқда. Бугунги кунда жаҳоннинг исталган минтақасида турли кучлар ва давлатларнинг манфаатлари ўзаро тўқнаш келаётгани айни ҳақиқат.

Маълумки, ҳаёт Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлар тизимининг, у ишлаб чиққан ривожланиш тамойилларининг асосли эканлигини кўрсатди. Жаҳон сиёсатдонлари ва жамоат арбоблари унинг янгича қарашларига юксак баҳо бермоқдалар ва ўз вақтида қўллаб-қувватламоқдалар.

Стратегик жихатдан барқарорликни сақлаш, иқтисодий мустақилликка эришиш ва иқтисодий ўсиш, республика аҳолисининг фаровонлигини таъминлашнинг энг муҳим шарти - иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишдан иборат.

Тадқиқотчи - Вахобов Суннатилла "Ўзбекистон - Япония стратегик ҳамкорлиги янги босқичларининг ОАВда ёритилиши" мавзусини ўрганиш жараёнида геосиёсий манфаатлар, халқаро муносабатлар, икки давлат ҳамкорлиги самараларини ва жаҳон сиёсий майдонида кечаётган жараёнларни чуқур ўрганишга ҳаракат қилган.

Мазкур мавзунинг долзарблиги мустақил илмий давлат барпо этишнинг дастурий вазифаларидан бири - янги халқаро алоқалар таркибининг муҳим ўринга чиқиши билан ҳам изоҳланади. Тадқиқотчи ана шундай кенг камровли катта мавзуни ўрганишга, тадқиқ этишга кўл урган.

Бундан ташқари, диссертацияда халқаро муносабатларнинг давлатлараро алоқалар динамикасига таъсири, соҳада юзага келаётган

муаммолар таҳлил этилган. Шунингдек, иш жараёнида нуфузли халқаро ташкилотлар, таниқли тадқиқотчилар ва сиёсатшунослар, турли давлат ва нодавлат таҳлил марказлари хулоса ҳамда фикрларидан фойдаланилган. Диссертацияни ўқиш ёнида икки давлат ҳамкорлигининг ривожига хусусидаги айнан юртимиз ва кунчиқар мамлакат оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган, мавзуга оид бўлган кўплаб мақолалардан мисоллар ва аниқ манбаларга асосланган фактларни учратиш мумкин.

Диссертациянинг мураккаблиги ҳисобга олинган ҳолда, унга боб ва олтита параграф тузиб олиниб, ҳар бирининг устида алоҳида аҳамият билан изланишлар олиб борилганлигини таъкидлаш керак. Жумладан, диссертацияга асосий таянч сифатида Президентимизнинг "Ўзбекистон XXI " аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари", "Ўзбекистон буюк келажак сари", "Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида", "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" асарлари бош мезон қилиб олинганлигини кузатиш мумкин. Шунингдек, тадқиқотчи томонидан магистрлик диссертациясининг хулоса қисмида берилган таклифларни долзарб ва эътиборга молик, деб ҳисоблайман.

Менинг назаримда кўрсатилган мавзу мукамал режа, салмоқли балар асосида муваффақиятли тадқиқ этилган.

Мазкур магистрлик иши илмий ёзиш талабларига жавоб беради ва у химояга тақдим этилиши мумкин.

Такризчи: 



социологня фанлари номзоди,
доцент **К.Калонов**

11 июнь 2010 йил

ЎзДЖТУ

Магистрлик диссертациясига берилган
"Сиёсий менежмент ва халқаро журналистика" кафедраси
ХУЛОСАСИ

Магистр Вахобов Суннатилланинг Нарзулла Жўраев раҳбарлигида ва Рустам Жумаев тақризи остида "Ўзбекистон - Япония стратегик ҳамкорлиги янги босқичларининг ОАВда ёритилиши" мавзусидаги магистрлик диссертацияси кўриб чиқилди ва бу иш магистрлик диссертацияси талабларига тўлиқ жавоб беради.

Давлат аттестацияси комиссиясида ушбу иш ҳимояга киритилиши мумкин.

Кафедра муdiri:
Н.Жўраев



с.ф.д.,

проф.

15 май 2010 йил

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Халқаро журналистика факультети
"Сиёсий менежмент ва халқаро журналистика" кафедрасининг
мажлиси № 7 баённомасидан
КЎЧИРМА

2010 йил 15 май

ҚАТНАШДИЛАР: 27 кафедра аъзолари
КУН ТАРТИБИ: 2-босқич магистрларининг магистрлик
диссертацияларини ҳимояга тавсия этиш.

ЭШИТИЛДИ: 2-босқич магистранти Вахобов Суннатилланинг
"Ўзбекистон - Япония стратегик ҳамкорлиги янги босқичларининг ОАВда
ёритилиши" мавзусидаги магистрлик диссертациясининг муҳокамаси.

Кафедра мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:
босқич магистранти Вахобов Суннатилланинг Нарзулла Жўраев илмий
раҳбарлигида ва Рустам Жумаев тақризи остидаги "Ўзбекистон - Япония
стратегик ҳамкорлиги янги босқичларининг ОАВда ёритилиши" мавзусидаги
магистрлик диссертацияси Давлат аттестацияси комиссияси мажлисида
ҳимоя қилишга тавсия этилсин.

"Сиёсий менежмент ва халқаро
журналистика" кафедраси мудирининг  с.ф.д., проф. Н.Жўраев

Котиб:



М.Мусаев

Тасдиқлайман _____
Каф.мудирини Жўраев Н.

2010 йил 15 май

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети Халқаро журналистика факультети "Сиёсий менежмент ва халқаро журналистика" кафедраси тадқиқотчиси халқаро журналистика магистратура бўлими битирувчиси Вахобов Суннатилланинг Магистрлик иши бўйича топшириқ

1. Магистрлик диссертациясининг мавзуси "Ўзбекистон - Япония стратегик ҳамкорлиги янги босқичларининг ОАВда ёритилиши" 15 май 2010 йил кафедра мажлисида маъқулланган.

2. Магистрлик диссертациясини топшириш муддати 10 кун.

3. Магистрлик диссертациясини бажаришга доир бошланғич маълумотлар Президентимиз И.А.Каримов асарлари, Ўзбекистон ОАВлари материаллари, даврий нашрлар, Япония ОАВлари материаллари ва соҳага доир бошқа адабиётлардан фойдаланилган.






4. Ҳисоблаш-тушунтириш ёзувларнинг таркиби (ишлаб чиқиладиган масалалар) Кириш, учта боб ва хулоса.

5. Мавзуга доир чизмалар ва иловалар берилган.

6. Магистрлик диссертацияси бўйича маслаҳатчи

№ т/р	Бўлим мавзуси	Маслаҳатчи Ўқитувчи Ф.И.Ш	Имзо, Сана	Имзо, Сана
			Топшириқ берилди	Топшириқ бажарилди
1	Кириш	Н.Жўраев	5.02.10	15.02.10
2	Стратегик ҳамкорлик тушунчаси: назарий ва амалий таҳлил	Н.Жўраев	15.02.10	5.04.10
3	Ўзбекистон - Япония ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар	Н.Жўраев	5.04.10	1.05.10
4	Мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик оммавий ахборот воситалари талқинларда	Н.Жўраев	1.05.10	15.05.10
5	Хулоса	Н.Жўраев	10.05.10	15.05.10

7. Магистрлик диссертациясини бажариш режаси

№т/р	Магистрлик иши босқичларининг номи	Бажариш муддати (сана)	Текширувдан ўтганлик белгиси
1	Кириш	5.02.10 – 15.02.10	
2	1-боб	15.02.10 – 5.04.10	
3	2-боб	5.04.10 – 1.05.10	
4	3-боб	1.05.10 – 15.05.10	
5	Хулоса	10.05.10 – 15.05.10	

Магистрлик иши раҳбари:  с.ф.д., проф. Н.Жўраев

Топшириқни бажаришга олдим:  Вахобов С.



Мавзу: Ўзбекистон - Япония стратегик ҳамкорлиги янги босқичларининг
ОАВда ёритилиши

Режа:

Кириш

I боб: Стратегик ҳамкорлик тушунчаси: назарий ва амалий таҳлил

1. Стратегик ҳамкорликнинг аҳамияти
2. Ўзбекистон - Япония стратегик ҳамкорлигининг шаклланиш

Босқичлари

II боб: Ўзбекистон - Япония ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар

1. Ўзбекистон - Япония иқтисодий муносабатлари
2. Фан ва таълим соҳасидаги Ўзбекистон - Япония ҳамкорлиги

III боб: Мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик оммавий ахборот воситалари
талқинларида

1. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги сайтларида ҳамкорликнинг
ижтимоий-иқтисодий асослари
2. Ҳамкорликлар ривожига ўзбек ва япон матбуотида.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Давлатимизнинг Осиё мамлакатлари билан ҳамкорликлари бутун дунё ҳамжамияти, шу жумладан Ўзбекистон учун ҳам ўта муҳим бўлган халқаро барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш вазифалари билан бевосита боғлангандир. Бу масалада ҳарбий кучлар эмас, балки сиёсий, иқтисодий, илмий-техник, технологик, маданий-маърифий ва гуманитар омиллар асосий роль ўйнайди. Давлатларнинг ташқи сиёсати тобора очик тус олаётган ва минтақалар, бутун дунё масштабларида интеграциялашув жараёнлари тобора чуқурлашиб бораётган бир шароитда барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш масалалари халқаро ҳамкорликлар билан янада мустаҳкамроқ боғланиб бормоқца. Хорижий мамлакатлар, жумладан Осиё минтақаси давлатлари билан ҳам ўрнатилган самарали ҳамкорликларни илмий жиҳатдан идрок этиш назарий методологик нуқтаи назардан ўта долзарб аҳамиятга эгадир.

Истиқлол мамлакатимиз учун жаҳон ҳамжамиятига тенг ҳуқуқли аъзо сифатида кириш имкониятларини очиб берди. Мустақил Ўзбекистоннинг асосий мақсади барқарор ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига, самарали ташқи сиёсатга эга бўлган ҳуқуқий-демократик давлатни барпо этишдан иборат бўлиб қолди.

"Жаҳон тажрибаси, кейинги йилларда эса ўзимиз тўплаган тажриба ҳам шуни яққол кўрсатмоқдаки, иқтисодий, сиёсий, маънавий соҳаларда кенг миқёсдаги ўзгаришларни муваффақиятли амалга оширишнинг, ижтимоий муносабатларни тубдан ислоҳ қилишнинг, дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилиш ва фаол халқаро ҳамкорликнинг ғоят муҳим шарти -

мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорликни, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликни таъминлашдан иборат".¹

¹Ислом Абдуғаниевич Каримов "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" Т. "Ўзбекистон" 1997 й

Ўзбекистоннинг энг янги тарихида Республикамизнинг жаҳон майдонига чиқишдаги, хорижий мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйишдаги тажрибаларини умумлаштириш энг муҳим илмий йўналиш саналади. Мазкур мавзунинг долзарблиги мустақил илмий давлат барпо этишнинг дастурий вазифаларидан бири - янги халқаро алоқалар пркибининг муҳим ўринга чиқиши билан ҳам изоҳланади.

"Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига жавоб берувчи ҳар томонлама фаол ташқи сиёсатни амалга ошириш, давлатимиз суверенитетини мустаҳкамлаш, иқтисодий қийинчиликларни енгиб ўтиш ва халқимиз ҳаётини яхшилашнинг зарур шarti ва муҳим воситасидир"¹.

Республикамиз ҳуқуқий демократик давлат қуришни, бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтишни ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши даражасига кўра ниҳоятда оғир шароитда бошлади. Ушбу шароит Ўзбекистоннинг мустақилликнинг илк йилларида ўзига нисбатан анча юқори "иқтисодий ривожланиш даражасига эга бўлган давлатлар билан ҳамкорликни йўлга қўйишига сабаб бўлди. Бунинг учун бошқа тараққий этган мамлакатлар билан "тенгма-тенг" рақобатлаша оладиган даражага етиш, халқнинг жуда бой хом-ашё ресурсларидан фойдаланиб, мамлакат иустақиллигини мустаҳкамлаш, Ўзбекистонни қисқа-муддатда гуллаб-яшнаётган давлатга айлантириш йўлида қатъият билан меҳнат қилиш зарур эди. Бу ҳол хориж сармоясини жалб этиш, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни тез суръатларда сифат жиҳатидан янгича асосда ривожлантириш, ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан янгиланишни талаб қиларди.

"И.А.Каримов "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид , барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" Т. "Ўзбекистон" 1997 й

Муҳими, Ўзбекистон билан ҳамкорликни йўлга қўйган давлатларнинг бирортаси ҳам мамлакатимизга ҳайр-эҳсон ёки ёрдам бериши лозим бўлган субъектга қарагандай нописандлик билан қарамади. Барча давлатлар Ўзбекистон билан юқори даражадаги иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий имкониятларга, бой табиий хом ашё ресурсларига эга бўлган.

Марказий Осиё минтақасидаги етакчи, сиёсий жиҳатдан барқарор, янгилаш, тараққиёт йўлидан ишонч ва қатъият билан илгарилаб бораётган мамлакат сифатида муносабатда бўлди.

Кейинги вақтларда Япония минтақамизнинг мураккаб муаммоларини - хавфсиз ва барқарор тинчликка эришиш, атроф муҳит муҳофазаси масалаларини ҳал қилишда фаол ва манфаатдорлик билан иштирок этмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Япония учун Марказий Осиёга кўприк вазифасини эгаллашини таъкидлайди. Ҳақиқатан ҳам сўнгги вақтларда жуда кўп давлатлар қатори Япониянинг ҳам Ўзбекистон ва Марказий Осиёга муносабати тубдан ўзгарди. Сўнгги йиллар ичида дунё Ўзбекистонни қайтадан таниди, десак, хато бўлмайди. Бунинг сабаби кўп. Ўзбекистоннинг минтақамиздаги стратегик, жўғрофий-сиёсий аҳамияти, захиравий имкониятлари, иқтисодий салоҳияти муҳимлигини энди ҳеч ким инкор эта олмайди.

Ҳозирги кунда глобаллашув жараёни жадаллашаётган йўналишларни ажратиб кўрсатиш мақсадга мусофиқдир. Улар орасида жаҳон ахборот ва алоқа тармоқлари, ахборот билан таъминлаш, молиявий институтлар, оммавий ахборот воситалари, бир неча соҳаларда халқаро ҳамкорликни санаб ўтиш мумкин.

Глобаллашув жаҳон тараққиётига, хусусан, ОАВлар ва журналистикага ҳам жуда катта таъсир ўтказди. Мазкур таъсирнинг энг йирик натижаси сифатида дунё бўйлаб трансмиллий корпорацияларнинг юзага келиши, катта миқдордаги ахборот оқимининг Ғарбдан Шарққа ёки Шимолдан Жанубга томон ҳаракатланиши, тижорий масс медианинг ўсиши ва журналистиканинг тижорийлашуви, ОАВ ривожланиши ва назоратининг муайян сиёсий-иқтисодий кучлар қўлида марказлашишини кўрсатиш мумкин.

"Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари - Япония, Жанубий Корея, Хитой, Вьетнам, Малайзия, Ҳиндистон, Индонезия ва бошқа мамлакатлар билан алоқаларимиз мустаҳкамланио Оораётганлигини алоҳида мамнуният билан таъкидлаб ўтмоқчиман".²

Хорижий мамлакатлар, жумладан, Осиё минтақаси давлатлари билан ҳам ўрнатилган самарали ҳамкорликларни илмий жиҳатдан идрок этиш назарий методологик нуқтаи назардан ўта долзарб аҳамиятга эгадир. Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг Осиё мамлакатлари билан иқтисодий, илмий техник ва маданий ҳамкорликларининг асосий йўналишларини, шаклларини ва ривожланиш динамикасини комплекс равишда таҳлил қилиш жараёнига, халқ фаровонлигини оширишга ҳамда мамлакатнинг дунё ҳамжамиятига аста-секинлик билан кириб боришига таъсирини ва шу йўлдаги муаммоларни ўрганишдан иборатдир.

Тадқиқот ишининг мақсади. Иқтисодий жиҳатдан тараққий этган, демократик ривожланиш йўлига тушиб олган, халқаро ҳамжамиятда ўзининг муносиб ўрни ва ўз қарашларига эга бўлган давлатларга ҳавас билан қараб, улар билан қалин дўстлик ва яқин ҳамкорлик ипларини боғлаш Ўзбекистон давлатининг ташқи сиёсатини белгилаб беради. Нафақат Япония, балки бутун жаҳон давлатлари бугунги кунда Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги энг барқарор мамлакат ва ишончли ҳамкор сифатида тан олмоқда.

²Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.: Ўзбекистон. 1999 й, 29-6.

Шу боис ҳам ўтган йиллар мобайнида жаҳоннинг кучли ва илғор мамлакатлари Ўзбекистон билан барча соҳалар бўйича ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатишга ҳаракат қилмоқдалар.

Япония Ўзбекистон мустақиллигини биринчилар қаторида тан олган давлатлардан биридир. Ўзбекистон истиқлолга эришган илк йиллардан бошлаб у мамлакатимиз билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб, юртимиздаги кенг кўламли ислохотларни қўллаб қувватлаб келмоқда.

"Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ва Япония жўғрофий узоқликка қарамай, бир-бирига анча яқин давлатлардир.

Япония Ўзбекистон орқали Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор. Ўзбекистон учун Осиё - Тинч океани мамлакатлари билан алоқаларни енгайтиришда Япония билан муносабатлар муҳим ўрин тутди".¹

Шуни айтиш керакки, мамлакатимизнинг дўстона яқинлиги ХХІ асрда

Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш имконини беради, бу эса, ўз навбатида икки халқнинг тарихий ва маданий меросини ҳурмат қилиши, иқтисодий ривожланиш масалаларига тўғри, холис ва оқилона ёндашувни, дунёвий аҳамиятга молик кўплаб масалаларга муносабатнинг муштараклигини келтириб чиқаради.

Бугун халқаро ҳамкорлик борасидаги кузатувларни тартибга солиш, оралиқ хулосалар ва кейинги илмий изланишлар шарт-шароитлари ҳамда вазифаларини аниқлаб олиш учун етарлича кенг қамровли маълумотлар йиғилган. Э. Милнер халқаро ҳамкорликка бағишланган замонавий адабиётларни таҳлил қила туриб, бу соҳада сўнгги ўн йилликда сезиларли даражада ютуқларга эришилди, деган хулосага келди. Асосий назарий ютуқлардан бири сифатида айтишимиз мумкинки, ҳозирда ҳам давом этиб келаётган баҳс-мунозараларга қарамай, илмий ҳамжамиятда халқаро ҳамкорлик тушунчаси борасидаги келишув шаклланди. Кўп олимлар ҳамкорликни "сиёсат координацияси жараёни орқали бошқаларнинг далилий

ёки кутилган афзалликларига мувофиқ ўз хатти-ҳаракатларини тартибга солувчи акторлар" ҳолати каби кўрсатишади. Бошқача қилиб айтганда, халқаро ҳамкорлик мавжуд бўлган уч элементни: ҳамкор давлатларнинг умумий мақсади, вазиятдан кутилган фойда ва бу икки томонлама фойданинг ўзаро характерини тахмин қилади. "Ҳар бир актор бировга ёрдам бериши шарт эмас, лекин буни қила туриб давлатлар сиёсати координациясидаги икки томонлама муносабатда ўз вазиятининг яхшиланишини кутади.

Бундай тушунча бошқаларнинг қизиқишларини қондиришга халақит бериш учун йўналтирилган ёки фойдасини қисқартиришни мақсад қилиб олган хатти-ҳаракатлар чизигини ифодаловчи конфликт ёки ҳамкор рақобатчилар орасидаги чегараларни излашда аҳамиятли".¹

Мустақиллик йилларида давлатлараро ҳамкорликнинг янгича механизмлари ва шакллари қарор топди. Ички ижтимоий тузилмаларнинг тубдан ўзгартирилиши халқаро даражадаги сиёсий ва иқтисодий алоқаларни, шу жумладан Осиё мамлакатлари билан ўрнатилган алоқаларни ҳам тубдан қайта қуришни тақозо этишининг назарий асосларини ишлаб чиқиш тадқиқот ишининг мақсади ҳисобланади.

Тадқиқот ишининг вазифалари

- стратегик ҳамкорликнинг давлатлар тараққиётида тутган ўрни нима, деган саволга жавоб бериш;

- стратегик ҳамкорликнинг амалий қирраларини очиб бериш;

- турли илмий адабиётлар, ўқув қўлланмалардан фойдаланиб, стратегик ҳамкорлик тушунчаси, унинг мамлакатимиз ҳаётида тутган ўрнини ўрганиш,

Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатининг ўзига хос жиҳатларини ажратиб кўрсатиш ва ўрганиш;

-Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги сайтларида стратегик ҳамкорликнинг ёритилишини акс эттириш;

¹П.А.Цыганков Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги жорий архивидан // Т.: 2000 йил

- Назария ва амалиёт боғлиқлигини таъминлаган ҳолда Ўзбекистон ва Ялониянинг йирик нашрларида давлатларимиз ўртасидаги стратегик ҳамкорликнинг ёритилишини талқин этиш ва бунинг мамлакатлар турмуш тарзига кўрсатиши мумкин бўлган ижобий таъсирини кўрсатиб ўтиш талқиқот ишининг вазифалари ҳисобланади.

Ишнинг илмий янгиликлари ва эришилган натижалар қуйидагилар:

- мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни ҳар бир мамлакатда амалга ошириладиган барқарор ва доимий равишда илгарилаб борувчи иқтисодий ва маданий тараққиётсиз, бозор муносабатларини шакллантирмасдан, импорт ўрнини босувчи ва экспорт учун ҳам мўлжалланиши мумкин бўлган ишлаб чиқаришни йўлга қўймасдан амалга ошириш мумкин эмаслиги;

-ҳар бир мамлакат ўз иқтисодиётини мустаҳкамлаш, миллий мустақиллик ва давлат суверенитетини кучайтириш, миллий онг ва миллий маданиятни ривожлантириш керак бўлади.

Фақат шу йўл билангина тенг ҳуқуқли ҳамкорликни таъминлаш, бошқа мамлакат таъсирига тушиб қолмаслик мумкинлиги;

- сўнгги йилларда халқаро муносабатлар тажрибаси шунини кўрсатмоқдаки, мамлакатларнинг интеграциялашув жараёнидаги ҳамкорлиги учун ҳар бир мамлакатда сиёсий барқарорлик учун олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ва фуқоролар ўртасидаги тотувлик ўта зарурлиги;

- ўзаро ҳамкорлик маълум қонуниятлар асосида ривож топади, алоҳида олинган бирор бир давлат тузилмаси доирасида мавжуд қонуниятлардан фарқ қилади. Уларни маълум маънода ҳамкорлик доирасига уюшган давлатларнинг ривожланиш қонуниятлари деб аташ ҳам мумкинлиги;

«Теория международных отношений» Москва, 2005 г.122 стр.

- қонунларни муайян давлатнинг ички қонуниятлари билан аралаштирмаслик, мамлакат ички ривожланиш қонуниятларини ҳамкорликдаги бошқа барча давлатларга тадбиқ қилиш ёки сингдиришга уриниш нотўғри ва мутлақо ноқонунийлиги:

- ҳамкорликка аъзо бўлиш, ички вазифаларни ҳал этиш учун ишлаб чиқариш кучларидан ҳамкорликда фойдаланишга алоқадор умумий манфаатларнинг мавжудлиги ва сабаб бўлмоғи керак эканлиги талқин қилинганлигидир.

Тадқиқот ишининг назарий ва амалий аҳамияти Тадқиқот давомида йиғилган ва таҳлил этилган адабиётлар мажмуи, манбалар, назарий ва амалий тавсиялар стратегик ҳамкорлик пайдо бўлишининг манба ва негизларини, унинг халқаро муносабатларда барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш сирларини англашга ёрдам беради. Шунингдек, тадқиқот натижалари шарқшунослар жамоатчилиги ва сиёсатшунослар учун стратегик ҳамкорликнинг сиёсий ҳаётида кечаётган демократик янгиланишлар гугрисида илмий ва ўқув услубий маъруза тайёрлаш имконини беради.

Тадқиқот ишининг тузилиши

Тадқиқот иши кириш, учта боб, олтита бўлим, хулоса ва фойдаланилган абиётлар рўйхатидан иборат.

I боб: Стратегик ҳамкорлик тушунчаси: назарий ва амалий таҳлил.

1. Стратегик ҳамкорликнинг аҳамияти.

“Бугунги ҳаётимизда қарор топиб бораётган турмуш тарзи шуни кўрсатмоқдаки, жаҳондаги интеграциялашув жараёнлари кенг қулоч ёйиб бораётган бир шароитда мамлакатлар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ҳамда маданий ҳамкорлик, ҳамжиҳат бўлиш муҳим заруриятга айланди. Бу муносабатлар, аввало, умумий манфаатларни англаш, миллий ўзига хос сусиятларни хурмат қилиш, умуминсоний қадриятлар устуворлигини эътироф этиш асосига қурилмоғи лозим”.¹

Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги стратегик ҳамкорлик узоқ муддатли ўзаро ишончга асосланган муносабатни ўз ичига олади. Чунки стратегик ҳамкорлик деганимизда, биз икки мамлакат ўртасида маълум синфлар манфаатларини амалга ошириш мақсадидаги шартномани эмас, балки кенг маънода минтақалар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларини тушунмоғимиз лозим. Зеро, бу ҳамкорлик ҳар икки мамлакат халқлари учун ҳам бирдек хизмат қилишга қаратилган узоқ муддатли ҳамкорликдир. Стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатда томонлар тенглик, ўзаро келишув ва халқаро ҳуқуқнинг умумий қабул қилинган тамойил ва меъёрларига асосланган ҳолда дўстона муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш ниятини билдирадilar. Ўз навбатида Япония Ўзбекистон билан шериклик ўрнатишдан манфаатдор эканлигини изҳор этиб, бу муносабатларни Марказий Осиё минтақасидаги энг муҳим ва катта салоҳиятли шериклик, деб баҳоламоқда.

Интеграциялашув жараёни мамлакатлараро алоқаларни умумий қонуниятларга бўйсундира боради, шу боисдан ҳам, бундай шароитда бирор мамлакатнинг фақат ўз эҳтиёжларини қондиришга бўлган интилиши самара бермайди. Бинобарин, бугунги кунда дастлаб муайён мамлакатда иш бошлаган ишлаб чиқариш тармоқларини иккинчи бир мамлакатда давом этмоқда. Бундай ҳол барча мамлакатларда ҳамжиҳат ва ҳамкор бўлишни тақозо этмоқда. Айни шу ҳол туфайли ҳаётимизда ўзаро манфаатли инвестициялар, қўшма корхоналар яратиш, халқаро банклар ўртасидаги ҳамкорликлар, савдо иқтисодий алоқалар қарор топмоқда.

Гап шундаки, халқаро муносабатлар глобаллашаётган бир пайтда бирор бир мамлакат ёки халқнинг манфаатларини ерга уриш, қадрсизлантириш эвазига ўз манфаатини қондира олмайди. Ҳозирги кунда мавжуд термоядро уруши хавфи остида, экологик инқироз шароитида нафақат ижобий аришлар, балки салбий оқибатларга ҳам сабаб бўлувчи замонавий илмий-техник инқилоб шароитида инсоннинг бахтли ва фаровон ҳаётини таъминлашга бўлган интилишлар барча мамлакатларнинг бир ёқадан бош чиқариб, ҳамжиҳат бўлишлари учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизнинг ташқи сиёсатидаги асосий тамойиллар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб берилган. "Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади. Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиш, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириш ва улардан ажралиб чиқиши мумкин".¹

Халқаро сиёсат ўзида реалликни акс эттиради ва ўзгаришларга доим очиқ, давлатлар - бирликлар ташқи муҳит таъсири остида ўзига хосликни қайта шакллантиришга мойил. Халқаро ҳамкорлик тушунчасига ташқи муҳитнинг ўхшаш социал таъсири ва у билан боғлиқ ҳолда миллий кадриятлар, давлатларнинг қизиқишлари ва афзалликларининг ўзаро мувофиқлиги натижаси сифатида қараш лозим.

¹Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Т.: "Ўзбекистон" 2001 йил 12,46-бетлар

Иқтисодий ҳамкорликлар негизда сиёсат, фан, маданият ва маориф соҳасида ҳам изчил ҳамкорлик амалга оширилмоқда.

"Ҳамкорликнинг муҳим шартларидан бири - унда иштирок этаётган ат, миллий ва диний мансублигидан қатъи назар, ҳар қандай мафкурадан ли этилганлигидир. Мамлакатлар ўзаро ҳар томонлама ҳамкорликни гшга оширар эканлар, аввало, ҳар бир мамлакатнинг иқтисоди ва анияти муваффақиятли ривожланган тақдирдагина самара бериши д.кинлигидан келиб чиқиши лозим. Фақат шундагина ҳамжихатлик ва тотувлик таъминланиши мумкин".¹ Халқаро ҳамкорлик масаласи тадқиқотини сиёсий назариянинг янги бир тармоғи деб қараш муболаға бўлар эди. Ҳамкорлик ва конфликт азалдан бу риянинг икки асосий либерал ва реалистик йўналишдаги мунозара марказида туради. "Халқаро ҳамкорлик" тушунчасини аниқлашдаги нсенсуснинг мавжудлиги ижодий жараёнларнинг ҳеч бўлмаганда илк лассификациясини шакллантиришга имкон беради. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, халқаро ҳамкорликнинг қуйидаги турларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- ўзаро алоқага кўра давлатлар фойдасини тақсимлаш предмети ҳисобланадиган музокаралар (у бир вақтнинг ўзида ҳамкорликка йўл ва унинг мавжудлиги кўрсаткичи ҳисобланади);
- сиёсий келишув музокаралар натижасида қўлга киритилган ва эришилган ютуқлар (фаолият ҳақидаги расмий шартнома, битимлар);
- шартномалар тузишни мўлжалламасдан, тўғридан-тўғри ёки расмий битимларсиз амалга ошириладиган ноаниқ ҳамкорлик (бундай ҳамкорлик акторларнинг мақсадлари бир-бирига тўғри келганда вужудга келади);
- мажбурий ҳамкорлик: кучлироқ тараф бошқа томонни ўз сиёсатини тўғрилашга мажбур қилади, айна дамда ўзининг ҳам сиёсатини тўғрилади.

¹И.А Каримов «Баркамол авлод орзуси» Т.: "Шарк" 1999 йил

- субсидия, экспертиза ва регламентацияларни амалга оширувчи ихтисослашган институтларни ташкил этиш (масалан, БМТ институтлари).

Мильнер ажратиб кўрсатганидек, халқаро ҳамкорлик соҳасида сўнгги изланишлар давомида қўлга киритилган яна бир муҳим ютуқ - бу давлатлараро ҳамкорлик кенг йўлга қўйилаётган шароитлар ҳақидаги гипотезалар ишланмасидир. Бу гипотезалар халқаро ҳамкорлик назарияси комплексини ташкил этмаса-да, ҳар бири ҳамкорликни тобора ривожлантирувчи ўзгаришлар занжирини тақдим этади. Унинг таҳлили ва эмпирик тадқиқи кўрсатилган назарияни яратиш ва шунингдек халқаро муносабатлар назариясини бутунлигича ривожлантиришни тезлаштиришга кодир. Мильнер қуйидаги олти гипотезани номлаб таҳлил қилади:

- "ўзаро алоқа гипотезаси" - асосий маъноси давлатлар ҳамкорликдан кутадиган фойда ва уларни йўқотишдан қўрқиш ҳамда ундан бош тортган ҳолларда жазолаш;

- "акторлар миқдори ҳақидаги гипотеза" - бу нуқтаи назарга кўра, ўзаро алоқа қилувчи давлатлар сонининг қисқариб бориши билан ҳамкорлик истиқболлари ошади;

- "интеграция гипотезаси" - давлатларнинг ҳамкорлик қилиш имкониятлари уларнинг ўзаро алоқалари давомийлигига боғлиқ;

- "халқаро режимлар ҳақидаги гипотеза" ёки қарор қабул қилишдаги нормалар, принциплар ва процедуралар ҳақида бўлиб, халқаро ҳамкорлик марказлари тақдим этадиган тўпламлардир;

- "эпистемик ҳамжамиятлар гипотезаси" - муаммонинг умумий тушунчаси ва уни ечиш йўллари ажратиб кўрсатадиган профессионал экспертлар ҳамкорлиги;

- "кучлар ассимметрияси гипотезаси" - у барқарор гегемонлик назариясига ўхшаш бўлиб, агар ҳамкор давлат кучли ва гегемон бўлса, ҳамкорликни йўлга ўйиш янада қулай бўлади.

Ўзбекистоннинг Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик географиясини тасаввур қилиш учун Буюк Ипак йўли йўналишини ҳаёлан қайта тиклаш керак бўлади. Бу йўл қадимда асосий савдо тармоғи ҳисобланиб, милoddан аввалги биринчи асрлардан бошлаб юнон-рим дунёсини Хитой билан боғлаб турган. У қадимги Хитойнинг пойтахти Лоян шаҳридан бошланарди. Карвонлар Буюк Хитой деворини ортида қолдириб, Ланчъжоу орқали Дунь-Хуангача келишарди. Бу ердан эса иккита асосий йўл - Жанубий ва Шимолий йўллар кетарди. Жанубий йўл Пакла-Макон саҳросини четлаб ўтиб, жанубдан Хўжанд, Ёркент, Балх орқали Марвгача борарди.

Япон олими Икуо Хирояманинг Ўзбекистоннинг Жанубий қисмида олиб борган қадимий шаҳар қолдиқларини қазилар ишлари ҳамда Қоратепа, Далварзинтепадан топилган будда ибодатхоналаридаги буюмлар, Фаёзтепадаги ибодатхоналар безаклари асосида чиқарган хулосаларига кўра, милoddнинг биринчи асрларида Кушон давлатига қарашли, Буюк Ипак йўли ўтувчи Хоразм ва Сўғд шаҳар кўрғонларида буддизм ўзининг энг юқори босқичига эришган. Икуо Хирояманинг фикрича, Ўзбекистон ҳудуди буддийликнинг японлар қабул қилган шакли кенг тарқалишида энг асосий бўғин бўлиб хизмат қилган.

2000 йилнинг октябрь ойида Ўзбекистонда Япония маданияти кунлари тказилиши муносабати билан Икуо Хирояманинг ёзган мактубида, ўзбек-япон алоқаларининг теран илдизлари Буюк Ипак йўли тарихига бориб тақалиши алоҳида таъкидланган эди. Президентимиз Ислам Абдуғаниевич Каримов ҳам ўз навбатида, Термиз шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида: "Ҳақиқатан ҳам, азалдан Мағрибу Машрикни ўзаро боғлаб келган қадим савдо карвонлари ўтадиган Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган бу тупроқда неча минг йиллар мобайнида турли дин ва маданиятлар зардуштийлик ва буддавийлик, насронийлик ва мусулмонлик анъаналари ёнма-ён яшаб келганини ҳисобга олсак, бу заминнинг тарихи нақадар кўхна эканига иқроп бўламиз", - деган эди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг илк йиллариданоқ Осиёнинг кўплаб давлатлари Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини тан олди ва улар билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Хусусан, Хитой билан 1992 йилнинг 2 январиди, Жанубий Корея билан 1992 йилнинг 29 январиди, Япония билан 1992 йилнинг 26 январиди, Туркия билан 1992 йилнинг 4 мартада, Хиндистон билан 1992 йилнинг 18 мартада, Покистон билан 1992 йилнинг 10 майида дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

Япония ҳозирги кунда энг ривожланган еттилик мамлакатнинг бири хисобланади. Дунёдаги 500 та энг йирик миллий транспорт компанияларининг 141 таси Японияга тегишли. Жаҳонда маҳсулотни сотиш ҳажми бўйича дастлабки уч ўринни япон компаниялари эгаллайди. Японияда экспорт импортдан юқори. АҚШ ва Ғарбий Европа билан биргаликда дунёдаги муҳим иқтисодий марказ учлигига киради. Ялпи миллий маҳсулоти АҚШ ялпи миллий маҳсулотининг ярмига тўғри келади. Лекин ялпи миллий маҳсулотнинг аҳоли жон бошига миқдори 1997 йилда 32610 долларни ташкил қилиб, АҚШдаги кўрсаткич билан тенглашди. Япониянинг чет мамлакатларга жўнатган сармояси 1986-1997 йиллар оралигида бир йилда ўртача 26 млрд. долларни ташкил этган. 1998 йилда жаҳон иқтисодиётига 5216,9 млрд. иена (тахминан 43,5 млн. доллар) кўшди. 1991 йилдан бошлаб 2005 йилгача Япония ҳукумати ривожланаётган давлатларга ёрдам кўрсатаётган бошқа давлатларга қараганда энг кўп маблағ ажратган ва бу ҳозирда ҳам давом этиб келмоқда. Япония турли халқаро ташкилотларга пул бадали ўтказиш бўйича дунёда иккинчи ўринда туради.

Илмий тадқиқотларга сарфланган сармоя бўйича ҳам дунёда иккинчи ўринни эгаллайди. 60 мингдан ортиқ илмий ходим бўлиб, бу кўрсаткич бўйича Япония ҳозир дунёда биринчи ўринни эгаллаб турибди. Япониядаги илмий тадқиқот фаолиятининг ўзига хос томони шундаки, унга кетадиган харажат ялпи миллий маҳсулотнинг уч фоизини ташкил этади. Бу эса

ривожланган мамлакатлар орасида энг юқори кўрсаткичдир. Илмий тадқиқотларнинг ривожланишида хусусий корхоналар катта роль ўйнайди.

Ўзбекистон билан Япония ўртасида Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги кўшма баёнот имзоланганига саккиз йил тўляпти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Абдуғаниевич Каримовнинг 2002 йил июль ойида Японияга расмий ташрифи чоғида мамлакатларимиз ўртасида Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги кўшма баёнот имзоланди. Аслида унгача ҳам Ўзбекистон билан Японияни ўзаро стратегик ҳамкор давлатлар деб ҳисоблаш мумкин эди. Токио саммитида бундай муносабатлар ҳужжат асосидарасмийлаштирилди. Мазкур ҳужжатда икки томонлама ҳамкорликнинг муҳим вазифалари сифатида савдо, сармоя, технология, таълим ва бошқа соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантириш белгилаб берилган бўлиб, ушбу ҳужжат томонлар тенглик, ўзаро англашув ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътирофи этилган тамойил ва меъёрларига асосланган ҳолда дўстона муносабатлар ва стратегик ҳамкорликни ривожлантириш мақсадини билдиради.

"Ўзбекистон ва Япония давлати ўртасида яна бир эътиборга молик ҳамкорлик мавжуд. Бу ҳамкорлик Ўзбекистон археологларининг Халқаро япон буддавийлик жамияти - "Сока Гаккай Интернейшнл" билан илмий-амалий мулоқотларида намоён бўлмоқда. Ўзбек ва япон олимлари ҳамкорликда Термиз шаҳри яқинида кўшма археологик қазишма ишларини олиб бормоқда. У ердан топилган қадимий будда динига оид обидалар қайта тикланмоқда. Мазкур ташкилотнинг молиявий кўмаги туфайли илмий археологик қазишма ишлари муваффақиятли олиб борилмоқда".¹

Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги жорий архивидан // Т.: 2004 йил

Ўзбекистон учун Япониянинг кичик ва ўрта бизнеси тўплаган тажрибани ўрганиш ҳам катта қизиқиш уйғотади. Ушбу мамлакатнинг кичик ва ўрта бизнес корхоналари ялпи миллий маҳсулотнинг деярли ярмини ишлаб чиқаришга эришди. М-н, "40-йилларнинг охирида, ҳозирда дунёга машҳур" Ямаха" халқаро компанияси ҳам оддий кичик бизнес корхоналари сифатида иш бошлаган эди. Ўша пайтларда ушбу корхонада атиги етти киши меҳнат қилиб, улар велосипед йиғиш билан шуғулланар, "Ямаха" эса оддий кооператив мақомда эди".

Бугунга келиб, Япониянинг қарийб 80 фоиз аҳолиси кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланади.

"Агар жон бошига тўғри келадиган йиллик даромад ҳақида гапирадиган бўлсак, бу кўрсаткич ислохотлар бошланганда атиги 500 АҚШ долларинк ташкил этган бўлса, бугунги кунда 38 минг АҚШ долларига тенгдир. Бу эса жаҳон мамлакатлари орасида энг юқори кўрсаткичлардан бири саналади".²

"Япония ва бошқа мамлакатларда кичик ва ўрта бизнеснинг ривожлантирилиши нафақат йирик бизнес ривожлантирилишига ижобий таъсир этади, балки, айти пайтда, умуман иқтисодиётининг ривожланишига ҳам таъсир қилиб, ички бозорни эҳтиёж моллари ва хизмат турлари билан тўлдириш, экспорт салоҳиятимизни ошириш, аҳолини иш билан таъминлаш, унинг реал даромадлари даражасини оширишга ҳам хизмат қилади. Яна бир

муҳим жиҳати шундаки, кичик ва ўрта бизнес, кичик ишлаб чиқариш корхоналарига нисбатан ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, ишлаб чиқарилаётган товарлар хилини янгилашни яхшироқ таъминлайди, бозор талабларининг ўзгарувчан ҳолатларига тезроқ мослашади".³

В.А.Власов "Научно-техническая революция в Японии" М.: 1975 г.

"И.А.Каримов "Кучли давлатдан кучли жамият сари" Т.: "Шарк" 1998 йил

И.А.Капимов "Ватан павнаки учун хап бипимич масъулмич" Т.: "Ўзбекистон" 2001 йил 417.41 8-бетлар

1995 йилнинг декабрида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Япониянинг Халқаро ҳамкорлик банки ўртасида телекоммуникация тармоқларини кенгайтириш лойиҳасининг умумий баҳоси 12,69 миллиард иенага тенг бўлган иккинчи босқичини амалга ошириш тўғрисидаги битим имзоланди. Ушбу лойиҳа халқаро тендерда ғолиб бўлган "Мицубиси - Мицуи - Ишимидзу" ва "Ленч - Алларко - Марубени" корпорациялари томонидан амалга оширилди.

"Япониянинг "Мицуи" фирмаси билан ҳамкорликда Марказий Осиёда энг йирик корхоналардан бири саналмиш Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг реконструкция қилиниш ишлари амалга оширилди. Мазкур фирма "Нишо Иваи" фирмаси билан биргаликда полиэтилен ишлаб чиқаришга мўлжалланган Шўртан газ ва кимё комплекси қурилишида иштирок этмокда. Бу лойиҳа амалга оширилиши натижасида турли марқадаги 125 минг тонна полиэтилен, 137 минг тонна суюлтирилган газ ва 37 минг тонна енгил конденсат олиш мўлжалланмокда".¹

2000 йилдан 2009 йил январигача бўлган вақт оралиғида Япония ҳукуматининг кичик миқёсли лойиҳалар (ўрта мактаблар, касб-хунар коллежлари ва лицейларни замонавий ўқув воситалари ва жиҳозлар билан таъминлаш) бўйича беғараз ва текин ёрдам кўрсатиш бўйича 39 та битим имзоланди. 2002 йилнинг январь ойида Япония ҳукумати Ўзбекистонга курғоқчилик ва сувсизликдан зарар кўрган туманлардаги қийинчиликларни этараф этиш мақсадларида 400 минг АҚШ доллари миқдорида грантларни такдим этди.

2002 йил давомида беғараз ёрдам лойиҳаси бўйича Япония ҳукумати томонидан Ўзбекистонга 950 миллион Япония иенаси (7 миллион АҚШ долларидадан ортиқроқ) миқдорида беғараз ёрдам кўрсатиш тўғрисида икки томонлама алмашинув ноталари имзоланган.

¹И.А.Каримов "Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби" 5-том, Т.: "Ўзбекистон" 1997 йил 33,34-бетлар'

Уларда мазкур маблағларга Республикада якка тартибдаги ва мўжаз ишлаб чиқариш корхоналарини гивожлантириш, аҳолини иш билан таъминлашни ташкил қилиш мақсадида замонавий технологик ускуналарни сотиб олиш кўзда тутилган. Илгари ҳам Ўзбекистонга худди шундай иккита грант ажратилган эди. Уларнинг умумий миқдори 1,9 миллиард Япония иенига тенг эди ва улар "Ўзэлтехсаноат", "Ўзмашсаноат" корхона ва ассоциацияси, шунингдек, "Ўзозиковқатсаноат" "Ўзқурилишмоллари" компаниялари ҳамда "Ўзфармсаноат" концерни каби йирик ташкилотларга янги технологияларни сотиб олиш учун мўлжалланган. Улардан фойдаланиш эса корхоналарда юқори сифатли импорт ўрнини босадиган ва экспорт қилишга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятини яратди.

2002 йилда телекоммуникациялар соҳасидаги лойиҳа амалга оширилди. Ушбу лойиҳанинг рўёбга чиқарилиши учун Япония ҳукумати 100 миллион АҚШ долларига тенг миқдорда кредит ажратди. Ушбу лойиҳа доирасида ҳозирги кунда Тошкент телеминорасини модернизация қилиш бўйича ишлар амалга оширилди. Иккита янги узаткич ўрнатилган бўлиб, улар орқали республикамиз телерадиокомпаниясининг биринчи ва тўртинчи каналлари - тирга узатилди. Ушбу тўртинчи канал ҳозирда "Спорт" телерадиоканалига айлантирилди. Мазкур кредит доирасида республикамизнинг радио ва телевидениесига қарашли тўққизта объектнинг ускуна, жиҳозлари кенгайтирилди ва янгиланди, техникалари реконструкция қилинди. Радио тармоқлар деярли батамом рақамли электрон ускуналар билан қайта жиҳозланди.

"Ўзбекистоннинг Япония билан қўшма корхоналар ташкил қилиш расидаги ҳамкорликлари ҳам изчиллик билан ривожланиб бормоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистон ва Япониянинг қўшма корхонаси сифатида 10та корхона қайд этилган. Шулардан 3 тасига 100 фоиз миқдорда Япония капитали сарфланган. Ўзбекистонда Япония маблағлари ёрдамида амалга

оширилаётган йирик қурилмалар ҳақида гапирилганда, биринчи галда сўнгги йилларда бунёд этилган йирик 3 та пахтани қайта ишлашга мўлжалланган корхонани тилга олишга тўғри келади. Улар - "Чиноз тўқимачи ЛТД", "Оқсарой тўқимачи ЛТД" ва "Кабул Фарғона Ко.ЛТД" корхоналаридир."¹

"Чиноз тўқимачи" қўшма корхонаси 1999 йилда Чиноздаги чала қолиб кетган қурилиш объектининг ҳудудида бунёд этилган. Ушбу қурилишни амалга ошириш учун Япониянинг Халқаро ҳамкорлик банки (ТШС) томонидан 44,462 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилган. Айни кредит маблағларидан яна икки лойиҳани амалга оширишда ҳам фойдаланилди. Булар "Оқсарой тўқимачи" қўшма корхонаси, унга 47, 479 миллион АҚШ доллари сарфланди, ҳамда "Кабул Фарғона Ко.ЛТД" қўшма корхонасидир. Ушбу корхонага 61,629 миллион АҚШ доллари сарф қилинди.

Япониянинг "Ахтари - Труглер", "Хова", "Тойота", "Мурата", "Тодо" ва "Цудонома" фирмалари мазкур қўшма корхоналарга энг замонавий ва юқори ишлаб чиқариш қобилиятига эга ускуна ва жиҳозларни ўрнатди. Фақат шу уч қўшма корхона ишлаб чиқарадиган маҳсулотларнинг умумий ҳажми 31,7 МИНГ тонна пахтадан тайёрланган ип калавасини, 4,7 минг тонна трикотаж полотноларини, 12,3 миллион погон метр матони ташкил этади. Ушбу учта гима корхонанинг ишга туширилиши туфайли беш мингта янги иш ўринлари ташкил қилинди. Ўзбекистон авиация соҳасини ривожлантириш борасида ҳам Япония билан ҳамкорлик қилмоқда. Япониянинг "Мицубиси - Мицуи - Ишимидзу" фирмаларининг консорциуми ёрдамида учиш қўниш бўлаклари реконструкция қилиниб, улардаги чирокли ишора ускуналари алмаштирилди. ИКАО биринчи категорияси бўйича самолётларнинг инструментал қўниш тизимлари монтаж қилинди, Бухоро ва Хивада

¹ Ишонч" газетаси, 2002 йил 2 август

учун терминаллар биноси ишга туширилди. Булар билан бир қаторда Япония фирмалари ушбу соҳанинг ҳар томонлама ривожланиши йўловчилар учун кенг имкониятларни қратмоқдаки, у Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади".¹

Энергетика ва информацион технологиялар, тўқимачилик, кимё ва енгил саноат соҳасидаги, коммунал тизимлар соҳасидаги ҳамкорликни бундан кейин ҳам такомиллаштириб бориш зарурлиги эътироф этилди. Пахта толасини ва ипакни қайта ишлаш соҳасидаги ўзаро битимлар, хусусан мазкур соҳани ривожлантиришга Япониянинг замонавий ускуна ва жиҳозларини, технологияларини кенг жалб қилиш ниҳоятда катта аҳамият касб этади.

2002 йилнинг июлида мамлакатимиз Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг Японияга расмий ташрифи чоғида ҳар икки давлат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида бир қатор муҳим хужжатлар имзоланди. Хусусан, "Марубени Корпорейшн" компанияси билан ҳамкорликда амалга ошириш юзасидан бешта лойиҳани амалга тадбиқ этишга келишиб олинди. Улар: Қўқондаги тўқимачилик комбинати базасида қуриладиган "Туронтекстил", Бўқадаги охирига етказилмаган фабрика қурилишида ва "Тошкент тўқимачилик комбинати" Акционерлик жамияти базасидаги иссиқлик изоляция материалларини ишлаб чиқаришни ташкил қилиш лойиҳаси. Шунингдек, Бухоро вилоятининг Ромитан ва Жондор туманларида ҳам қўшма корхоналар ташкил этиш тўғрисида шартномалар тузилди. Ушбу корхоналар қурилиши 2004 йилда бошланган эди. Ушбу қурилиш ишлари Япониянинг "Мацубени Корпорейшн" фирмаси, "Мицуи Ко.ЛТД" компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилди.

Ўзбекистон - Япония ижтимоий-иқтисодий алоқаларининг ривожланишида 1999 йилнинг 4 майида Тошкент шаҳрида ўз фаолиятини бошлаган

Д.Айтметова "Япония ривожланиш тажрибаси - Ўзбекистонда қўллаш истиқболлари" Т.: 2005 йил
Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги жорий архивидан // Т.: 2000 йил

Япониянинг Халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЛСА) катта роль ўйнайди. 1947 йилда ташкил этилган ушбу ташкилотнинг фаолиятидаги асосий йўналиш Япония дастурлари доирасида давлатлараро техник ёрдам кўрсатиш имкониятларини ўрганиш ва уларга ёрдам беришдан иборат.

"Япониялик мутахассислар Ўзбекистондаги инвестицион лойиҳаларнинг техник асосларини ишлаб чиқади ва тадқиқот дастурларини амалга оширади".¹

Ҳозирги кунда Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирликлари билан ҳам яқиндан ҳамкорлик қилмоқда.

Хусусан, 2004 йилнинг июнь ойида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги билан ҳамкорликда Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЛСА)нинг "Ўзбекистонда Ҳамширалик таълимини такомиллаштириш лойиҳаси" ташкил этилди. Ушбу лойиҳани амалга ошириш 2004-2009 йилларга мўлжалланган бўлиб, бу лойиҳа орқали Республикамиз тиббиёт қувюртларини ва айрим тиббий муассаларни Японияда ишлаб чиқарилган замонавий асбоб ускуналар билан таъминлаш, тиббиёт ўқув дастурларини жаҳон талаблари асосида қайта кўриб чиқиш ва Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган ҳамширалар малакасини ошириш кўзда тутилди. 2004-2009 йиллар лавомида Тошкент шаҳрида ушбу лойиҳа доирасида Япониялик мутахассислар ва Республикамизда 12 та вилоят ва Қорақалпоғистон Республикасидан ташриф буюрган тиббиёт ходимлари ва ўқитувчилар иштирокида олтига йирик семинар ўтказилди. Ундан ташқари беш йиллик : тур давомида ҳар йили Республикамизда фаолият олиб бораётган тиббиёт ходимларидан бир нечтаси Японияда малака ошириб қайтдилар".¹

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Япония Халқаро Ҳамкорлик Агентлигининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда "Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш шароитларини яхшилаш бўйича ҳуқуқий дам" техник ҳамкорлик лойиҳасини муваффақиятли амалга оширмоқда. Лойиҳа уч қисмдан, яъни: фуқаролик ва маъмурий қонунчиликни

такомиллаштириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари миллий базасини аҳолининг кенг қатламига етказиш мақсадида уни такомиллаштиришдан иборат. Юқорида айтиб ўтилган лойиҳанинг учинчи исми доирасида мазкур қонунчилик миллий базани такомиллаштириш билан жамоатчилик ва айрим фуқароларни Миллий базасига эркин уланишни таъминлаш мақсадида Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЛСА) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига компьютер воситалари, техник жиҳозлар ва дастурий таъминотлар такдим қилди.

"2006 йил 20 июль куни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида Япониянинг ўша пайтдаги юртимизда фаолият олиб бораётган фавқулодда ва мухтор элчиси Юичи Кусумото, Япония Халқаро Ҳамкорлик Агентлиги (ЛСА) нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакиллари иштирокида мазкур компьютер воситалари, техник жиҳозлари ва дастурий таъминотларни топшириш маросими бўлиб ўтди.

Мазкур база Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш борасида муҳим ўринни эгаллайди, тадбиркорлар ўзларининг фаолиятига тааллуқли қонун ҳужжатлари бўйича маълумот олиш учун мурожаат қилишлари мумкин. Бундан ташқари миллий қонунчилик базаси тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида адлия органлари ва давлатнинг бошқа органлари фаолияти самарадорлигини оширишга катта ҳисса қўшади".¹

Энг янги ва замонавий самолётлардан фойдаланиш ҳамда Тошкент, Бухоро ва Хивадаги аэропортларнинг Япония кредитлари ҳисобига реконструкция қилиниши Миллий авиакомпаниямиз ҳаво кемаларининг дунёнинг 20 та давлати, жумладан, Осиёнинг Япония, Хитой, Жанубий

¹Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги "Ҳамширалик таълимини такомиллаштириш лойиҳаси" жорий архивидан // Т.: 2007 йил

Корея, Жанубий-Шарқий Осиёдаги бошқа мамлакатлари билан ҳаво алоқаларини ўрнатиш учун имконият яратди. Ҳаво йўллари орқали ҳам аждодларимизнинг қадимий Буюк Ипак йўли қайта тикланди. Дунёнинг турли минтақаларида республикамиз авиакомпаниясининг 40 дан ортиқ ваколатхонаси ишлаб турибди. Дунёнинг кўплаб мамлакатларига доимий ҳаво қатновларининг йўлга қўйилиши мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги алоқаларнинг янада гайиши ва мустаҳкамланиши, туризм индустриясининг ривожланишига ёдам бериб, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг боришига ижобий таъсир кўрсатади.

Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги жорий архивдан // Т.: 2006 йил

2. Ўзбекистон - Япония стратегик ҳамкорлигининг шаклланиш босқичлари
Маълумки сўнгги йилларда жаҳонда юз берган воқеалар дунёнинг геосиёсий структураси ва йўналишини тубдан янгилади, жаҳон сиёсатига аста-секин бир гуруҳ янги суверен давлатлар кириб келиши натижасида давлатлараро сиёсат ва дипломатия майдони тубдан бошқа моҳият ва мазмун касб этди. "Дунё сиёсий харитасида, деб таъкидлайди И.А.Каримов, - янги давлатлар пайдо бўлди. Улар ҳозирги тил билан айтганда, социалистик ўтмишга эга бўлган, ўз сиёсий мустақиллигини тинч йўл билан қўлга киритган давлатлардир".¹

Ушбу давлатлар мустақил ривожланиш ва ижтимоий муносабатларни янгилаш йўлига қадам қўйди, дунёдаги бошқа мамлакатлар орасида ўз мавқеини мустаҳкамлашга интилмоқда. Тенглар орасида тенг бўлишга, қаҳон майдонининг таркибий қисмига айланишга ҳаракат қилмоқда. Ўзбекистон шулардан бири экан, унинг ташқи сиёсий доктринаси ва лиётига хусусан ана шу шарт-шароитлар ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

Ташқи сиёсат сиёсий жараёнларнинг ўзига хос йўналиши ва макони сифатида, ички сиёсатдан айрим муҳим жиҳатлари билан ажралиб туради. Жумладан мамлакат ичкарисидаги ҳокимият, давлат ҳокимиятининг шаклланиши, вазифаси, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фаолият принциплари, амалиёти, яъни сиёсий жараёнларга нисбатан ёндошуви, муносабати ва ниҳоят қабул қилган қарорлари ва уларнинг бажариш усуллари ҳамда хатти-харакати ва ҳуқуқ атвори Конституция, турли туман меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида олиб борилади. Бир сўз билан ифодаладиган бўлсак, умумхалқ, умумсиёсий консенсус ҳокимиятнинг ички жараёнларга нисбатан фаолиятини белгилаб беради. Мана шу консенсусдан келиб чиққан ҳолда давлат ҳокимияти қонун доирасида репрессив воситалардан ҳам фойдаланиш имкониятига эга.

И.А.Каримов "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид , барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари" Т. "Ўзбекистон" 1997 й

Ташқи сиёсатда эса, ҳокимият билан боғлиқ жараёнлар ривожининг ўзига юс жиҳат касб этиши, авваламбор, унинг дунё аҳли аксарият қисмининг хошиш-иродасини ифодалашга бўлган ҳуқуқ ва ваколатга эга эмаслиги, жаҳон ҳамжамияти унинг заминини ташкил этиб турадиган турли-туман муносабатлар, ўз навбатида, ҳокимиятнинг ҳам бошқача меъёрларига таяниб иш юритишни ва йўналиш касб этишини келтириб чиқаради.

"Бугунги ташқи сиёсат, ҳар доимгидек, ҳар бир давлатнинг ҳудудий ялитлиги, чегараларининг дахлсизлигига бўлган ҳақ-ҳуқуқини шубҳа остига олмайди, аксинча, давлатлараро муносабатларда бу принципнинг бош тамалтош эканлигини эътироф этишга асосланади. Жумладан, глобаллашиш жараёни умуман олганда ташқи сиёсий фаолият юритишда давлат свепенитетига бирон-бир ҳуқуқий тўсиқни билдирмайди. Юқоридаги жараён тенглик, ички ишларга аралашмаслик, ўзаро ҳурмат тамойилларига таянган ҳолда ривожланса, аксинча барча давлатлар ташқи сиёсий фаолиятига кенг кўлам яратишни тақозо этади".¹

Ўбекистон мустақил суверен давлат сифатида жаҳон ташқи сиёсати майдонида иштирок этиб келаётган давлатлардан бири саналади. Ҳозирги кунда дунёнинг бир қатор ривожланган мамлакатлари билан ҳалқаро ҳамкорликни яхши йўлга қўйган бўлиб, улардан бири Япония ҳисобланади.

Япония ва Ўзбекистон муҳим стратегик ҳамкор мамлакатлардир. Япония билан дипломатик муносабатлар ўрнатилгандан буён ўзаро савдо-иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий алоқалар изчил ривожланиб келмоқда. Тошкентда Инсон ресурсларини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон - Япония Маркази очилди, Тошкент билан Осака ва Токио ўртасида ҳаво кемалари қатнови йўлга қўйилди. Ижтимоий алоқалар кўлами кенгаймоқда. Ўзбекистоннинг қатор таълим ва шифо масканларини замонавий техника ва усқуналар билан жиҳозлаш учун Япония грантлари берилди.

¹ Политология . Маърузалар матни, 2001 йил 231-бет

Маданият ва санъат намоёндаларининг гастрол ва кўрғазмаларини уюштириш анъанага айланди.

Ўбекистон мустақилликни қўлга киритгандан буён Япония билан дўстона муносабатлар ва ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб келади. Мамлакатимиз Япониянинг дунёда ва Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ўзаро ишонч ва счиқлик муҳитини қарор топтириш, ҳарбий сиёсий можаролар ва давлатлараро зиддиятларни тинч йўл билан ҳал қилиш борасидаги саъй акатларига яқори баҳо беради. Ана шу очиклик руҳидаги ўзаро ишончга таянган сиёсати туфайли Ўбекистон кунчиқар мамлакат билан ўзаро муносабатларнинг долзарб масалалари ва халқаро муаммолар юзасидан мулоқотни, ҳамкорликни янада чуқурлаштириш тарафдоридир".¹

"Малакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликлар узок муддатли ўзаро ишончли муносабатларга асосланган. Халқларимиз ўртасидаги маданий маърифий қалар илдизи Буюк Ипак Йўли ривожланган даврларга бориб тақалади. Бирок Ўбекистон ва Япония ўртасидаги том маънодаги ҳамкорлик мустақиллик йилларида янада юксалиш палласига кирди".²

Япония Ўбекистонни Мустақил давлат сифатида биринчилардан бўлиб 1991 йил 28 декабридаёқ тан олган эди. Кўп ўтмай, 1992 йилнинг бошидан икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

Барча жабҳалардаги ўзаро ҳамкорлик давлатимиз раҳбари Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг 1994 йил май ойида Японияга қилган расмий ташрифидан сўнг жадал ривожлана бошлади. Президентимизнинг 2002 йил аюлида Токиога амалга оширган навбатдаги расмий ташрифи сиёсий, актисодий ва ижтимоий-маданий соҳалардаги муносабатларда туб бурилиш ясади. 2002 йил 29 июль куни Токиода Ўбекистон билан Япония ўртасида

А.Каримов "Буюк келажак сари" Т.: "Ўбекистон" 1998 йил

"Халқ сўзи" газетаси, 2002 йил 31 август

стратегик ҳамкорлик тўғрисида имзоланган ҳужжат давлатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни янги босқичга кўтарди.

Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги илмий-техник ҳамкорлик ҳам жадаллик билан ривожланиб бормоқда. Таъкидлаш жоизки, Япония билан ижодий алоқаларда ушбу мамлакатнинг илм ва техникага муносабати алоҳида ўрин тутади. Япония жаҳон бўйича илмий тадқиқот ишларини инвестициялаш соҳасида иккинчи ўринни эгаллайди. Илмий ходимлар сони (600 мингдан ортиқ) ва қўлга киритилган патентлар сони (270 мингга яқин патент) бўйича Япония дунёда биринчи ўринда туради. Миллий даромаднинг 3 фоизи илмий тадқиқотларга сарфланади. Бу дунёдаги энг юқори кўрсаткичдир.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Самарқанд бўлимининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти университетининг Токиодаги "Жаҳон саҳролари муаммолари"ни ўрганувчи Япония ассоциацияси билан Марказий Осиё чўлларини ўрганиш, сақлаб қолиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасидаги тадқиқотлари ҳам жуда яхши самара бермоқца.

"Япония Ўзбекистон билан бир қанча илмий йўналишлар бўйича узок муддатли ҳамкорликни амалга оширишдан манфаатдор. Булар - информатика ва компьютер техникаси, машинасозлик, телекоммуникация, юқори кимёвий технологиялар, ўсимликларни муҳофаза қилишнинг биологик услублари, атроф муҳитнинг экологик мониторинги, геология, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш, тиббиёт, фармацевтика саноати каби соҳалардир".¹

Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги илмий ҳамкорликнинг ёрқин мисоли сифатида Халқаро Ипак йўли академиясининг директори, Япония Миллий этнографик музейининг фахрий доктори, профессор Кюдзо Катонинг фаолиятини ҳам тилга олиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги жорий архиви // Ўзбекистон ва Япониянинг маданий алоқалари

У узоқ йиллардан буён Сурхондарё вилоятида олиб борилаётган археологик тадқиқотларда фаол иштирок этиб бормоқда. У Ўзбекистоннинг тарихи тўғрисидаги маърузалари билан Япониянинг йирик олий ўқув юртларида чиқишлар қилди, семинарлар ўтказди, кўргазмалар таъкил қилди, йирик илмий тадқиқотларни яратиш устида иш олиб бормоқда. Унинг асарлари ичида "Ўзбекистон жанубидаги қадимий ёдгорликлар", "Марказий Осиёнинг машҳур кишилари", "Буюк Ипак йўли чорраҳасида" номли китобларини алоҳида тилга олиш мумкин. Кюдзо Като Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги улкан хизматлари, шунингдек, мамлакатимиз тарихий обидаларини чуқур ўрганишга қўшган ҳиссаси учун 2002 йилнинг май ойида Республикамиз Президенти Фармониға мувофиқ "Дўстлик" ордени билан тақдирланди.

Маданий алоқалар ўзаро мутахассислар алмашиш йўли билан амалга оширилади. Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги маданий ҳамкорликнинг гнвожланиб бораётганлигини Японияда ўзбек ёзувчилари ва шоирларининг, хусусан буюк Алишер Навоий ижодига бўлган қизиқишнинг ортиб бораётганидан ҳам билиш мумкин. Сока университетининг ректори Масами Закае Япониялик ёшларға Алишер Навоий ижоди тўғрисида билим бериш ннҳоятда зарур деб ҳисоблайди. Шу боис ҳам у Алишер Навоийнинг бир қатор асарларини япон тилиға ўгирган. Ўзбекистон Бадиий Академияси мазкур университетға Алишер Навоий ижодига бағишланган тасвирий асарларни, Сока университети музейи учун улуғ шоирнинг портретини совға қлди.

Ҳозирда Япониянинг Васеда университети ёнида Улуғ шоир Алишер Навоийға ҳайкал ўрнатилган бўлиб, ҳар йили 9 апрель куни шоирнинг туғилган куни Япониялик ёшлар томонидан ушбу ҳайкал олдида нишонланади. Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашда ҳисса қўшади. Бу икки давлат ўртасида маданий ва гуманитар соҳада ҳам алоқалар ривожланмоқда. Шуниси эътиборға молиқки,

1999-2010 йиллар мобайнида пойтахтимиз Тошкент шаҳри ва бир қатор вилоятларимизда Япония маданияти кунлари ўтказиб келинмоқда.

Маданият кунлари доирасида жойларда кўп мартаба элчихона ходимлари ва журналистлар иштирокида давра суҳбатлари ўтказилади. Ушбу учрашувларда Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги маданий алоқалар, ўзбекистонлик талабаларнинг Японияда ўқиши ва Ўзбекистонда таҳсил олаётган япониялик ёшларнинг талабалик ҳаёти тўғрисида фикрлар алмашилади. Шунингдек, япон миллий таомлари, миллий амалий санъати тўғрисида, қолаверса, чойхўрлик маросими, икебана кўрғазмаси, Япония ҳақидаги кўрғазма, Ўзбекистон ёшлари билан ўтказиладиган япон ёшларининг турмуш тарзи япон халқининг ўзига хос урф-одатлари ва маросимлари ҳақидаги фикр алмашувлар ҳам бўлиб ўтади.

2001 йилнинг 18-22 сентябрь кунлари Тошкент ва Самарқандда бўлиб ўтган Япония маданияти кунлари ҳам ўзига хос хотираларга бой бўлди. Маданият кунлари қатнашчилари ушбу анжуманда "Юдзуру" ("Турна патлари") операсини тинглаш, япон керамика санъати кўрғазмасини томоша қилиш, япон киноижодкорлари томонидан яратилган бир қанча бадиий ва мультфильмлардан баҳра олишга муваффақ бўлдилар. Шунингдек, Япониянинг Окинава усулида рақс санъати билан ошно бўлди, уч торли миллий мусиқа асбоби "Шамисен"да ижро этилган япон миллий мусиқасини тинглаб мароқли дам олдилар.

"2002 йилнинг сентябрь ва октябрь ойида Ўзбекистонда бўлиб ўтган Япония маданияти кунлари ўзининг қамрови билан ажралиб турди. Ушбу тантаналар мобайнида Япониянинг Окинава оролидан ташриф буюрган миллий рақс ва мусиқа ансамблининг чиқишлари ҳамда замонавий япон амалий санъати асарларининг кўрғазмаси ташкил этилди.

•H.Sakikabara. Токуо Exchange. 2002йил.

Ушбу кўргазмага сополдан ишланган 60 дан ортиқ асар қўйилди. Япон киноси ютуқлари, япон ҳаётидан ҳикоя қилувчи фотоқўргазмалар намоиш этилди. Тадбирлар доирасида япон кўғирчоқлари кўргазмаси, оригами (қоғозни буклаб турли тинчоқлар ва шакл яшаш санъати) бўйича очиқ дарслар, Япония тўғрисида маърузалар ўқилди".¹

Нагоя шаҳрида ташкил этилган ўзбекистонлик болаларнинг расмлари - ўргазмаси ҳамда Япониянинг 30 та шаҳрида бўлиб ўтган "Ўзбекнаво" концерт бирлашмаси мусиқачи ва ижрочиларининг "Буюк Ипак йўли бўйида яшовчи халқларнинг саънати" халқаро фестивали доирасида ўтказилган гастроллари японияликларда катта таассурот қолдирди.

2001 йилнинг август ойида Алишер Навоий номидаги Давлат Академик катта театри саҳнасида японияликларнинг "Юдзури" номли операнинг ҳамкорликда саҳналаштирилиши ҳар иккала мамлакат маданий ҳаётида унутилмас воқеа бўлди.

Японлар асрлар мобайнида шаклланган ўзига хос анъаналарига садоқати, миллий қадриятларига чуқур ҳурмат ва эҳтироми билан ҳам машҳурдир.

Ўзбекистонда 2010 йилнинг 14 сентябридан 14 октябригача давом этган Япония маданияти кунларининг ранг баранг ва қизиқарли тадбирларида юртдошларимиз бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилдилар. Япон халқи гулларга сайқал беришни санъат даражасига кўтарган, дунёга икебана ижодкори сифатида танилган. Икебана бўйича ўтказилган машғулотларда ҳамюртларимиз бунга яна бир марта гувоҳ бўлдилар. Япония элчихонаси, Япония жамгармаси ҳамда "Ўзбеккино" Миллий агентлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган япон киноси фестивали кўҳна юртнинг бугунги ҳаёти, қадимий урф-одатлари ва анъаналари билан яқиндан танишиш имконини берди.

Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги маданий алоқаларнинг жадал ривожланишида 1998 йил март ойида Япониянинг Киото шаҳрида бўлиб ўтган туризмни ривожлантиришга бағишланган халқаро семинар катта

аҳамият касб этган эди. Семинарда Ўзбекистондан вакил сифатида "Ўзбектуризм" миллий компанияси таркибига кирувчи "Осиё интурбизнес" бирмаси иштирок этди. Семинарда катта ижодий ва маданий имкониятларга бой бўлган Ўзбекистон Республикаси барча семинар иштирокчиларида катта таассурот уйғотди. Унда Ўзбекистоннинг ноёб тарихий ва маданий обидалари бўлган Самарқанд, Бухоро ва Хива ҳақида жуда илиқ фикрлар билдирилди. Семинар натижалари бўйича Япониянинг машҳур фирмалари билан протоколлар имзоланди. Хусусан, "Дапекс - СКС" корпорацияси билан имзоланган протокол бунинг яққол далилидир. Мазкур протоколларнинг амалга оширилиши японияликлар учун мамлакатимиз ҳақида, халқимизнинг бой, тарихий, маданий мероси ҳақида кўпроқ билиб олишга имконият яратади.

Ўзбекистон Республикасининг собиқ Фан ва техника Давлат қўмитаси 1999 йилдаёқ Тошкентда ўсимликлар ва микроорганизмларнинг ягона генетик банкини (депозитарийсини) ташкил этиш лойиҳасини ишлаб чиққан ҳамда уни мазкур лойиҳа учун беғараз ёрдам маблағлари ажратиш имкониятларини кўриб чиқиш учун Япония ҳукуматига тақдим этган эди. Шунингдек, Япония элчихонасига ҳам Ўзбекистон олимлари ва мутахассисларининг боғдорчилик, узумчилик ва виночилик бўйича, конструкцион материалларни пайвандлаш учун лазерли-технологик комплексларни ишлаб чиқиш борасида ҳамкорликдаилмий тадқиқотларни ўтказиши учун грант олиш тўғрисида таклифлар ҳам тақдим этилган эди.

Ўзбекистон Республикасининг собиқ Фан ва техника Давлат қўмитасининг технологиялар трансфери бўйича агентлиги томонидан Ишикаваджима Со.Ltd (Канагава шаҳри) технология институтининг Консалтинг институти билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги учун муқобил энергия манбалари сифатида Ирғидромаш заводида Инжиниринг ва шамол ускуналари Марказини ташкил қилиш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилган.

1994 йилдан буён Япониянинг Халқаро ҳамкорлик агентлиги мутахассислари ўзбекистонлик ҳамкасблари билан биргаликда "Орол бўйидаги олтита шаҳар сув таъминоти тизимини тадқиқ қилиш", "Шарқий Букантовдагиминерал ресурслар конларини ўрганиш" "Электрсувтаъминлаш заводининг қурилиши учун ТЕОларни ишлаб чиқиш", "Ўзбекистон Республикаси ҳаво транспорти тараққиёти режаларини ишлаб чиқиш" каби лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг физиология ва биофизика институтининг олти нафар ходими Япониялик ҳамкасблари билан ҳамкорликда тадқиқотлар олиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси зоология институтининг бир олими Кимико Магасика хонимнинг шахсий стипендиясига муносиб деб топилган. Фанлар академияси Иссиқлик физикаси бўлими томонидан валютасиз алмашинувлар асосида Осака шаҳридаги университетнинг Техника факультети билан биргаликда "Электрон ускуналар учун органик полимернинг фундаментал тадқиқотлари" мавзусида қўшма илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Фанлар академияси Ботаника институти ва Япониянинг Киото университети фармакология факультетлари ўртасидаги ўзаро алоқалар ҳам ривожланиб бормоқда. Бу илм масканларининг олимлари ҳамкорликда Ўзбекистон ҳудудидаги этноботаник материалларни тўплаш ва ўрганиш бўйича қўшма илмий тадқиқотлар олиб бормоқда. "Дориворлик хусусиятларини ўрганиш" мавзуси бўйича учта ҳамкорликдаги тадқиқот натижаси аниқланди. Фанлар академияси Электроника институти Япониянинг турли саноат компаниялари ва фирмалари иштирокида ўзбекистонлик олимларнинг электроэрозиялар соҳасида этишган ютуқларини Японияда қўллаш масаласи бўйича илмий семинарлар ўтказмоқда.

Ўзбекистон Фанлар академияси Иммунология институти 2000 йилда Япониянинг Нагоя университети билан ўтказилган ҳамкорликдаги тадқиқотларнинг натижаларини таҳлил қилди ва Ўзбекистонда генетика

вирусининг молекуляр таркибини ўрганиш бўйича грантлар олиш учун лойиҳаларни тайёрлаб қўйди. Фанлар академияси Самарқанд бўлими олимлари эса "Марказий Осиё атроф-муҳитининг иқтисодиёти ва энергетикасини фанлараро ўрганиш" мавзусидаги Халқаро семинарда иштирок этди.

Бир неча йиллардан буён япон олимлари Ўзбекистон Республикаси Бадий фанлар академиясининг мутахассислари билан ҳамкорликда Сурхондарё вилоятидаги қадимги Далварзинтепа шаҳри харобаларида археологик қазишма ишларини амалга оширмоқда. Ўз навбатида, санъатшунослик институти ходимлари ҳам уч бор Японияда бўлиб, у ердаги қадимги ёдгорликларни сақлаш ва тадқиқ этиш услублари билан танишиб қайтдилар. Тошкент санъатшунослик институти ва Токио маданий қадриятларни сақлаш миллий институти ўртасида ҳам яқин алоқалар ўрнатилган: бу икки олий ўқув даргоҳи ўртасида мутахассислар билан алмашув, адабиётлар, илмий ишлар алмашинуви йўлга қўйилган. Япония институти, санъатшунослик институтига лойдан ишланган қадимий ҳайкалчаларни консервация қилиш ва уларни турли усулларда юқорига чиқариш воситаларининг намуналарини тақдим қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси билан ҳамкорликда япониялик мутахассислар "Ўзбекистон Республикасига бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнларида ёрдам бериш мақсадида кишилар ресурсини қайта тайёрлаш соҳасидаги сиёсатнинг асосий йўналишларни белгилашда кўмаклашиш" лойиҳаси доирасида Япониянинг иқтисодий тараққиёти тўғрисида туркум маърузалар ўқиди. Етти мартаба ана шундай семинар туркуми уюштирилди, уларда 40 нафар етакчи япон профессори маърузалар ўқиди ва 22 нафар ўзбекистонлик мутахассис Японияда стажировкада бўлиб қайтди. Ҳайрия тариқасида умумий қиймати 170 минг АҚШ доллари бўлган ускуна ва жиҳозлар тақдим этилди. 2000 йилнинг январь-февраль ойларида Ўзбекистонга касб-ҳунар коллежлари ва

академик лицейларни куриш ва модернизация қилиш лойиҳасининг техник-иктисодий асосларини тайёрлаш мақсадида Япониядан махсус SAPKOF миссияси ташриф буюрди. Мазкур миссия вакиллари Ўзбекистондаги касб-хунар таълими тизими, коллежлардаги ўқитиш методикаси тўғрисида маълумотлар йиғиш билан шуғулланди. Ушбу ташриф доирасида ўзбекистонлик мутахассислар учун таълим тизимини ривожлантиришни режалаштириш, ўқитувчиларни тайёрлаш, ўқув режаларини ишлаб чиқиш, ишчи русурсларини ривожлантириш бўйича семинарлар ўтказилди.

Япония томони Ўзбекистондаги ўқув муассаларининг моддий базасини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратмоқда. 2000 йилнинг октябридан 2002 йилнинг январига қадар Япония ҳукумати томонидан кичик миқёсли ўрта мактабларни техник ўқитиш ускуналари ва бошқалар билан жиҳозлаш дастури бўйича умумий қиймати 1,560 минг АҚШ долларига тенг 39 та артнома имзолади.

Япония ва Ўзбекистон ўртасида гумунитар соҳалардаги ҳамкорликлар ҳам изчил ривожланмоқда. “Сўнгги йиллар ичида Япония ҳукумати” Ривожланиш учун расмий ёрдам” дастури доирасида Ўзбекистонга 85,745 миллион АҚШ доллари миқдорида беғараз ёрдам кўрсатилди. Тошкент тиббиёт-педиатрия институтининг ҳамда Тошкент педиатрия илмий текшириш институтларининг шифохоналарини жиҳозлаш учун Япония томонидан 5,7 миллион АҚШ доллари миқдорида "беғараз ёрдам кўрсатди. Бундан ташқари вилоят болалар шифохоналарининг бирининг тиббий ускуналар билан жиҳозланишида ҳам Япония куматининг ҳиссаси катта бўлди. Япония ҳукумати бунинг учун 5 миллион АҚШ доллари миқдорида гуманитар ёрдам тақдим этди".¹

Ўзбекистон Республикаси Ташки иктисодий алоқалар вазирлиги жорий архиви Ўзбекистон ва Япониянинг маданий алоқалари тўғрисидаги кискача маълумот, 5-бет

Япония ҳукуматининг моддий ёрдами Қорақалпоғистондаги оналик ва болаликни ҳимоя қилиш шифохонасига, ногиронлар жамиятига, тадбиркор аёллар ассоциациясига, марказий туғруқхонага, Самарқанд вилояти ҳамда Навоий вилоятидаги "Она ва бола" марказларига ҳам кўрсатилди. Тошкент тўқимачилик комбинатининг тиббий шифохонаси ҳам Япония ҳукуматидан ўз касалликларини даволашда қўлланиладиган асбоб-ускуналарни харид қилиш учун 46 миллион АҚШ долларидан кўпроқ миқдорда ёрдам пули олди.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси бугунги кунда фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти (ИКАО)нинг аъзоси бўлиб, авиация транспорти халқаро ассоциацияси (ИАТА) билан битимлар тузган. Шунингдек, республикамиз авиакомпанияси Осиёдаги Korean Air, Asiana Airlines, Inecia ва Japan Airlines каби йирик авиакомпаниялар билан қатор битимлар тузиб, улар билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

II боб. Ўзбекистон - Япония ўртасидаги маданий алоқалар

1. Ўзбекистон ва Япониянинг иқтисодий муносабатлари

Ўзбекистон иқтисодиётининг, бир неча ўн йиллар давомида бўлгани каби ташқи дунёдан ажралиб қолиши ҳолларига барҳам берилганлиги, мустақил ташқи иқтисодий йўл шакллантирилиб, амалга оширилганлиги иқтисодий ислохотлар биринчи босқичининг энг муҳим натижаси бўлди.

Мустақиллик йиллари очиқ иқтисодиёт пойдеворини вужудга келтириш зарур сиёсий, ҳуқуқий ва ташкилий негизларни яратиш йиллари бўлди. Тотолитор тузум тугатилиши билан Иттифокнинг ташқи савдодаги давлат яккаҳокимлиги ва шу билан бирга ташқи алоқаларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар, экспорт ва импортни бир марказдан шакллантирувчи умумиттифок тизими, валюта ресурсларининг умумиттифок даражасида қайта тақсимланиши тартиби барҳам топди.

Мустақиллик йилларида ташқи сиёсатимизни йўлга қўйишнинг асосий - амойиллари ишлаб чиқилди ва изчил амалга оширилди. Бу тамойиллар,

аввало, Ўзбекистоннинг ўз ташқи сиёсатини тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик негизида қуришга интилаётганлигидан келиб чиқади.

"Стратегик жиҳатдан барқарорликни сақлаш, иқтисодий мустақилликка эришиш ва иқтисодий ўсиш, республика аҳолисининг фаровонлигини таъминлашнинг энг муҳим шарти - иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишдан иборат".¹

Жаҳон иқтисодиётига қўшилишдан иборат бўлган стратегик интеграцион вазифа - Ўзбекистондаги барча хўжалик субъектларининг ташқи дунё билан ўзаро алоқалари учун тенг ҳуқуқли ва миллий манфаатларга мос келадиган шарт-шароитлар яратиш асосида халқаро валюта-молия ва савдо механизмларига бевосита қўшилишни назарда тутди.

Ўзбекистон суверен давлат сифатида очик иқтисодиётни вужудга келтириш соҳасида фаол иш олиб бормоқда. Мамлакатнинг жаҳон хўжалик алоқаларида, халқаро меҳнат тақсимоотида кенг миқёсда иштирок этиши очик турдаги иқтисодиётни барпо этишнинг асосидир. Биз иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш тадбирларини изчиллик билан амалга оширмоқдамиз. Бунда бозор иқтисодиёти - эркин иқтисодиёт эканлиги, у очик тусда бўлиб, яққаланиш ва биқиклик унга ёт эканлигидан иборат ҳақиқатга асосланиб иш тутмоқдамиз".¹

Мамлакатимиздаги иқтисодий ислохотлар дастурини қўллаб қувватлаш ва алга ошириш учун халқаро ташкилотлар ва қарз берувчи 21 та

мамлакат томонидан Ўзбекистонга кенг миқёсда техникавий ёрдам кўрсатилмоқда. Мазкур техникавий ёрдам мутахассислар тайёрлашга, иқтисодиётни гошқариш ва бозор иқтисодиётига ўтишни давлат йўли билан

Ислом Абдуғаниевич Каримов "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари" Т. "Ўзбекистон" 1997 й

тартибга иш тизимини такомиллаштиришга, ишчи кучини ривожлантиришга, энегетика ва транспорт тизимини такомиллаштиришга, соғлиқни сақлаш, дори-дармон билан таъминлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш асидаги техникавий ҳамда инсонпарварлик ёрдамига, молия, солиқ ва банк тизимларини мустаҳкамлашга, иқтисодиётнинг турли соҳаларини компьютерлаштиришга йўналтирилган.

Мамлакатимизда кейинги йилларда ташқи савдо билан бир қаторда ташқи иқтисодий ҳамкорликнинг бошқа шакллари ҳам сезиларли даражада кучайтирилди. Республикада хорижий сармоялар иштирокида фаолият юритаётган корхоналар тобора кўпайиб бормоқда. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ташқи алоқаларни кенгайтириш, республиканинг экспорт имкониятларини ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида бутун ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш учун ҳуқуқий негизларни яратиб берган асосий қонун ҳужжатлари қабул қилинган эди.

Давлат қурилиш иқтисодиётини ислоҳ қилиш соҳасидаги асосий, ғоят муҳим стратегик қоидалар Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан ишлаб чиқилди. Ислохотлар йўлини бундан буён ҳам жадал амалга оширишда ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган йирик муаммолар юзасидан қарорларни биргаликда муҳокама қилиш учун Ўзбекистон Республикаси ҳузурида махсус Иқтисодий ислохот, тадбиркорлик ва чет эл инвестициялари бўйича Идоралараро кенгаш тузилди. Кенгаш фаолиятининг асосий вазифлари ва йўналишлари ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ягона стратегиясини ҳамда бу стратегияни рўёбга чиқаришнинг амалий чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, иқтисодий ислохотларнинг ҳуқуқий негизини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар тайёрлаш, Республикада иқтисодий ўзгаришларнинг аниқ моделлари ва дастурларини ишлаб чиқиш, тадбиркорликни ривожлантиришнинг аҳволини тадқиқ қилиш, чет эл инвестицияларини фаол жалб этиш чоралари тизимини ишлаб чиқиш этиб белгиланди. Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари чиқди. Булар,

аввало, "Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида", "Чет эл инвестициялари ва хорижий сармоядорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунлар ҳамда оошқа қонуний ва меъёрий ҳужжатлар бўлиб, улар ташқи иқтисодий фаолият соҳасида халқаро шартномалар тузиш ва уларни бажариш учун асосий шарт-шароитларни яратишга имкон берди. Республиканинг иқтисодий манфаатларини, Ўзбекистоннинг хориждаги юридик шахслар ва фуқароларини ҳамоя қилишни таъминлашга, республика ҳудудида хорижий сармоядорлар фаолияти учун ҳуқуқий кафолатларни белгилаб беришга имконият яратди. Мамлакатимиздаги барқарор сиёсий-ижтимоий вазият, қулай инвестицион муҳит, бу борада яратилган мустаҳкам ҳуқуқий асослар, молия, солиқ, кредит тизимлари, мавжуд инфратузилмалар юртимизда хорижий сармояларни жалб этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. "Иқтисодий ривожланишнинг, қўйилган инвестицияларни ҳамоя қилишнинг энг муҳим кафолати қонунчилик асосимизнинг барқарорлигидир".

Япония жаҳоннинг етакчи иқтисодий, илмий-техникавий салоҳиятга эга мамлакатларидан биридир. Япония бугунги кунда иқтисодиёти самарали ва ҳаракатчан ривожланиш моделига эга юқори тараққий топган мамлакат ҳисобланади. У иқтисодий салоҳияти бўйича жаҳонда (АҚШдан кейин) иккинчи ўринда туради. Япониянинг миллий ялпи маҳсулоти ҳажми жаҳон ялпи маҳсулотлари ҳажмининг 14%ни ташкил қилади.

Ички миллий маҳсулот ҳажми бўйича Япония АҚШни ҳам ортда қолдирди, унинг хорижий активлари умумий ҳажми 1 триллион АҚШ долларидан ҳам ортиқ. Бугунги кунда жаҳон бўйича ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 12%и Япония ҳиссасига тўғри келади. Шунингдек, мазкур мамлакат кема ишлаб чиқариш бўйича (дунё кемачилик ишлаб чиқаришининг 52%>ини ишлаб чиқаради), автомобиль (жаҳон автомобилсозлигининг қарийб 30%ини ишлаб чиқаради), транспортлар, металлга ишлов берувчи ускуна ва жиҳозлар, маиший электроника

ускуналари ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда биринчи ўринда туради. Жаҳон бўйича телевизор ишлаб чиқаришнинг 60%о дан ортиқроғи, эритиладиган пўлатнинг 14,3 %и, сунъий толанинг 12,3%>и Япониянинг ҳиссасига тўғри келади. Мамлакатда 43 та атом реактори мавжуд бўлиб, уларнинг умумий қуввати 35 миллион киловаттга тенгдир.

Қишлоқ хўжалигида мамлакат умумий аҳолисининг 6,6%>и машғулдир, мамлакат умумий майдонининг 14,3%>ида деҳқончилик қилинади. Бирок шундай бўлса-да, япон деҳқонлари озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб ва эҳтиёжларининг 70%>ини ўз маҳсулотлари эвазига қондирадилар. Ташқи савдо айланмаси бўйича Япония АҚШ ва Германия давлатларидан кейинги учинчи ўринда туради. Япония саноати ривожланган мамлакатлар орасида инфляция даражаси энг кам бўлган давлат саналади. (инфляция йилига 2%они ташкил этади). Шунингдек, у ишсизлик даражаси ҳам энг қуйи кўрсаткичга эга мамлакат (3,9 %ни ташкил этади).

Мамлакатда хусусий тадбиркорликнинг ташкил этилиши ҳам ниҳоятда эътиборга моликдир. Масалан, бу ердаги иқтисодий ташкилотлар гелерацияси япон ишбилармонлар доирасининг 1140 та гуруҳини бирлаштиради; япон савдо-саноат палатаси эса 1,2 миллионта фирмани бирлаштиради; иқтисодий ҳамфикрлар Ассоциацияси эса бир йўла 102 та минтақавий ва соҳавий тадбиркорлик ташкилотларини, шунингдек, мингга яқин йирик ва нуфузли хусусий бизнесменларни бирлаштирган.

Барчага яхши маълумки, 90-йилларга келиб Япония иқтисодиёти узок давом этган тушкунликни бошдан кечирди. Бу даврда мамлакатнинг кўплаб молиявий ташкилотлари касодга учради.

Аҳволни ўнглаш мақсадида мамлакат ҳукумати "Иқтисодий ривожланишнинг сиёсий чора-тадбирлари" деб номланган дастурни қабул қилди ва унга мусофиқ ҳукумат томонидан мамлакатнинг йирик ва етакчи банкларига ҳамда умуман иқтисодиёт соҳасига жуда катта маблағлар ўтказилди. Натижада 1999 йилнинг баҳоридан бошлаб мамлакат иқтисодиёти яна оёққа тура бошлади.

Ишлаб чиқаришда маҳсулот етказиб берувчилар билан ўрнатиладиган муносабатларни йўлга қўйиш соҳасида японларга хос "Конбан" тизими, яъни "ўз муддатида" деб номланувчи иш юритиш тизими алоҳида эътиборга лойиқдир. Мазкур тизим "Тоёта мотор Корпорейшн" компанияси томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, уни бугунги кунда Япониядан бошқа давлатларда ҳам яхши билишади. Ушбу тизимнинг моҳияти эса қуйидагилардан иборат:

Агар ишлаб чиқариш жараёнлари, одатда, дастлабки босқичлардан (материалларни, зарур қисмларни тайёрлашдан) бошланиб, кейин якуний босқичга (маҳсулот ишлаб чиқаришга) қараб борса, "Конбан" тизими бўйича эса аксинча, ишлаб чиқариш жараёнларини режалаштириш тескари тартибда амалга оширилади. Деталлар ва қисмлар тайёрланиб теришга қанча ва қандай турдаги маҳсулот керак бўлса, шунчаси берилади. Яъни қанча маҳсулот, қачонга ва қайси турда керак бўлса, ўшанча ишлаб чиқарилади.

Бу тизимнинг қуйидаги афзалликлари бор: Маҳсулотнинг ташилишига кетадиган вақт, меҳнат тежалади, омбордаги захираларни иқтисод қилиш имкониятини беради. Ўтган асрнинг 50-йилларида кашф этилган "Конбан" тизимини ҳаётга жорий этиш учун бор-йўғи ўн йил керак бўлди. 1962 йилда ушбу ишлаб чиқариш тизими "Тоёта" гуруҳига кирувчи асосий корхоналарда жорий қилинган бўлса, кейинчалик ғошқа корхоналардан ҳам кенг ўрин эгаллади.

Ислом Абдуганиевич Каримов "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид , барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари" Т. "Ўзбекистон" 1997 й

Япониядаги кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланишида у ерда йўлга кўйилган йирик, ўрта ва кичик бизнес корхоналари ўртасидаги кооперацион тизим ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир. Унга кўра йирик корхоналар ўз атрофларида бир қатор зарур материалларни етказиб берувчи, йигувчи корхоналар тармогини вужудга келтирадиган ҳамда улар орқали импорт ринини босиш, япон маҳсулотлари ташқи бозорга экспортининг юқори кўрсаткичларига эришишга муваффақ бўладилар.

Япония дунёда енгил автомобиль ишлаб чиқарувчи энг йирик давлатлардан бири саналади, у деярли барча турдаги ярим ўтказгичли микросхемаларни ишлаб чиқариш соҳаларида етакчилик қилади. Аҳолисининг саводхонлиги, ижтимоий сиёсати ҳамда турмуш тарзи жиҳатидан ҳам илгор мамлакатлардан биридир.

Японларнинг менежмент соҳасидаги ўзига хос тажрибалари ҳам эътиборга молик. Зеро, уларнинг менежменти "биз ҳаммамиз бир оиламиз" деган фалсафа асосига қурилган бўлиб, мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан гуллаб-яшнашида ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир. Унинг моҳияти ишчилар билан яхши муносабатларнинг ўрнатилишида, яъни менежер ва ишчи ўзини яхлит бир оила аъзоси деб билишидадир. Дунёда машҳур "Сони Корпорейшн" фирмасининг ишчилари ўртасида ўтказилган сўров натижалари шуни кўрсатадики, сўралганларнинг 75-85%и ўзларини ягона "команда" аъзоси деб хисоблайдилар, шунинг учун ҳам ишда муваффақиятларга эришиш, ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал этишда ўзаро келишган ҳолда ҳамжиҳатликда иш юритиш лозим. Корхоналардаги яхши маънавий-руҳий ҳолат ҳам ишчиларнинг ҳамиша ўз жамоаси учун жон куйдиришига сабаб бўлади. Бу ерда деярли кадрлар қўнимсизлиги кузатилмайди, масалан минг нафар автомобилсозга 25 кун сабабсиз ишга чиқмаслик тўғри келади (АҚШда бу кўрсаткич 343 кунни, яъни Япониядан 14 мартаба кўп микдорда бўлган кўрсаткични ташкил этади).

Япония корхоналарида ўзаро бир-бирларини қўллаш ва мадад бериш анъаналари кучли илдиз отган. Сўриб кўрилган японияликларнинг 70%и ишхонадаги ўз ҳамкасбларига ҳар томонлама ёрдам "еришни ўз бурчлари деб билдилар (АҚШда бу кўрсаткич 45%ни, Англияда 36%ни, Германияда 31%ни, Францияда эса 12%ни ташкил этади). Япониянинг бундай муваффақиятларга эришишида унинг "Инсон омили"дан унумли фойдаланиши катта роль ўйнайди. Чунки бу ерда инсоний қобилиятлардан энг максимал даражада фойдаланилади. Япониянинг соғлиқни сақлаш, меҳнат ва турмуш вазирлиги ўтказган сўров натижаларига кўра, 2000 йилда 88%компаниялар ўз ходимларини қайта ўқитишни стратегик тараққиётнинг энг муҳим омили деб белгилаганлар.

Ўзбекистон Япониянинг "Халқаро ҳамкорлик" банки билан фаол алоқа қилиб келмоқда. Мазкур банкдан олинган кредитлар соғлиқни сақлаш, сув таъминоти, маориф, қишлоқ хўжалиги соҳаларини ривожлантириш мақсадларида сарфланмоқда. Япония халқаро ҳамкорлик банки томонидан тақдим этилган заём маблағларининг умумий миқдори 128.00 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Ўзбекистон Япония билан ҳамкорлик қилишга алоҳида эътибор бераётганлиги сабабли 2001 йил май ойида Япониянинг "Кейдзай Доюкай" корпоратив раҳбарлар уюшмасининг Президенти Коичи Минагучи бошчилигидаги делегация Ўзбекистонга ташриф буюрди. "Бу уюшма Япониядаги энг йирик компания ва корпорацияларнинг 1600 га яқин раҳбар ходимларидан ташкил топган. "Кейдзай Доюкай" уюшмаси ташаббуси билан Япония Ўзбекистонга имтиёзли кредитлар ажратмоқда".

Япониянинг "Коллег-Нишо Иваи" фирмаси АҚШ консорциуми билан ҳамкорликда Кўкдумалоқ қонида компрессор станцияларини қуришда

иштирок этди. Шу билан бирга, Япониянинг "Марубени-Джей Джиси" консорциуми Франциянинг "Текнип" консорциуми билан биргаликда технологик қисмининг баҳоси 262 миллион долларга тенг бўлган йирик лойиҳани, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қурилишини амалга оширди. У сифати жиҳатидан жаҳон андозаларига мос келадиган 660 минг тонна бензин, 1,3 миллион дизель ёқилғиси, 300 минг тонна авиация керосини ишлаб чиқаришга қодир йирик корхонадир.

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг фаолиятини юргизишда Япониянинг "Мицуи" фирмаси, "Эксим банки", "Тойо инжиниринг" фирмаси ва Европа реконструкция банки билан бир қаторда Франциянинг "Текнип" фирмаси ҳам фаол иштирок этди. 2000 йилда лойиҳада кўзда тутилган барча қурилиш ва реконструкция ишлари ниҳоясига етказилди. Завод ишлаб чиқараётган дизель ёқилғисининг таркибида олтингугурт миқдори 0,7 % ўрнига 0,3%га тушди, яъни бу 25-30 тонна демакдир. Бинобарин, дизель ёқилғиси таркибиди ёнган олтингугурт газлари ҳавога тарқалиб атроф-муҳитни ифлослантириши мумкин, улар эса инсон ҳаёти учун ўта хавфли, захарли саналади. Бу кўрсаткичга эришилганлиги, яъни дизель ёқилғиси таркибидаги олтингугурт миқдорининг пасайтирилиши туфайли йилига 659 тонна захарли газларнинг артоф-муҳитга тарқалишининг олди олинди, деганидир. Бундан ташқари, ёқилғи тоза бўлмаса, автомашина мотор ва уларнинг қисмлари 1,5-2 йилдаёқ ишдан чиқиши мумкин. Эндиликда уларнинг ишлаш муддати 2-3 баробарга ошди.

Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятида унинг Япониядаги Марказий Осиё мамлакатлари билан иқтисодий дўстлик Ассоциацияси билан ҳар томонлама ҳамкорлигининг ривожланиб бораётганлиги ҳам ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Мазкур Ассоциация ўз олдида Марказий Осиё давлатлари, хусусан Ўзбекистон Республикасига ҳам иқтисодий тараққиётга эришиш борасида ёрдам кўрсатишни мақсад қилиб қўйган. Бундан ташқари,

ушбу Ассоциация "Нау-хау"ларни тақдим этиш бўйича турли дастурлар, бизнесни молиявий қўллаб қувватлаш ва турли лойиҳаларни амалга ошириш,

Япония Вакилларининг Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва маҳкамалари билан учрашувлари, Японияда турли ўқув курслари ва семинарларини ташкил қилиш билан алоқадор бир қатор фаолият турларини ҳам амалга оширади. Ўзбекистонда ушбу Ассоциациянинг махсус бўлими очилган ва "Жамиятнинг узок муддатли ҳаёти тизими" доирасида Япония - Ўзбекистон иқтисодий дўстлигининг тадқиқот гуруҳи (SLLS) ташкил этилган. Мазкур гуруҳга Япониянинг 30 та компанияси ва илмий тадқиқот институтлари вакиллари киради.

"Узок муддатли истиқболга мўлжалланган, мамлакатимизнинг салоҳияти, кудрати ва иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган навбатдаги муҳим устувор йўналиш - бу асосий етакчи соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб боришдан иборат".¹

Умуман олганда, Ўзбекистон ва Япониянинг инвестициялар бўйича ҳамкорлиги изчил равишда кенгайиб ва ривожланиб бормоқда.

"Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг мустаҳкамланишида мамлакатимиз Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг 2002 йил 28-31 июль кунлари Японияга қилган расмий ташрифи ниҳоятда муҳим роль ўйнади. Ушбу ташриф чоғида ўзаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш ва Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларга кўмаклашиш тўғрисида махсус ҳужжат - Қўшма баёнот имзоланди.

¹Каримов И.А. "Асосий вазиғамиз - Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир" Т. 2010 йил 29 январ

У иқтисодийнинг кўплаб соҳалари бўйича ўзаро икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий базасини ривожлантиришга йўналтирилган. Хусусан унда, энергетика соҳасидаги ҳамкорликларни, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, ҳаво йўллари алоқаларини ривожлантириш каби масалалар ифодаланган. Таъкидлаш керакки, Япония тарафи бундан кейин ҳам Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларни фаол қўллаб қувватлашга тайёр эканлигини билдиради".¹

Булардан ташқари икки мамлакатнинг Ташқи иқтисодий алоқалари Маҳкамалари ўртасидаги ҳамкорлик, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги за "Мицубиси", "Мицуи", "Марубени" корпорациялари билан Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар банки ва "Bank of Токуо Mitsubisi" ўртасида бмтиёзли кредитлар бериш, "Ўзбектуризм" миллий компанияси билан Япониянинг туристик агентликлар Ассоциацияси ва бошқа бир қанча туристик компаниялар ўртасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида ҳужжатлар имзоланди.Шунингдек 38 миллион иена миқдорида грант ажратиш тўғрисидаги алмашув ноталари ва бошқа муҳим ҳужжатлар имзоланди.

"Ташқи иқтисодий алоқаларнинг Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларга таъсирини авиация соҳасида ҳам яққол кузатишимиз мумкин. Ушбу соҳа бўйича Республикамиз Осиёнинг кўплаб мамлакатлари, хусусан Япония билан яқин ҳамкорлик ўрнатган. 1993 йилда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси авиапарки томонидан "Эрбас Индастри" консорциумидан иккита кенг фюзеляжли А-310 аэробуслари, кейинчалик "Боинг-767" ва "Боинг-757" самолётлари, ҳамда Британия-Франция ҳамкорлигининг маҳсули бўлган учта RJ-85 ҳаво лайнерлари сотиб олинди".

¹ Халқ сўзи" газетаси, 2002 йил 31 август

²Financial Projects Specialist. The Republican Market Conjuncture Research and Investment Projects

Ўзбекистон иқтисодиётига капитал маблағлар киритиш бўйича Осиё минтақаси мамлакатлари орасида Япония етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Мамлакатимизга киритилган Япония инвестициялари миқдори 1,3 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетди.

Шу жумладан, Япония ҳукуматининг Япония Халқаро ҳамкорлик банки йўналиши бўйича ажратган молиявий ресурсларининг ўзи 1,22 миллиард АҚШ долларини ташкил қилади. Япония ҳукумати "Ривожланиш учун расмий ёрдам" дастури доирасида сўнги йиллар давомида Ўзбекистонга 85,745 миллион АҚШ долларига тенг миқдорида қайтариб берилмайдиган инсонпарварлик ёрдами кўрсатди. Мазкур маблағнинг 26,2 миллион доллари озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмини оширишга йўналтирилди. Ушбу маблағларнинг асосий қисми иқтисодиётимизнинг турли соҳаларини ривожлантиришга, усусан телекоммуникацияни яхшилаш, йўловчи транспорти соҳасига, Самарқанд, Бухоро ва Урганч шаҳарлари аэропортларини реконструкция қилиш ва бошқа соҳаларга самарали сарф қилинди. Бундан ташқари, 1994 йилдан буён текин молиявий ҳамкорлик доирасида Ўзбекистонда турли соҳалардаги лойиҳалар амалга оширилди. 1995 йилдан буён Япония "Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш" лойиҳаси бўйича Ўзбекистонга текин ёрдам кўрсатиб келмоқда. Ушбу лойиҳага берилган маблағларга дон ва шоли ўрувчи комбайн ва бошқа қишлоқ хўжалик техникалари сотиб олинди.

"Япониянинг умумий қиймати 114 миллион иена бўлган имтиёзли кредитлари ҳисобига Қорақалпоғистонда жаҳон андозалари талабларига жавоб берувчи Япония ускуналари билан жиҳозланган автоматик телефон рақамли электрон станцияси, шунингдек, халқаро телефон станцияси қурилди, толали оптик алоқа ўрнатилиб Қорақалпоғистон - Трансosiё - Европа магистрали билан боғланишга муваффақ бўлди".¹

Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги савдо иқтисодий алоқаларнинг ривожлантирилишида Тошкентда 2000 йили Ташқи савдони ривожлантириш бўйича очилган махсус ташкилот "Жетро"нинг ваколатхонаси катта роль ўйнайди. Ушбу ташкилот Японияда 1958 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Мазкур ташкилот вакиллари 1998 йилдаёқ Ўзбекистонга ташриф буюрган эди. Ўшанда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан, хусусан, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, мамлакатлар ўртасидаги товар айланишини юксалтириш, мамлакатимизнинг ахборот-маълумотлар базасидан фойдаланиш тўғрисидаги масалалар батафсил муҳокама этилган эдию Шуни алоҳида такидлаш жоизки, "Жетро" ташкилоти ваколатхонасининг ишида Ўзбекистон ишлаб чиқарилган товарларни Япония бозорига олиб чиқишга кўмаклашиш, бу борада Японияда ўтказиладиган турли халқаро компаниялар анжуманларига Ўзбекистон савдо компанияларини ҳам жалб қилишдан кенг фойдаланиш муҳим роль ўйнайди. Бу саъй-ҳаракатларнинг натижаси ўларок, Ўзбекистон компаниялари илк мартаба Японияда ўтказиладиган "Фукуока-2001" Халқаро савдо «ярмаркасида, "FoodEX Japan-2002" деб номланган озик-овкат ва нчимликларнинг 17-кўرғазмасида иштирок этганликларини айтиш лозим. Шу каби тадбирларда Японияда Ўзбекистон маҳсулотлари ва корхоналаридан фойдаланиш бўйича муҳим шартномалар тузилди. Хорзирда ҳам ушбу ташкилот ўз ишларини муваффақиятли амалга ошириб келмоқда.

"Бизнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлигимиз хали унчалик узок муддатни ташкил этмаган бўлсада, ишонч билан айтишим мумкинки, мана шу қисқа давр ичида мамлакатда иқтисодий вазият сезиларли даражада фаоллашди. Япон ва ўзбек компаниялари ҳамкорлиги янада жадал суръатлар билан - ривожланаётир. Самарқандда "Исузу" автобусларини биргаликда ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани бу фикримизнинг исботи булади. Ишончим комилки, икки мамлакат компаниялари ўртасидаги ҳамкорлик ҳадемай янада раванк топажак"¹ - дейди Япония ташқи савдони ривожлантириш ташкилоти

""Жетро"нинг Тошкентдаги ваколатхонаси бош директори Шибамото Хидекадзу.

""2009 йилнинг октябрида юртимизга ташриф буюрган Халқаро валюта жамғармаси ижрочи директорлари миссиясининг баёнотида шундай дейилади: "Ўзбекистон ҳукумати жаҳон иқтисодий инқирози шароитида иқтисодий ўсишни таъминлаш учун зарур бўлган кўплаб ресурсларни жамлаган ҳолда, жаҳон молия бозорларида оқилона сиёсат олиб борди. Бундай пухта ўйланган сиёсат мамлакатнинг глобал иқтисодий инқироз таъсирига самарали қарши тура олишида муҳим омил бўлди".

2. Фан ва таълим соҳасидаги Ўзбекистан - Япония ҳамкорликлари

Жамият тўла маънода демократлашиши учун таълим соҳасини ҳам эркинлаштириш аҳамиятли. Хар қандай мамлакат учун фан ва таълим соҳасини ривожлантиришга эътиборни кучайтиришнинг аҳдмияти катта. Сабаб эса барчага бирдек аён: айнан бугун таълим-тарбия масаласига эътибор қилинмаса, келажак бой берилиши тайин.

Умуминсоний маданият, барча маданиятларнинг синтезидан иборат. Маданиятларнинг ўзаро таъсири жараёнида энг муҳим жихат - бу мамлакатларнинг фундаментал илмий муаммоларни ҳал этиш борасидаги ҳамкорлиги, маориф дастурларини ишлаб чиқиш, кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамжихатлигидир. Бундай ҳамкорликсиз инсоният ҳаётининг бирор бир соҳасида муваффақиятга эришиб бўлмайди. Шу маънода, ташқи дунё билан хар томонлама алоқалар урнатиш, умуминсоний кадриятлар устуворлигини эътироф этиш, бошқа мамлакатлар анъаналари ва урф-одатларига бағрикенглик билан муносабатда бўлишни таъминлаш зарур.

Шибамото Хидекадзу. "Иқтисодий ҳамкорлик буйича Ўзбекистан-Япония ҳамда Япония-Ўзбекистон кумиталарининг тўққизинчи кўшма йиғилишида сўзлаган нутқидан" Т. 2007 йил 19 октябрь
Каримов И.А. "Асосий вазиғамиз - Ватанимиз тараккиёти ва халқимиз фаровоилигини янада юксалтиришдир" Т. 2010 йил 29 январь

Барча ҳамкорликлардан кузланадиган асосий мақсад иктисодий манфаатларнигина эмас, бутун ер юзида барқарор ва муҳим ривожланиш, барча мамлакатларда барча соҳаларда таракқиётга эришиш эканлигига йўналтирилган янги сиёсий психологияни шакллантириш ҳамкорликнинг ниҳоятда муҳим шартларидандир. Унинг ташки сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан хал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва умумэтироф этилган барча бошқа қоидалар ва нормаларга асосланади. Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиш, ҳамдустликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириш ва улардан ажралиб чиқиши мумкин.

Ўзбекистан Япония билан бир қанча илмий йўналишлар бўйича узок муддатли ҳамкорликни амалга оширишдан манфаатдор. Булар -информатика ва компьютер технология лари, машинасозлик, юкрри кимёвий технологиялар, телекоммуникация, усимликларни муҳофаза қилишнинг биологик услублари, атроф-муҳитнинг экологик мониторинга, геология, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш, тиббиёт, фармацевтика саноати каби соҳалардир.

Ўзбекистоннинг Япония билан таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорлиги ҳам ниҳоятда самарали. 1998 йилнинг ноябрида Жаҳон иктисодиёти ва дипломатия университетига техник ускуналар келтириб бериш тўғрисида махсус ноталар имзоланди ва узаро алмашилди. 1999 йилнинг ноябрь ойида Япония Халқаро ҳамкорлик агентлигининг махсус миссияси ташриф буюриб, кадрларни тайёрлаш дастури бўйича стипендиялар таъсис этиш масалаларини ўрганди.

Шунингдек, мазкур миссия вакиллари Ўзбекистонга бозор иқтисодиётига асосланган жамиятга утиш даврида малакали кадрлар тайёрлаш борасида ёрдам бериш мақсадида Ўзбекистонлик ёшларнинг Япония университетларида ўқиш имкониятини ҳам ўрганиб чиқди. Япония ҳукумати томонидан ушбу мақсадлар учун 127 миллион иен (1 миллион АКШ долларидан купрок.) маблағ грант сифатида ажратилди".¹

Бундан ташқари, мамлакатимиз маориф соҳасидаги яна кўплаб лойиҳаларни амалга ошириш учун Япония ҳукумати томонидан 27 миллиард 39 миллион Япония иенаси (254 миллион АКШ доллари) миқдорида маблағ ажратилди. Мазкур маблағ 50 га яқин қишлоқ хужалик коллежини замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш, касб-хунар коллежлари раҳбарларини ва уқитувчиларни Японияга малака ошириш учун уқишга жунатиш, Ўзбекистонда укув курсларини ташкил этиш каби тадбирларга йуналтирилган. Япония Халқаро ҳамкорлик агентлигининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳам кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш масалаларига катта аҳамият бермоқда. Мазкур ташкилот томонидан "Телекоммуникацияларни бошқариш", "Ер усти транспорта", "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари маркетинги, "Соғлиқни сақлаш соҳасини бошқариш", "Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасини бошқариш", "Япониянинг маъмурий, молиявий ва аудиторлик тизими", "Минтақавий ривожланишни режалаштириш", "Солиққа тортиш", "Макроиқтисодиёт", "Ривожланиш учун молия", "Бизнес менежменти" ва бошқа курслар ташкил этилган.

Ўзбекистон Банк-молия Академиясининг академиги Тошихира Китамуранинг бевосита иштироки билан 1996 йилда Ўзбекистонда Банк-молия Академияси ташкил этилган эди. Мазкур укув муассасаси ҳозирги кунда жаҳон даражасидаги банк тизимини яратиш учун банк ва молия соҳасининг юқори малакали кадрларини тайёрлаш билан шугулланмоқда.

Академия бозор муносабатлари шароитида тадбиркорнинг энг ишончли хамкори банк эканлигидан келиб чикиб, жаноб Тошихира Китамура иштирокида талабаларнинг бизнесни оқилона ривожлантириш, молиявий тизимни яхшилаш усуллари борасидаги билимларини муваффақиятли равишда ошириб бормокда.

Кадрлар тайёрлаш ишининг янада ривожлантирилишида 2001 йилнинг 22 августида тақдимот маросими утказилган Ўзбекистон Республикасида "Ўзбекистон - Япония Инсон Ресурсларини ривожлантириш Маркази» нинг очилиши ниҳоятда катта ахамиятга эга".¹

Марказ 2000 йилда Ўзбекистон ва Япония ҳукуматлари ўртасида тузилган шартнома натижасида ташкил топди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги бир томондан ва Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЈІСА) иккинчи томондан марказнинг таъсисчилари сифатида иштирок этдилар. Мазкур жамоат ташкилотининг мақсади Ўзбекистонда ишбилармонликни ривожлантириш учун ходимларни тайёрлаб бериш, шунингдек, Япония билан қизиқувчи ўзбекистонликларга турли хил ахборот, Япония маданияти ва тилини ургатиш орқали мамлакатларимиз уртасидаги ҳамфикрликни чуқурлаштириш ва дўстлик алоқаларини ривожлантиришдан иборатдир. Ушбу марказ Ўзбекистоннинг Халқаро алоқалари ривожлангани сари унинг чет мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш шакллари кенгайишида «дўстлик» кўприқларидан бирига айланди.

"Ўзбекистоннинг Япония билан илмий-техник ҳамкорлиги бир катор фундаментал илмий тадқиқотларни ва замонавий технологияларни камраб олади. Уларнинг таркибида турли шакллардаги ҳамкорликлар мавжуд.

¹Ўзбекистон - Япония Инсон ресурсларини ривожлантириш маркази жорий архивдан // Т.: 2003 йил

Хусусан: ҳамкорликда илмий тадқиқотлар ўтказиш, ҳамкорликда илмий-техник лойihalарни бажариш, ҳар иккала мамлакат етакчи мутахассислари иштирокида илмий-техник семинарларни ташкил қилиш.

Тошкентдаги Халқаро бизнес марказида 2002 йилнинг 19 ноябрида очилган "Сони" фирмасининг профессионал ва ахборот технологиялари ҳамда усқуналари кўрғазмаси, "Тошкент - 2002 йилнинг кузида" деб номланган курғазма ҳам нихоятда муҳим аҳамият касб этди. Мазкур курғазма мамлакатимиз Ташки иқтисодий алоқалар вазирлиги, "Сони бизнес юрон" номли Европа компанияси ҳамда "Сони" фирмасининг МДХ, давлатлари буйича Москвадаги ваколатхонаси томонидан ташкил этилган эди.

Кўрғазмада телекурсатувларни узатиш учун мулжалланган усқуналар, корпоратив системалар, (конференцзаллар, мажлис ўтказиладиган хоналар учун овоз кучайтиргич усқуналар) мультимедиялик проекторлар, плазмали мониторлар ва бошқа кўплаб усқуналар намойиш этилди. Ушбу кўрғазма Ўзбекистонда ҳам замонавий информацион технологияларнинг кенг тадбиқ этилишига амалий ёрдам берди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Молия ва нархлар илмий-тадқиқот институти 1995 йилдан бошлаб Япониянинг Молия вазирлиги билан ҳамкорликда фискаль ва пул сиёсати соҳасида, иқтисодиёт соҳасидаги молиявий тизимлар ва сиёсат юритиш борасида илмий тадқиқот олиб боради. Шунингдек, Япониянинг "Дайва Секьюрити" фирмасининг илмий тадқиқот институти билан Ўзбекистонда қимматли қозғалар минтақавий бозорини ривожлантириш масалалари ва жаҳон молиявий бозорига инвестициялар жойлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш буйича ишлар олиб борилмокда. Ушбу масалалар буйича 1997 йилдан буён ҳар йили турли қўшма илмий семинарлар ўтказиб келинмокда. Жумладан, 2000 йилнинг сентябрида Япониянинг Халқаро Молия маркази билан ҳамкорликда

"Япониянинг ривожланиш сиёсати" мавзусида йирик илмий семинар ўтказилди".

2000 йилнинг 11-15 декабрь кунлари Токиода махсус Ўзбекистон савдо-саноат кургазмаси бўлиб ўтди. Ўзбекистон МДХ, давлатлари орасида Японияда "Жетро" ташкилоти ёрдамида ана шундай йирик кургазма ташкил қилган биринчи мамлакат бўлди. Кўргазма доирасида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ҳамда Япониянинг ташқи савдо ташкилоти томонидан ташкил этилган инвестицион семинар ўтказилди. Семинарда Япониянинг юздан ортиқ етакчи компаниялари, фирмалари ва банкларининг вакиллари иштирок этди. Семинарда ўқилган маърузалар, асосан банк-молия тизимини ислох, қилиш ва Ўзбекистон валюта бозорини эркинлаштириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш муаммолари, Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг истиқболлари, мамлакатимизда инвестиция иқлимини ривожлантириш масалаларига бағишланди. Япония вакилларининг чиқишларида Ўзбекистонда қулай инвестиция иқдими яратилганлиги ҳамда бу соҳада эришилган ютуқлар алоҳида таъкидлаб ўтилди. Яна мазкур семинарда ўзбекистон иқтисодиётининг турли соҳаларида нуфузли инвестиция лойиҳдларини амалда руёбга чиқариш масалалари, нефть ва газ, кимё, тўқимачилик, электрон саноатда ҳамкорлик қилиш, шунингдек хар икки давлат ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат Қўмитаси, Совуқни ўрганиш халқаро институтининг Ўзбекистон миллий қўмитаси ҳамда Япониянинг "Маскава Сейсакусэ" фирмасит ва "Нисше Иваи" молия саноат

А.Қирғизбоев "Ўзбекистон Республикасининг Осиё мамлакатлари билан халқаро ҳамкорлиги" Т.: "Фан"
2004 йил

компаниялари билан ҳамкорликда 1997 йилда ўтказилган техника йўналишига оид семинар тақдирот маросими ҳам ниҳоятда фойдали бўлди.

Семинар Қатнашчилари "Маскава Сейсакусе" молия-саноат компанияси ва фирмасининг Ўзбекистоннинг совутиш-компрессорлик хўжалигини ривожлантириш ва ягона совутиш тармоғини яратиш тўғрисидаги таклифини муҳокама қилди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Тарих институти олимлари ҳам Япониялик ҳамкасблари билан узоқ йиллардан бери ҳамкорлик алоқаларини олиб бормоқдалар. Жумладан институтнинг бир гуруҳ олимлари 1997 йилда Япониянинг Токио ва Киото шаҳарларидаги етакчи олий ўқув юртларида бўлиши бўлишиб, талабаларга Ўзбекистоннинг қадимги ва ўрта асрлар тарихи маданияти ва анъаналари бўйича маърузалар ўқидилар. Мазкур институтда Япониялик бир гуруҳ ёш тадқиқотчилар аспирантурада таҳсил олдилар. Аспирантлардан Эйжи Мано, Казуюки Кубо, Эми Имаҳара, Иваи Такаҳаши, Сока Вазакки ва бошқаларни Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Тарих институтининг етакчи ходимлари раҳбарлигида илмий изланишлар олиб бораётганликларини айтиб ўтиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Самарқанд бўлимининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти университетининг Токиодаги "Жаҳон саҳролари муаммолари"ни ўрганувчи Япония ассоциацияси билан марказий Осиё чўлларини ўрганиш, сақлаб қолиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасидаги тадқиқотлари ҳам жуда яхши самара бермоқда. Шунингдек мазкур университетлар билан ҳамкорликда "Марказий Осиёда ичимлик сувлари ресурсларидан фойдаланишни бошқаришга янгича ёндашувлар" мавзусидаги Халқаро семинар дастури ишлаб чиқилган.

2001 йили Япониянинг Васеда университети ва Самарқанд Давлат университети ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Васеда университетининг раҳбарияти Ўзбекистон Республикаси Президенти

хузуридаги давлат ва жамият қурилиш Академияси қошидаги Олий бизнес мактабига техник ёрдам кўрсатди. Ўзининг энг илғор ўқитувчиларини мазкур мактабга ишлаш учун жўнатди. Шунингдек, бу ўқув даргоҳи ўқитувчилари учун Японияда стажировкада бўлиш имкониятини яратди.

Юртбошимиз 2002 йилдаги Японияга қилган расмий ташрифи чоғида Япониянинг энг нуфузли олий ўқув юртларидан бири - Васеда университетига ташриф буюрди. Шу муносабат билан мазкур илм даргоҳида бўлиб ўтган учрашувда университет ректори Окушива Такаясу Ислон Каримовнинг давлатни бошқариш, ривожлантириш ва икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш борасидаги улкан хизматларини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон эришаётган ютуқлар, хусусан, изчиллик билан амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг самаралари нафақат мамлакатимизда, балки халқаро миқёсда ҳам аҳамияти катта эканлигини қайд этди.

Васеда университети Илмий кенгашининг қарорига мувофиқ Ислон Каримовга мазкур ўқув юртининг фахрий доктори унвони берилди. Президентга бу ҳақдаги ҳужжат топширилди ва докторлик мантияси кийдирилди.

Йиғилиш сўнгида Ислон Каримов ўзбекистонлик талабалар билан мулоқотда бўлди. Ўзбекистон учун замонавий кадрларнинг аҳамияти, бу борада мамлакатимизга Япония томонидан кўрсатилаётган ёрдам ҳақида сўзлади.

Шу куни Ўзбекистон ва Япония ҳукуматлари ўртасида 348 миллион иен миқдорида грант ажратиш тўғрисидаги битим имзоланди. 28 август куни Президент Ислон Каримов Япония Ташқи ишлар вазири Ёорико Кавагучини қабул қилар экан, унинг Ўзбекистондаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг фахрий доктори унвонига сазовор бўлганлиги билан

табриклади. Юртимиздаги энг нуфузли олий ўқув юртларидан бирининг фахрий докторлари сафига Япониядек қудратли давлатнинг ташқи сиёсат

маҳкамаси раҳбари қўшилгани дипломатлар мактаби учун шараф эканлигини билдирди.

2002 йилнинг январида Ўзбекистон "Янги ўқув ускуналарини сотиб олиш" лойиҳаси бўйича халқ таълимини ривожлантириш учун Япония ҳукуматидан 415,5 минг АҚШ доллари миқдоридан хайрия ёрдами олди. Ушбу маблағ Фарғона вилоятидаги бир неча мактабга, Жиззах- вилояти Янги Бўстон посёлкасидаги қар ва соқов болаларнинг 1 -сонли махсус интернат мактабига (88377 АҚШ доллари) мактаб биноларини қайта тиклаш ва бошқа хайрли мақсадлар учун берилди. Иккала давлат мактаблари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш ҳам ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир. Япониянинг Нагана шаҳрида жойлашган "Ватаучи" мактаби ўқувчилари Тошкент шаҳридаги 295-мактаб билан яқин алоқа ўрнатган.

Япониянинг ушбу мактабида Ўзбекистоннинг бугунги ҳаёти, тарихи, маданияти ва анъаналарига бағишланган тадбирлар ўтказиш анъанага айланган.

"Японларнинг урф-одати, анъаналари, турмуш тарзи ўзбекларникига ўхшаб кетади. Кунчиқар юрт халқи ўзининг фавқуллода истеъдоди, тиришқоқлиги билан жаҳонни лол қолдирмоқда. Мен япон адиблари билан суҳбатда ал-Беруний, ал-Хоразмий, Мирзо Улуғбек каби буюк аجدодларимиз замонавий илм-фанга асос солганини қайта-қайта ҳайрат билан эътироф этганларининг кўп бор гувоҳи бўлганман. Бундан, албатта, ҳар биримизнинг юрагимиз фахрга тўлиши табиий.

Ўзбек адиблари япон адиблари ижодидан яхши хабардор. Нашриётларимиздан олинган маълумотларга қараганда, сўнгги йилларда Ўзбекистонда япон адибларининг асарлари 24 марта китоб ҳолида нашр этилган. Улар орасида Кобо Абэ романларидан тортиб, япон шеърияти намуналаригача бор. Ойбек, Саид Аҳмад, Асқад Мухтор, Одил Ёқубов сингари адибларимиз ижодларида Япония мавзуси акс этган асарлар кўп.

Айни чоғда япон олими Эйжи Мано "Бобурнома"ни япон тилига

таржима қилиб, изоҳлари билан нашр этди. Комацу Итару ўзбекча-японча луғат тузди. Яна бир япон олими Комацу Абдурауф Фитрат ҳаёти ва ижоди бўйича тадқиқот олиб бормоқда. Кўпгина япон олимлари Ўзбекистонда илмий, назарий тадқиқотларини давом эттирмоқдалар".¹

Мана бир неча йилдирки, юртимиз ёшлари иқтисодиёт, ҳуқуқ, бизнес бошқаруви, менежмент, ахборот технологиялари, халқаро муносабатлар, муҳандислик каби йўналишларда Япониянинг нуфузли университетлари магистратурасида малака ошириб қайтмоқдалар.

Ўзбекистон ва Япония ўртасида таълим йўналишидаги ҳамкорликнинг натижалари тўғрисида астойдил ва анча-мунча сўзлаш мумкин. Биз бу ўринда ЛСА, ЛСЕ ва Инсон ресурсларини ривожлантириш Ўзбекистон - Япония Маркази ваколатхоналари ташаббуси билан мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган лойиҳаларнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз лозим. Мана шу халқаро ташкилотларнинг ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари билан масалан, Ўзбекистон - Япония стратегик ҳамкорлиги янги босқичларининг бошланиш даври, яъни 2000 йилдан бошлаб Япония ҳукумати грантлари асосида мамлакатимиз олий ўқув юртларини битирган иқтидорли талабалар Японияга бориб ўз билими ва малакаларини янада чуқурлаштирмоқдалар. Ёшларимиз Япония университетларида ҳозирги Мустақил Ўзбекистон тараққиёти учун устувор ҳисобланган иқтисодиёт, давлат бошқаруви, ҳуқуқ, ахборот технологиялари ва халқаро муносабатлар йўналишларида жаҳон андозаларидаги билим-малакаларини эгаллаб келмоқдалар.

Келажагимиз учун муносиб кадрлар бўлиб етишишлари учун ривожланган давлатларнинг таълим соҳасидаги ютуқлари ва тажрибалари жуда қимматлидир. Ўзбекистон жаҳоннинг илғор давлатлари қаторидан жой олишга интилаётган экан, бу ўринда Япониянинг тажрибаси, босиб ўтган тараққиёт йўли намуна бўлишга арзийди.

¹А.Орипов "Адолат кўзгуси" Т.: "Адолат" 2005 йил, 269-270-бетлар

III боб: Мамлакатлар орасидаги ҳамкорлик оммавий ахборот воситалари
талқинларида

1. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги сайтларида ҳамкорликнинг
ижтимоий-иқтисодий асослари

Япония Ўзбекистон мустақиллигини биринчилар қаторида тан олган давлатлардан биридир. Ўзбекистон истиқлолга эришган илк йиллардан бошлаб у мамлакатимиз билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб, юртимиздаги кенг кўламли ислохотларни қўллаб қувватлаб келмоқда. "Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ва Япония жўғрофий узоқликка қарамай, бир-бирига анча яқин давлатлардир. Япония Ўзбекистон орқали Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор. Ўзбекистон учун Осиё - Тинч океани мамлакатлари билан алоқаларни кенгайтиришда Япония билан муносабатлар муҳим ўрин тутади".¹

Кунчиқар мамлакатнинг юқори технологиялари ва сармояси савдо алоқаларни раванқ топтиришда муҳим омил бўлмоқда. Малакатимизда Япония билан ҳамкорликда очилган қўшма корхоналар самарали фаолият олиб бормоқда. Япония сармояси иштирокида малакатимизда ўндан ортиқ йирик лойиҳа амалга оширилмоқда. Масалан, Тошгузар - Бойсун - Қумқўрғон темир йўлини барпо этиш лойиҳаси учун Япония ҳукумати 150 миллион АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредит ажратган. Самарқанддаги автомобиль заводидан «Исузу» русумли микроавтобуслар чиқа бошлагани қўшма лойиҳаларнинг муваффақиятига яна бир ёрқин мисолдир. Ўзаро дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан кейинги даврда Япониянинг Ўзбекистонга киритган сармояси ҳажми салкам 2 миллиард АҚШ долларига етди. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг хабар беришича, 2005 йилнинг 17 октябрида Жиззах шаҳрининг учинчи кичик ноҳияси даҳасида Япониянинг Халқаро ҳамкорлик банкининг имтиёзли кредитлари асосида молиялаштирилган "Ўзбекистон Республикасининг телекоммуникация

¹Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги жорий архивидан // Т.: 2000 йил

тармоқларини реконструкция қилиш ва ривожлантириш" лойиҳасининг тақдироти бўлиб ўтди ҳамда оптик толали алоқа линиясининг биринчи километрини тантанали равишда ўтказилди. Ушбу лойиҳа хусусида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги сайтида батафсил маълумотлар келтирилган. Қуйида шу ҳақда бироз тўхталиб ўтсак.


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 6 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш Япония хорижий иқтисодий ҳамкорлик жамғармасининг имтиёзли кредитларига хизмат кўрсатиш чора тadbирлари тўғрисида"ги 331-сон Қарорига мувофиқ Япониянинг Халқаро ҳамкорлик банки (ШАТС) томонидан 12,7 миллиард япон иенаси миқдорида кредит ажратилган эди. Тузилган шартномаларга мувофиқ республикамизнинг 4 та шимолий ҳудудларида умумий сигими 42 мингдан ортиқ портни ташкил этувчи 42 та рақамли телефон станциялари ва иккита Шаҳар автомат телефон станциялари (ШАТС) ўрнатилди. Жамиси бўлиб, 185 та узатиш тизимлари, 6 та радиорельели алоқа линиялари жиҳозланди ва 2,7 минг километрни ташкил этувчи оптик толали алоқа линияси ўтказилди. Шунингдек, абонентларнинг симсиз радиодан фойдаланиш тармоғи учун умумий сигими 200000 рақамга мослаштирилган 5 Е88 халқаро-шаҳарлараро коммуникация қурилмаси ва яна 30 та база станциялари ўрнатилди. Шунини таъкидлаш жиозки, мазкур лойиҳа доирасида яна қўшимча 63 та телекўрсатувлар ва 36 та радиоэшиттириш дастурларини узатувчи мосламаларни ҳам фойдаланишга топширилди.

ЈВІС лойиҳасини тadbиқ этиш натижасида, Республикамизнинг туман марказларида рақамли оқимларнинг қамраб олиш даражаси 72 фоиз, ҳамда телефон станцияларини рақамлаштириш даражаси 46 фоизни ташкил этмоқда.

ЈВІС нинг экспорт кредитлари 720 миллион АҚШ долларидан кшпроқ бўлиб, уларнинг маълум қисми Чиноз ва Шаҳрисабзда иккита ип йигирувчи

ЎБИС лойиҳасининг тақдимоти ва Жиззах шаҳрида оптик толали алоқа линиясининг биринчи километрини тантанали равишда ўтказилиши

2005 йил 17 октябрда Жиззах шаҳрининг учинчи кичик ноҳияси даҳасида Япониянинг Халқаро ҳамкорлик банкнинг имтиёзли кредитлари асосида молиялаштирилган "Ўзбекистон Республикасининг телекоммуникация тармоқларини реконструкция қилиш ва ривожлантириш" лойиҳасининг тақдимоти бўлиб ўтди ҳамда оптик толали алоқа линиясининг биринчи километрини тантанали равишда ўтказилди.



Тақдимотда Ўзбекистон Алоқа ва Ахборотлаштириш Агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари, А.Ф. Избосаров, Жиззах вилояти ҳокими ўринбосари К.Жўраев, НЕК корпорациясининг вице президенти жаноб Т. Минено, Мицуи компаниясининг Тошкентдаги ваколатхонаси менежер ўринбосари, жаноб Т.Хосогое, шунингдек, "Ўзбектелеком" акционерлик компаниясининг раҳбарияти ва яна бир қатор корхоналар вакиллари қатнашдилар.

Ўзбекистон Ахборот Агентлиги материаллари билан фойдаланилди

ва тўқимачилик фабрикаси қурилишига, шунингдек, Фарғона тўқимачилик комбинатини реконструкция қилишга сарфланмоқда.

"2001 йилнинг сентябрь ойида Япониянинг Фукуока шаҳрида "Фукуока-2001" 4-халқаро савдо ярмаркаси ўтказилди", - деб ёзади, ига.иг интернет сайти. Ярмаркада дунёнинг 40 мамлакатидан 363 нафар қатнашчи иштирок этди. Ушбу ярмарканинг Ўзбекистон учун аҳамиятли жиҳати шунда бўлдики, унда мамлакатимиз савдо бирлашмалари Япониянинг кўплаб корхона, фирмалари билан бир қатор шартномалар тузишга муваффақ бўлди. Масалан, саккизта япон фирмаси "СовПластИтал" қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиб олиш ниятини билдирди. Италия компанияларидан бири "Ўзбек ипаги" ассоциациясидан умумий қиймати 693 минг АҚШ доллари бўлган 20 тонна калава сотиб олиш ниятида эканлигини билдирди. Яна 693 минг АҚШ долларига калава сотиб олиш мақсадида Япониянинг "Марубени Корпорейшн" фирмаси билан шартнома имзоланди. "Ўзмевасабзавотшаробсаноат холдинг", "Фотон" нодавлат ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳсулотларига ҳам катта қизиқиш пайдо бўлди.

Шунингдек, ЎЗА дан яна бир маълумотни келтириб ўтаман.

2001 йилнинг март ойида Тошкентда Ўзбекистон темир йўллари компаниясининг йўловчилар ташиш вагонларини таъмирлаш бўйича махсус заводи ишга туширилди. Япония мазкур заводни қуриш учун 6102 миллиард иен (60 миллион АҚШ доллари) миқдорида кредит ажратди. Ушбу кредит имтиёзли тарзда бўлиб, уни 2006 йилдан бошлаб, кейинги йигирма йил муддат ичида қайтариш кўзда тутилган.

Завод хориждан, шу жумладан, Япониядан келтирилган энг замонавий ускуна ва жиҳозлар билан таъминланган. Завод йилига 450 тагача вагонни таъмирлашни режа қилган. Ушбу заводда трамвай, троллейбус, автобуслар ишлаб чиқариш ҳамда кундалик турмушда қўлланиладиган рўзғор буюмлари, мебель ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйиш кўзда тутилган.

2002 йил 31 июль. Токио. ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.

"Бугун Президент Ислон Каримов Япониянинг иқтисодиёт, савдо ва саноат вазири Т. Хиранумани қабул қилди. Учрашувда икки мамлакат ўртасида товар айрибошлашни ва Ўзбекистонга киритилаётган япония сармоясини кўпайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Мамлакатимиз раҳбари Япония Ташқи ишлар савдо ташкилоти (JETRO) раиси О.Ватанабени қабул қилди. Ушбу ташкилотнинг ваколатхонаси Ўзбекистонда самарали фаолият олиб бормоқда. Япония билан мамлакатимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларда JETRO нинг салмоқли ўрни бор. Учрашувда ана шу ҳамкорликни ривожлантириш масаласи мулоқотнинг асосий мавзуси бўлди.

Ислон Каримовнинг яна бир учрашуви "Марубени" корпорацияси Президенти Т. Цуджи билан ўтказилди. Бу корпорациянинг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги мамлакатимизда амалга оширилган ва оширилаётган йирик лойиҳаларда ўз ифодасини топган. Масалан, "Оқсарой тўқимачи ЛТД", "Чиноз тўқимачи ЛТД" каби қўшма корхоналарда "Марубени"нинг техника ва технологияси ишга солинган. Яхши маълумки, мазкур корпорациянинг маҳсулоти асосан экспортга кетади, хорижда эса мижозлари кўп. Мамлакатимиз раҳбари билан суҳбат чоғида ўзаро ҳамкорлик кўлами ва қирраларини кенгайтириш хусусида сўз боради.

Ўзбекистон Президенти машҳур "Сони" корпорациясининг кўрғазма марказида мазкур корхонанинг техника ва технология соҳасида эришган сўнгги ютуқлари билан танишди, ишлаб чиқараётган маҳсулотларини кўздан кечирди".¹

¹Манба: ЎзАнинг интернет сайти

Ўзбекистонда 18 та япон корпорациясининг ваколатхонаси, ўндан ортиқ қўшма корхона фаолият юритмоқда. Сиёсий соҳада эса томонлар кўплаб халқаро масалаларда бир-бирига мос муносабатда эканлигини таъкидламоқ жоиз. Халқаро терроризмга қарши кураш борасида ҳам икки мамлакат бир-бирининг савий-ҳаракатларини маъқуллаб, қўллаб-қувватлаб келади.

Ҳозирга кунда "Ўзимпексалоқа" Ёлиқ турдаги акционерлик жамияти ва Япониянинг "Мицуи" компанияси ўртасида шартномалар тузилди. Шартномалар доирасида 53 та узатиш тизимларини ўрнатиш, 1011 километрли оптик толали кабель ўтказиш, бунда: Тошкент вилоятида - 219 километр, Самарқанд вилоятида - 192 километр, Сирдарё вилоятида - 198 километр, Жиззах вилоятида 402 километр ҳамда Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида 26 та телекўрсатувларни узатиш жиҳозлари ўрнатиш ишлари назарда тутилди. Ушбу лойиҳани тадбиқ этиш жараёнида "Мицуи", "Фуджикара", "Салин", "хЧЕК" компаниялари ва "Алоқайнвест" Акционерлик жамиятлари иштирок этди."Япония Халқаро ҳамкорлик банки (JBIC) лойиҳаси доирасида Япониянинг "НЕК" ва "Мицуи" каби компаниялари билан ўрнатилган чуқур ҳамкорлик ришталари нафақат Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоқларининг ривожини учун, чунончи бутун Ўзбекистон учун муҳим аҳамиятга сазовордир".¹

'НЕК' корпорациясининг ('НЕК' Япония) Вице Президенти - жаноб Минено, шундай дейди: "Эзгулик, тинчлик сари интилаётган ва халқнинг мамлакат учун, одамларнинг меҳнатсеварлиги, иштиёқи ҳамда жадал ривожланиб бораётган давлат учун ҳисса қўшиб бораётгани - шу заминда ҳамкорликда иш олиб бориш, биз учун жуда маъқул".'НЕК' корпорациясига 1899 йил 17 июлда асос солинган бўлиб, унинг бош офиси Токио шаҳрида жойлашган. Унинг асосий фаолияти турига алоқа тизимлари, компьютер ва саноатда электр жиҳозлари ва қурилмаларини, шунингдек уларга қўшимча бутловчи ускуналарни ишлаб чиқаришга йўналтирилган. Мазкур соҳа бўйича 'НЕК' корпорацияси дунёнинг етакчи компаниялари ичида бешинчи ўринни эгаллайди. "НЕК"нинг истеъмолчилари 161 мамлакатни ташкил этади. Унинг таркибида 154 мингга ходимлар иш билан таъминланган.

¹А.Ф.Избосаров .ШИС лойиҳасида ўтказилган тақдимотда сўзлаган нутқидан_

"NEK" корпорацияси Ўзбекистон билан биринчилардан бўлиб ҳамкорлик ишларини йўлга қўйган. 1991 йили дастлабки музокаралар олиб борилган бўлиб, мустақилликнинг бир йиллиги муносабати билан 1992 йили Тошкентда Япониянинг "NEK" ва "Мицуи" корпорациялари иштирокидаги замонавий йўлдошли алоқа станцияси ишга туширилган эди. "NEK" корпорацияси заводларида Ўзбекистон учун биринчи рақамли коммуникация станцияларининг керакли жиҳозларини ишлаб чиқди. Ушбу жиҳозларни эксплуатация қилиш даврида, ёш суверен мамлакатимиз 150 сифатли каналлари билан дунёнинг барча мамлакатларига мустақил чиқишни таъминлади.

Шу ўринда, мамлакатларимизнинг ўзаро алоқалари билан бизни доимо хабардор этиб турувчи Ўзбекистондаги етакчи ахборот агентлиги ҳисобланмиш Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг фаолият даражаси ва унинг мамлакатимиздаги мавқеи ҳақида ҳам тўхталиб ўтсак.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎЗА) - Ўзбекистондаги етакчи информацион агентлик ҳисобланади. Агентлик ахборотларни ўзбек, инглиз ва рус тилларида тарқатади. У ўз фаолиятини Тошкентда 1918 йилдан РосТАнинг бўлими сифатида бошлаган. Кейинчалик ТАСС тизимида республика телеграф-ахборот агентлиги - ЎзТАГ мақомида иш юритгач, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 1992 йил 6 февралдаги фармони билан Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги - ЎЗА сифатида қайта ташкил этилди.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамаси фаолияти билан боғлиқ расмий ҳужжатларни асл манбадан олиб, тезкорлик билан тарқатадиган ягона давлат ахборот агентлигидир.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигида дунёдаги йирик, хусусан, Хитой, Туркия, Россия, АҚШ ва бошқа мамлакатларнинг ахборот агентликлари билан ахборот алмашинуви яхши йўлга қўйилган. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигида мамлакат ичкарисида ва хорижда мингдан ортиқ обуначига эга, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ахбороти ҳамда суратларидан фойдаланувчилар орасида нафақат газета ва журналлар, телевидение ва радиостанциялар, балки Ўзбекистондаги, МДХ давлатларидаги ва бошқа мамлакатлардаги элчихоналар, бизнес марказлар, вазирликлар ва идоралар ҳам бор.

Агентликнинг Республика ахбороти, маҳаллий ахборот, халқаро ахборот, таржима ва фотоахборот таҳририятлари мавжуд. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мамлакатнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида ўз мухбирлари ва фотомухбирларига эга.

2005 йил истиқлол байрами арафасида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири Япониянинг юртимиздаги Фавқулудда ва мухтор элчиси жаноб Юичи Кусумото билан суҳбатлашди. Қуйида элчи жанобларининг ушбу суҳбат чоғидаги фикрларидан келтираман.

"Япония Ташқи ишлар вазирлигида кўпдан буён фаолият кўрсатаман. Илгари Россияда, Канадада ва Европа мамлакатларида ишлаганман. Юртингизда, аввало, ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, очикқўнгиллигига гувоҳ бўлдим. Айниқса, ўзбек халқининг Японияга дўстона муносабатини, ўзаро ришталаримизни мустаҳкамлашга интилиши кучли эканини кўриб, жуда хурсанд бўлдим.

Марказий Осиё стратегик нуқтаи назардан жуда муҳим минтақа ҳисобланади. Ўзбекистон ва минтақадаги бошқа давлатлар аввалдан Россия ва Хитой билан ҳамкорлик қилиб келади. Афғонистонда антитеррор операциялар бошлангач, Ғарб давлатлари ҳам Ўзбекистонга ишончли шерик сифатида қарай бошлади, ўз навбатида, Япония ҳам Марказий Осиёда муҳим ўрин тутадиган Ўзбекистон билан мустаҳкам алоқа ўрнатишдан манфаатдор.

Икки мамлакат стратегик ҳамкорлик тўғрисида ҳужжат қабул қилган экан, демак, муносабатларимиз камрови одатдаги дўстона алоқалар доирасидан анча кенгайди. Ўзбекистон табиий захираларга бой мамлакат. Юртингиз иқтисодиётини ривожлантириш учун имкониятлар етарли. Япония бу жараёнда Ўзбекистон билан яқиндан ҳамкорлик қилиш тарафдори.

Иқтисодий ҳамкорлигимиз яхши ривожланаётганини қайд этмоқчиман. Ўн уч йилдан буён Япония ҳукумати "Тараққиётга расмий ёрдам дастури" доирасида Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ислохотларни қўллаб қувватлаб келмоқда. Ҳар йили Японияга ўзбек мутахассислари таклиф қилинади. Қўллаб ўзбек талабалари грантлар асосида Япония ўқув даргоҳларида таҳсил оляпти. Табиийки, улар Япония тажрибасини ўрганиб қайтади ва бу ерда амалиётга тадбиқ этади. Японияга, айниқса, ўзбек ёшларининг қизиқиши кучайиб бораётгани бизни қувонтиради".¹

Ўзбекистон ва Япония халқаро майдонда ҳам самарали ҳамкорликни йўлга қўйган. Мамлакатларимиз халқаро аксилтеррор коалициясини қўллаб-қувватлайди, Афғонистондаги тикланиш ишларида фаол иштирок этмоқда. Ўзбекистон Япония Бирлашган Миллатлар Ташкилоти хавфсизлик кенгашининг доимий аъзолари сафидан жой олишини ёқлаб келмоқда. Япония Ўзбекистон раҳбарининг "Марказий Осиё ҳамкорлиги" ташкилотини тузиш ва унинг доирасида Марказий Осиё умумий бозорини яратиш борасидаги ташаббусларини кенг қўллаб қувватлайди.

2006 йил 24 апрель куни Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси А.Ходжаев Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Юичи Кусумотони қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Япония телерадиокомпаниялари ўртасида ўзаро ҳамкорлик масалалари бўйича атрафлича фикр алмашилди. 2004 йилда имзоланган Ҳамкорлик тўғрисидаги битим асосида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Япониянинг "МЖ" (ЭН-ЭЙЧ-КЕЙ) телерадиокомпанияси ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга

алоҳида эътибор берилди. Ушбу учрашув тафсилотлари Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги томонидан оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди. Пойтахтимиздаги Халқаро бизнес марказида 2010 йилнинг 11 март куни Япониянинг Нагоя университети ваколатхонаси очилди, - деб хабар беради

ЎЗА. _____

'Юичи Кусумото "ЎЗА" мухбири билан интервьюсидан

Шу муносабат билан бўлиб ўтган маросимда икки мамлакатнинг тегишли вазирлик ва идоралари раҳбарлари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ва талабалари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳамкорлик барча жабҳаларда, жумладан, таълим соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Япония Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларни изчил қўллаб-қувватлаб келмоқда. Мазкур мамлакат 1993 йилдан буён мамлакатимиз билан кадрлар тайёрлаш борасида яқиндан ҳамкорлик қилиб келади.

Тошкентдаги Нагоя университети ваколатхонаси Марказий Осиёда ягона бўлиб, унда нафақат Ўзбекистонлик, балки Марказий Осиё мамлакатлари талабалikka танлаб олинади.

Япония Ўзбекистон билан ўзаро ҳамкорликни юксак кадрлайди, - деди Нагоя университети Президенти Хамагучи Мичинари. Ўзбекистон - юксак интеллектуал салоҳиятга эга мамлакат. Шу боис биз университетимизнинг ваколатхонасини очиш учун айнан Ўзбекистонни танладик. Айни вақтда

Ўзбекистонлик ўнлаб талабалар бу университетда таҳсил олади. Уларнинг сонини янада ошириш мақсадида ташкил этилган мазкур ваколатхона мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Университетимиз битирувчилари келгусида Ўзбекистон тараққиётига ва ўзаро муносабатларимиз ривожига катта ҳисса қўшишига ишонамиз.

2. Ҳамкорликлар ривожини ўзбек ва япон матбуотида

Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги ҳамкорликлар узок муддатли ўзаро ишончли муносабатларга асосланган. Барча жабҳалардаги ўзаро ҳамкорлик давлатимиз раҳбари Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг 1994 йил май ойида Японияга қилган расмий ташрифидан сўнг жадал ривожлана бошлади. Президентимизнинг 2002 йил июлида Токиога амалга оширган навбатдаги расмий ташрифи сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-маданий соҳалардаги муносабатларни янги босқичга кўтарди.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Японияга ташрифи муҳим воқеа бўлиши билан бир қаторда, у икки мамлакат ўртасидаги муносабатларда янги саҳифа очганлиги билан ҳам диққатга сазовордир. Тошкент Япония билан, бу иқтисодий мўъжизалар ва юксак технологиялар мамлакати билан ҳамкорликни ўз ташқи сиёсатининг устувор ва стратегик йўналишларидан бири деб билади. Буни ташриф чоғида икки мамлакат ўртасида дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги ҳамда ўзаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва Ўзбекистондаги ислохотларни қўллаб қувватлаш тўғрисидаги икки қўшма баёнот имзоланганлиги ҳам тасдиқлайди. Ўз навбатида, Токио ҳам Ўзбекистон билан шерикликни Марказий Осиё минтақасидаги энг муҳим ва катта салоҳиятли шериклик деб баҳолайди".¹

Ушбу давлат ташрифини ўз саҳифаларида ёритган оммавий ахборот воситалари мониторинги ўзбек-япон алоқаларининг турли жиҳатларини янада чуқурроқ таҳлилий тушуниш имконини беради. "Япония-Ўзбекистон ҳаво алоқаси борасидаги битимни имзоладилар ва халқаро терроризмга қарши курашда биргаликда саъй-ҳаракатлар қилмоқдалар" - "Тўе 1арап Т1шез" номли энг оммабоп газетанинг 30 июлдаги сонидеги мақолада ана

шундай деб ёзилди. "Икки томонлама ҳаво алоқасини йўлга қўйиш масаласи
ҳамда халқаро терроризмга қарши кураш чора-тадбирлари ва Афғонистонни

¹ "Тўрап Тўрап" 2002 йил 29 июль

с с

кайта тиклаш бўйича олиб борилаётган ишлар муҳокама қилинган ўзаро музокараларда Япония ва Ўзбекистон ўзларининг ўзаро иқтисодий ва сиёсий муносабатларини янада мустаҳкамлашга келишдилар," - деб ёзади газета ва яна унда шундай дейилади: "Жаноб Каримов Япония ўз-ўзини ҳимоя қилиш Ҳарбий-денгиз кучлари ўз ҳарбий кемаларини Ҳинд океанига кечиктирмай йўналтирганлиги АҚШда ўтган йилнинг 11 сентябрида юз берган террорчиликдан кейин халқаро терроризм ўчоқларини даф қилиш ишига катта ёрдам бўлганлигини алоҳида таъкидлади. Япония Марказий Осиёда ва бутун дунёда хавфсизликни таъминлашда янада фаол роль ўйнаши лозим, деди, жаноб Каримов. Ўз навбатида, жаноб Коидзуми ҳам Япония Ўзбекистон билан биргаликда халқаро терроризмга қарши курашиши ва бошқа халқаро масалаларда ҳам ҳамкорлик қилиши керак, деди".¹

"Тпе .Тарап Т1те5" нашри ўзининг 28 июлдаги сонидида бутун бир саҳифани ўзбек-япон ҳамкорлик алоқалари мавзусига бағишлади. Жумладан, "Ўзбекистон Президенти ташрифи - дўстлик тимсоли" сарлавҳали мақолада икки мамлакат ўртасидаги алоқаларнинг тарихи, ҳозирги ҳамкорлик кенг таҳлил этилади ва келажакка назар ташланади.

СА^ интернет сайти ушбу давлат ташрифи натижаларини таҳлил қилар экан, "Ўзбекистон ва Япония Афғонистонда тезроқ тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши йўлида ҳамкорлик қиладилар", - деб ёзади ҳамда Япония томонидан Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона яратиш ташаббуси қўллаб-қувватланганлигини таъкидлайди.

Президентимиз Ислон Каримовнинг узоқни кўзлаб, изчиллик билан юритаётган оқилона сиёсати туфайли Ўзбекистон Халқаро майдонда нечоғли юксак ўринга эга бўлаётгани яққол намоён бўлади.

"Президентимиз Японияга жўнаб кетиш олдидан Тошкент аэропортида журналистларга берган интервьюсида Япония ҳақида гапириб, бу мамлакат, нафақат Осиёда балки жаҳон миқёсида иқтисодий, молиявий, илмий-техникавий ва сиёсий жиҳатдан катта салоҳиятга эга эканлигини алоҳида

таъкидлади. Бундай давлатлар билан ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш бизнинг миллий манфаатларимизга мос келишини алоҳида уқтириб ўтди".¹

Иқтисодий жиҳатдан тараққий этган, демократик ривожланиш йўлига тушиб олган, ҳамжамиятда ўзининг муносиб ўрни ва ўз қарашларига эга бўлган давлатларга ҳавас билан қараб, улар билан қалин дўстлик ва яқин ҳамкорлик ипларини боғлаш Ўзбекистон давлатининг ташқи сиёсатини белгилаб беради. Нафақат Япония, балки бутун жаҳон давлатлари бугунги кунда Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги энг барқарор мамлакат ва ишончли ҳамкор сифатида тан олмоқда. Шу боис ҳам ўтган йиллар мобайнида жаҳоннинг кучли ва илғор мамлакатлари Ўзбекистон билан барча соҳалар бўйича ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатишга ҳаракат қилмоқдалар. Бу бежиз эмас, албатта. Биз Қадимий Буюк Ипак йўли орқали боғланган халқлармиз. Жумладан, каттага ҳурмат, кичикка иззат, оилага садоқат, саранжом саришталик, хуллас, барча шарқона урф-одатларимиз бир-бирига яқин. Шунинг учун ҳам Япония халқи Ўрта Осиё халқлари, жумладан, Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида мавжуд бўлишидан манфаатдор эканлигига шубҳамиз йўқ.

"Япония томони Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона яратиш ташаббусини қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистон Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримов ва Япония Бош Вазири Жунъитиро Кодзуми томонларидан имзоланган Стратегик ҳамкорлик ҳақида битим билан бирга иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларни қўллаб қувватлаш тўғрисидаги кўшма баёнот муносабатларимизда муҳим аҳамият касб этди", - деб ёзади, Япониянинг нуфузли нашрларидан бири "Асахи шинбун" газетаси.

Оммавий ахборот воситалари дунё одамлари учун энг асосий мавзулар манбаи ҳисобланади. Улар техника, илм-фаннинг охириги ютуқларидан фойдаланиб, кундан-кунга илгарилаб кетмоқда. Ҳозирги кунда дунёнинг

кўплаб тараққий топган давлатлари оммавий ахборот воситаларини замонавий компьютерлаштирган. Муштарийларга ўз вақтида барча мавзуларда ахборотни тезлик билан етказиб, ўқувчилар сонини автоматик равишда ўз нашрларига, газета ва журналларига жалб қилмоқда. Шу қаторда Япониядаги оммавий ахборот воситалари диққатга сазовордир.

Японияда оммавий ахборот воситалари ўртасида кескин рақобат доимо мавжуд. Чунки ҳар бир ахборот тарқатувчи нашр, газета, журналлар, телевидениелар халққа керакли, муҳим воқеа ва ҳодисаларни ўз вақтида етказишга ҳаракат қилади. Шундай экан, ахборот воситалари муҳбирларига барча эркинликлар ҳамда қулайликлар яратилган. Агар бир журналист шов-шувга сабаб бўладиган материални топиб, уни матбуотга берса, бу маълумот тезда муштарийларга етказилади.

"Ахборот глобаллашуви жараёнларига оммавий ахборот воситалари кучли таъсир этади".¹ Жумладан, ривожланган мамлакатлардан Япония оммавий ахборот воситалари ҳам бу жараёнда етакчилик қилиб келмоқда. Улар машҳурлик даражаси бўйича дунёда иккинчи ўринда бўлиб, уларнинг бешта йирик нашри дунё миқёсида етакчи нашрлар деб тан олинган. Бу япон газеталари ўзининг кенг қамровлилиги, тезкорлиги, ҳаққонийлиги ҳамда миллийлиги билан ажралиб туради.

XIX асрдан бери нашр этиб келинаётган газеталардан бири "Асахи шинбун" шулар жумласидандир. Бу газета сиёсий-ижтимоий нашр бўлиб, унда жамоатчилик фикри билан ишлаш, интерактив воситаларни қўллаш газетани интернет орқали тарқатишга ҳам катта аҳамият берилади. Ушбу газетанинг тажрибаси бугунги кун соҳа мутахассислари учун ҳам аҳамиятлидир. Япония оммавий ахборот воситаларининг тараққиёт тарихи деярли икки асрни ўз ичига олади. Биз бу йўлда оммавий ахборот воситаларининг сиёсат, иқтисод, жамият ҳаётида тутган ўрни, ривожланган сайин унинг тобора муҳим аҳамият касб этганлигининг гувоҳи бўламиз.

Японияда ҳақиқий замонавий таҳририятлар фаолияти ҳавас қиларли _____

¹ И. А. Каримов Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда "Ўзбекистон": 2000. 173-бет

даражада. "Асахи шинбун" жуда машҳур сиёсий-ижтимоий ҳамда оммабоп газета бўлганлиги учун кунига икки марта 32 саҳифада, А-2 форматда чоп этилади. Эрталабки нашри 9,6 миллион нусха, кечки нашри эса 4,6 миллион нусхани ташкил этади. 98%и садоқатли обуначилардир. Ҳозирги кунда бир япон оиласига 1,2 нусхадан газета тўғри келади. Бу маълумотлар нафақат газеталар аудиториясининг кўплиги ҳақида, балки Япония аҳолисининг саводхонлик даражаси ҳақида ҳам таассурот уйғотади. Газеталар уюшмаси ассоциацияси томонидан ўтказилган социологик тадқиқотлар натижасига кўра, 70 фоиз япон аҳолиси газета мутолаа қилади. Ва бир куннинг 45 дақиқасини газета ўқишга бағишлар экан.

"1879 йилда Осакада чоп этила бошлаган "Асахи шинбун" газетасининг айна вақтдаги адади 9. 120. 820 нусхани ташкил этиб, бутун Япония нашрлари орасида адади бўйича "Ёмиури шинбун"дан сўнг иккинчи ўринда туради. Машҳурлиги бўйича биринчи ўринни эгаллаган "Асахи шинбун"нинг мавқеи 1923 йил Токиода содир бўлган катта zilзила билан боғлиқдир. Ушбу zilзиладан сўнг бир қатор газеталар бир кечада бўшлиққа айланди. Айна шу куни "Асахи шинбун" бутун Япония бўйлаб нашрларни тарқатишга муяссар бўлди".

1937 йилда бўлиб ўтган япон-хитой уруши туфайли япон матбуоти ҳукумат назоратига ўтиб қолди. Ҳукумат томонидан ўтказилаётган тазйиқ япон газеталарининг, жумладан, "Асахи шинбун"нинг ҳам сиёсий нашр сифатида ривожланишига тўсқинлик қилар эди. 1951 йил АҚШ маъмурияти томонидан Япония ҳукумати оммавий ахборот воситалари устидан олиб бораётган назоратига чек қўйилди. Шу пайтларда ҳам тонгги, ҳам кечки нашрларни чиқариш тизими йўлга қўйилди. "Асахи шинбун" газетаси аудиторияни жалб қилиш мақсадида ўз нашрларига кўплаб ўзгаришлар киритди. Биринчи

бўлиб, ҳажвий суратларни газета саҳифаларида беришни жорий этган ҳам "Асахи шинбун"дир.

Жумладан, "Асахи шинбун" газетаси жаҳонда биринчи бўлиб, 20 дақиқа фарқ билан Токио ва Саппоро шаҳарларида ўз нашрларини чоп этишга муяссар бўлди. Бу шаҳарлар орасида минг километрлик масофа ётади. Кейинчалик бир вақтнинг ўзида турли шаҳарларда нашр қилиш усули дунёнинг бошқа бурчакларида ҳам тарқалди. Бундан ташқари, "Асахи шинбун" газетаси биринчи бўлиб автоматик саҳифалаш учун "Огатпа1;еиг" номли ҳисоблаш техникасини қўллаган. Айнан Японияда биринчи бўлиб газеталарни уйма-уй механик тарқатиш тажрибаси муваффақиятли амалга оширилди. Бу газеталарни уйда телерадио орқали бетма-бет қабул қилиш имкониятини берди. Бу механизм "МосШайоп ог" те гте^иепсе" деб аталади ва бу усул ҳам "Асахи шинбун" бошчилигида амалга оширилган. Кейинчалик бу усул ўз давомини "Ма&изпка" компаниясида топди. Хозирда эса интернет тармоғи бу усулни янада соддалаштирди ва оммавийлаштирди. ТТТуни ҳам таъкидлаш жоизки, 1952 йилда япон газеталарининг таҳририятлари газета тарқатиш агентлигининг хизматларидан воз кечиб, 300 ўқувчини газета тарқатишга жалб қилди. 1967 йилда "Асахи шинбун" газетасининг ва бошқа барча газеталарнинг деярли барча нашрининг 90,1%и бевосита уйга етказилган, 0,8%>и почта орқали, 9,1%ои бошқа йўллар билан тарқатилган.

1974 йилда "Асахи шинбун" газетаси саҳифаларидаги Япония бош вазирининг ажабтовур ҳажвий сурати ҳамда унинг қинғир ишларини фош этган бир саҳифалик мақола катта шов-шувга сабаб бўлди. Жумладан, хориждаги йирик нашр бўлган "Ъоскпеео! 8сапс1а1"да ҳам ўз аксини топди. Бу воқеадан сўнг "Асахи шинбун"нинг мавқеи янада ошди ва жамиятда мавжуд коррупция ва адолатсизликларга қарши курашувчи сиёсий газетага айланди. Ҳозирда "Асахи шинбун" газетаси сиёсий информацион газета бўлиб, у кўплаб йирик сиёсат арбобларида ҳам хавф уйғотади. Айни вақтда ушбу газета қошида бир қанча нашрлар, "Асахи жянару" ва "Шюкан асахи"

кабилар мавжуд, шу билан бирга "Онлайн асахи" ҳам фаолият юритади. Бундан ташқари у кўплаб радио тўлқинларга муассислик қилади.

"Асахи шинбун"нинг интернет саҳифаси ўз ичига турли хизматларни олади. Биз бу ердан ўзимизни қизиқтирган саволларга бемалол жавоб топишимиз мумкин. "Газета тарихи", "Сиёсат олами", "Куннинг муҳим янгиликлари", "Япон халқининг ижтимоий ҳаёти", "Жанжалкаш журналист" каби турли рукнлар остида турли қизиқарли маълумотлар бериб борилади. Шунингдек, саҳифа инглиз ҳамда япон тилларида фаолият кўрсатади. Барча маълумотлар архивда сақланади. Ва шу билан бирга, сайтнинг ўз қидирув системаси мавжуд. Саҳифада боғланиш системаси ҳам мавжуд бўлиб, бу система бир сонияда таҳририят билан тўғридан тўғри алоқани боғлай олади.

Газетанинг тўртта замонавий вертолёт ва иккита самолёт ҳамда минглаб турли алоқа воситалари бор. "IBM IAPAM" ва "Ниппон электроника" компаниялари газетанинг барча босқичларини, уни саҳифалашдан то таҳлағунга қадар бўлган ҳамма ишларни автоматик тарзда бажаради. Шунинг учун бу газета журналистлари ҳали ҳеч кимда йўқ алоқа воситалари билан таъминланганлар.

"Асахи шинбун"да сидқидилдан хизмат қилаётган кўплаб журналистлар ўз таътиллари даврида таҳририят ҳисобидан дунёнинг энг кўркем оромгоҳларида икки ҳафтагача дам олиб келишади. Бу ерда чоп-чоп, цензура йўқ. Аммо баъзи мамлакатларда қонун бўйича цензура таъқиқланади, лекин амалда ички цензура яхшигина сақланган. Японияда журналистлар эркин, ҳар бир бўлим мустақил аниқ режа асосида иш олиб боради. Ҳеч ким уларнинг ишига аралашмайди. Бундай демократик эркинликлар ҳар қандай журналистни ҳам астойдил, виждонан пок ишлашига шароит яратади.

"Марказий Осиёнинг етакчи давлати ҳисобланмиш Ўзбекистон делегацияси вакиллари ташқи савдо ташкилотимиз "Жетро" билан ҳамкорликда Токио шаҳрида савдо-саноат кўرғазмаси ҳамда инвестиция семинари ўтказди. "Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти" номли экспозицияга Ўзбекистондаги

"Фотон" нодавлат ишлаб чиқариш бирлашмасининг, "Ўзқурилишмоллари" ассоциацияси корхоналарининг "Ўзбек ипаги", "Ўзбек енгилсаноат", "Ўзмевасабзавотузумсаноат" холдинг,

"Ёғмойсаноат" акциядорлик компанияси, Ўзбекистон "Ўзбектуризм" миллий компанияси, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси, "Ўздонмахсулот", Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш давлат акциядорлик бирлашмаси, "Мусаввир" нодавлат ишлаб чиқариш цехи, "Силк Роуд" кўшма корхонаси ҳамда "Лакриция хусусий корхонасининг маҳсулотлари қўйилди.

Ўзбекистоннинг ушбу кўргазмада иштирок этиши унинг хорижий мамлакатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларининг сезиларли даражада кенгайишига, хорижий инвестицияларнинг мамлакатга жалб этилишига ёрдам берди" - деб ёзади "Асахи шинбун".

"Ўзбекистон Япония пойтахтидан унча олис бўлмаган Чиба шаҳрида ўтказилган озиқ-овқат ишлаб чиқарувчиларнинг "Foodex Тарап" халқаро кўргазмасида ҳам иштирок этди. Кўргазмада дунёнинг 74 мамлакатидан келган озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи икки мингдан ортиқ фирма, компания ва корхоналарнинг маҳсулотлари намоёиш этилди. Ўзбекистон МДХ давлатлари орасида ушбу кўргазмада ўз маҳсулотлари билан иштирок этган ягона давлат эди. Кўргазмада "Тошкентнон", "Ўздонмахсулот", "Конмит" кўшма корхонаси, "Ўзгўштсаноат" давлат акциядорлик бирлашмаси, "Ўзбекбирлашув" акциядорлик компанияси, "Ўзмевасабзавотузумсаноат" холдинг компанияси ва бошқа корхоналарнинг маҳсулотлари намоёиш қилинди".¹

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Японияга қилган давлат ташрифи Ўзбекистон ва Япония оммавий ахборот воситалари орқали ёритиб борилди. Ўзбекистоннинг етакчи ва нуфузли нашрларидан бири "Халқ сўзи" ва Япониянинг етакчи нашри "Асахи шинбун" газетасида ҳам ушбу ташриф тафсилотлари мунтазам бериб борилди. Шунингдек, "Халқ сўзи" газетаси

"Барча стратегик аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар Япония Бош Вазирининг қароргоҳида қабул қилингани Япониянинг мамлакатимизга, Президентимиз Ислом Каримовга нисбатан юксак ҳурматидан далолатдир" - деб ёзади.

Ҳақиқатдан ҳам, қабул қилинган барча сиёсий, иқтисодий ҳужжатлар кўлами, сафар чоғида Ислом Каримовнинг ҳукумат, ишбилармон ва академик доиралар вакиллари билан самарали, сермазмун, очиқ дўстона музокаралари ушбу ташрифнинг юксак даражада ўтганлигидан далолат беради.

Президент Ислом Каримов ўзи жойлашган "Империал" меҳмонхонасида Япония Ташқи ишлар вазири Ёорико Кавагучи хоним, Молия вазири Масажуро Шиокава, Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЛСА) Президенти Такао Каваками, Япония Халқаро ҳамкорлик банки (ЛЗТС) Президенти Кёсуки Шинозавани қабул қилди. Учрашувларда Ўзбекистон - Япония муносабатларини ривожлантиришга оид масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Президент Ислом Каримов Япония Либерал-демократик партиясидан сайланган депутатлар билан учрашди. Унда Япониянинг собиқ Бош вазири Ёосиро Мори, ЛДПнинг сиёсий ишлар бўйича комиссияси раиси, "ЛДП-Ўзбекистон" дўстлик лигаси Президенти Таро Асо, Лига бош котиби Нарияки Накаяма давлатимиз раҳбарининг мазкур ташрифи икки томонлама муносабатларни янги босқичга кўтаришига умид билдирдилар.

"Токио Каикан" меҳмонхонасида Япония ишбилармонлари вакиллари билан учрашувда Ислом Каримов Ўзбекистондаги буюк ўзгаришлар, хорижлик сармоядорлар учун яратилаётган қулай шароитлар ҳақида сўзлади.

"Ташриф чоғидаги қувонарли ҳолатлардан бири шуки, таомилга биноан, Япония императори ҳеч маҳал бир давлат раҳбарини, у неча марта Японияга ташриф буюриши ва ташрифи қандай мақомда ўтишидан қатъи назар, икки марта қабул қилмайди. Эсингизда бўлса, Президентимиз Ислом Каримов кунчиқар мамлакатда биринчи бор 1994 йилнинг май ойида бўлганида император саройида меҳмон бўлиб, император Акихито билан учрашган эди.

Бу сафарги ташрифида ҳам Ислон Каримов император саройида меҳмон бўлди. Шуниси диққатга сазоворки, император камдан-кам ҳолларда меҳмонларни ўзи кутиб олиб, кузатиб қўяди. Мамлакат халқининг фахри ҳисобланган бу шахснинг Ўзбекистон раҳбарига гоят илиқ муносабат билдириши - музокаралардаги очиклик ва самимийлиги, юртимизга хайрихоҳлиги кишини ғурурлантиради".¹

Демак, Япония императорининг давлатимиз раҳбарига кўрсатаётган эҳтироми замирида катта маъно-мазмун мужассамлиги яққол кўриниб турибди.

Ўзбекистон дунёнинг яна бир қудратли давлати билан стратегик ҳамкор бўлди. Гарчи мамлакатимиз билан Японияни ушбу ташрифга қадар ҳам стратегик ҳамкор давлатлар деб ҳисоблаш мумкин бўлса-да, Токиода имзоланган Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот бундай муносабатларимизнинг расмий тасдиғи бўлди ва алоқаларни янада кенгайтириш имкониятларини очиб берди.

Ҳар икки давлат ўртасидаги ҳамкорликлар ривожини Ўзбекистон ва Япония оммавий ахборот воситалари томонидан батафсил бериб борилади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари фаолиятини ривожлантиришга катта эътибор қаратилган.

"Эркин ва мустақил оммавий ахборот воситалари ҳар томонлама ривож топиши лозим. Улар ҳақли равишда ҳокимиятнинг тўртинчи тармоғи бўлиши зарур".

"Халқ сўзи" газетасининг 2006 йил 31 август сонида "Ўзбекистон - Япония: дўст, шерик ва стратегик ҳамкор" сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг таклифига биноан Япония Бош Вазири Жунъитиро Кодзумининг 2006 йил 29 август куни мамлакатимизга расмий ташрифи ҳақида сўз боради. Дўрмон қароргоҳида Япония Бош Вазири расмий кутиб

олиш маросими бўлиб ўтди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов ва Япония Бош вазири Жунъитиро Коидзуми шоҳсупага кўтарилдилар. Давлат мадҳиялари янгради. Ўзбекистон ва Япония раҳбарлари фахрий _____


¹ "Халқ сўзи" газетаси, 2002 йил 31 август

"И.А.Каримов "Ўзбекистон XXI асрга интиломда" Т.: "Ўзбекистон" 2000 йил 173-бет

Ўзбекистон-Япония: Дўст, шерик ва стратегик ҳамкор

«Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг таклифига биноан Япония Бош вазири Жунъитиро Коидзуми 2006 йил 29 август куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Ўзбекистон ва Япония раҳбарлари мулоқотни икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокарасида давом эттирдилар. Унда асосий диққат эътибор савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, ижтимоий-маданий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига қаратилди».



қоровул сафи олдидан ўтдилар. Шундан сўнг Илом Каримов ва Жунъитиро Кодзумининг яккама-якка суҳбати бошланди. Унда Ўзбекистон - Япония муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболларига оид кенг қўламли масалалар, томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар муҳокама қилинди.

"Ташриф Японияда Ўзбекистон билан муносабатларни ҳар томонлама ривожлантиришга қизиқиш кучли эканлигидан далолатдир. Биз Японияга узоқ муддатли ва ишончли ҳамкор сифатида қараймиз, бу мамлакат Билан муносабатларга алоҳида аҳамият берамиз. Япониянинг Ўзбекистондаги ислохотларни қўллаб қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини юксак кадрлаймиз".'

Шунингдек, Жунъитиро Коидзуми музокара яқунлари Ўзбекистон -Япония муносабатларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Бош Вазир Жунъитиро Коидзумининг энг улуғ ва азиз байрамимиз арафасида Ўзбекистонга ташриф буюришида рамзий маъно бор. Бу Япониянинг Ўзбекистон билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришга интилишидан, ўзаро муносабатларни қадрлашидан далолатдир.

Япониянинг мамлакатимизда айна пайтда фаолият юритаётган Фавқулудда ва мухтор элчиси Сутому Хираока 2010 йил 1 март куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Абдулла Орипов билан учрашди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари барча жабҳаларда, жумладан, маданият соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Япония мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларни изчил қўллаб-қувватлаб келаётир.

Мамлакатларимиз ўртасида маданият соҳасида ҳам яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Хусусан, Ўзбекистон-Япония археологик экспедицияси Сурхондарё вилоятининг Қоратепа, Кампиртепа ва Далварзинтепа _____

'И.А.Каримов 2006 йил 29 август,

Япония Бош вазири билан мулоқотидан ҳудудларини тадқиқ қилиш бўйича катта муваффақиятларга эришмоқда. Музокараларда ҳамкорликда ўзаро манфаатли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди. Учрашув якунида Ўзбекистон билан Япония ҳукуматлари ўртасида маданият соҳасида беғараз ёрдам дастури доирасида Алмашув ноталари имзоланди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат катта театрининг овоз, ёритиш,


аудиовизуал ускуналарини яхшилаш лойиҳасини амалга ошириш учун 33,2 миллион иена (қарийб 330 минг АҚШ доллари) ажратилади.

Ушбу лойиҳа Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йил 3 февралда қабул қилинган Япония ҳукуматининг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрини махсус жиҳозлар билан таъминлаш учун ажратилган грантидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори асосида амалга оширилади".¹

Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганидан мамнунмиз, - деди Сутоми Хираока. -Имзоланган ушбу хужжат Ўзбекистон билан Япония ўртасида маданият соҳасидаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

"Халқ сўзи" 2010 йил 1 март

ЯПОНИЯНИНГ БЕШ ЙИРИК НАШРИ



Хулоса

Истиқлол мамлакатимиз учун жаҳон ҳамжамиятига тенг ҳуқуқли аъзо сифатида кириш имкониятларини очиб берди. Мустақил Ўзбекистоннинг асосий мақсади барқарор ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига, самарали ташқи сиёсатга эга бўлган ҳуқуқий-демократик давлатни барпо этишдан иборат бўлиб қолди.

Бугун ҳаётимизда қарор топиб бораётган турмуш тарзи шуни кўрсатмоқдаки, жаҳондаги интеграциялашув жараёнлари кенг қулоқ ёйиб бораётган бир шароитда мамлакатлар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ҳамда маданий ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик муҳим заруриятга айланди. Бу муносабатлар, аввало, умумий манфаатларни англаш, миллий ўзига хос умуминсоний қадриятлар устуворлигини эътироф этиш асосига қурилмоғи лозим.

Дунё ҳамжамиятининг бизга очик ва дўстона муносабатлар ўрнатишга бўлган ҳаракатлари ўлароқ ташқи алоқаларда юртбошимиз амалга ошираётган ҳалол сиёсат - халқаро ҳуқуқнинг энг одил, инсонпарвар, башариятга ҳар томонлама мақбул келадиган устувор тамойилларга асосланган, - деган хулосага келишимиз мумкин.

Жаҳондаги қудратли давлатлар Ўзбекистоннинг келажаги буюклигига ишонади ва буни аниқ тасаввур этади. Бунинг моддий асоси сифатида табиий бойликларимиз кўлами ва ҳажми, захираларимиз улканлиги, бебаҳолиги ва хилма-хиллигини жаҳон аҳли жуда яхши билади. Шу боисдан ҳам қисқа вақт ичида дунёнинг кўплаб мамлакатлари билан иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий соҳалардаги алоқалар ўрнатишга эришдик. Ҳозирги кунда фаровон ҳаёт кечираётган мамлакатларнинг ҳар бири қолоқлик ботқоғидан чиқиб олиши учун геостратегик жойлашув, табиат захираларининг мавжудлиги ва бошқа омиллардан иборат яхшигина пойдевори бўлган. Бироқ ҳар қандай ҳолатда ҳам инсоннинг ўзи ҳал қилувчи роль ўйнайди. Мамлакатнинг ғайратли, меҳнатсевар фуқаролари муваффақиятларнинг

муҳим кафолатларидир. Шундай фазилатларга эга миллатгина доимо ўз олдига кўйган улуғ мақсадларига эришади.

Бутун тарихи давомида жаҳон ҳамжамияти кўплаб ҳалокатларни бошидан кечирди. Урушлар, не-не салтанатларнинг қулаши, албатта, инсоният солномасида изсиз йўқолиб кетмайди. Европа ва Осиёда янги-янги давлатлар вужудга келди, тарих катта халқларни ўз ортидан эргаштириш имкониятини берган ёрқин раҳнамоларни юзага чиқарди. Ден Сяопин, Шарль Де Голль, Франклин Рузвельт, Конрад Аденауэр, Людвиг Эрхард, Жамол Абдул Носир, Мустафо Камол Отатурк ва бошқалар ушбу имкониятлардан тўлиқ фойдалана олдилар. Нафақат халқлар тақдири, балки жаҳон миқёсидаги воқеалар ҳам улар номи билан чамбарчас боғлиқдир. Масъулият юкини кўтара олмай давр сахнасидан тушиб қолганлар номларининг эса қандайдир архивларда ёхуд тарих дарсликларида майда ҳарфлар билан қайд этилганлигини кўриш мумкин.

1946 йилдан Япония ўзининг қисқа муддатларда қудратли иқтисодий давлатга айланиш бўйича стратегик режасини тузишда муваффақиятга эришиб, уни изчиллик билан амалга ошира бошлади. Бюджет мувозанатини ўрнатиш, солиқларни ошириш, иш ҳақини тўлашдаги чеклашлар иқтисодиётни барқарорлаштириш дастурининг бош йўналишлари бўлди. Натижа эса кутилганидан юқори натижаларга эришишда намоён бўлди. 1950 йилдан 1990 йилгача ишлаб чиқаришнинг йиллик ўсиши ўртача 7,7 фоизни ташкил этди. Ҳатто АҚШ ҳам худди шу даврда йилига ўртача даромаднинг атиги 1,9 фоизлик ўсишига эришганди. 1991 йилга келиб эса, аҳоли жон бошига ялпи миллий маҳсулот ҳажми бўйича Япония жаҳонда Швейцариядан кейинги иккинчи ўринни эгаллаб, АҚШдан ҳам ўзиб кетди. Жаҳон ялпи миллий маҳсулотининг 10 фоиздан кўпроғи унинг ҳиссасига тўғри келади. Бугунги кунда биз Японияни сифатли юқори технологиялар ва ривожланган телекоммуникациялар мамлакати сифатида биламиз ва

уларнинг шиддатли тараққиёти мана шундай сифат ўзгаришларига олиб келди. Бироқ биз, ўзбекистонликлар учун энг муҳими япон тажрибасидан энг қимматлиси доимий равишда анъанавий ҳаёт кадриятларига таянишдир. Қашшоқ ва ҳар жиҳатдан АҚШга қарам бўлган японлар урушдан кейинги энг оғир даврларда ҳам ўз маданий-тарихий меросларидан юз ўгирмадилар. Бинобарин, айнан шу фазилатлар - аниқ пухталиқ, умум ишига дахлдорлик туйғусининг шакллангани, батартиблиқ, лол қолдирадиган даражадаги меҳнатсеварлик ва фидойилиқ кўп жиҳатдан Япония иқтисодиётининг тез кўтарилишига замин яратди.

Бугун инсоният ўз ривожланиш тарихида тараққиёт келажагини ахборот ва ахборот технологиялари белгилаб берувчи янги ахборот асрига қадам қўйди. Ҳозирги кунда ҳеч ким оммавий ахборот воситалари бизнинг ҳаётимизга шиддат билан кириб келаётганини инкор эта олмайди.

Инсоният яралибдики, унинг ҳаётида ахборотлар (қандай турда ва мазмунда бўлишидан қатъи назар) бирламчи аҳамият касб этган ва айнан шу хусусият бугун ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Даврлар ўзгариши ва тараққиёт ахборотларни узатувчи воситаларнинг туринигина ўзгартирди, холос. Зеро, авваллари оғзаки кўринишдаги ахборотлар кўпроқ тарқатилган бўлса, кейинроқ, бу ёзма шаклларга кўчди. Бора-бора китоб, газета, радио, телевидение ва интернет каби тадрижий кўринишдаги ривожланишни бошидан кечирди. Футурологлар янги асрга "Ахборот асри" деган нисбатни берганликлари бежиз эмас. Чунки бугун катта-катта армиялар ёки кучли қуроллар ҳам бажариши мушкул бўлган ишни биргина йўналтирилган ахборотлар орқали амалга ошириш осонроқ ва қулайроқ бўлиб қолди. Шу боис бугунги курашлар, Президентимиз таъбири билан айтганда мафкуравий полигонларда шиддатли кечмоқда. Бугун деярли барча мутахассислар "Ким ахборотга эгалик қилса, ўша дунёни бошқаради", деган фикрни ҳар сўзида такрорлайдиган бўлишди. Ҳатто бу гап "мода" тусига кирмоқда. Ваҳоланки, XV асрдаёқ буюк матафаккир, сўз мулкининг султони Алишер Навоий

ҳазратлари ўзининг "Агар огоҳ сен..." дея бошланувчи ушбу шоҳбайтларида жараёни бошдан оёқ усталик билан тушунтириб берган эди. Йирик-йирик марказлашган кучларга "шоҳлик" мақомини тақдим қилишда эса оммавий ахборот воситалари асосий қаҳрамон ҳисобланади. Эътиборга молик жиҳати шундаки, Япония ҳозирда ахборотларни тезлик билан узатиш ва қабул қилиш техникаларини ишлаб чиқариш соҳасида дунёда етакчилик қилмоқда.

Бугунги кунга қадар замон, технология, жамиятнинг ўзгариши, такомиллашиши нафақат иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ҳаётда, балки оммавий ахборот воситаларида ҳам катта ўзгаришлар содир бўлишига сабаб бўлди. Халқаро муносабатлар, халқаро капитал ва молиявий институтларнинг кенгайиши натижасида оммавий ахборот воситалари ҳам жаҳон тарихида мисли кўрилмаган тарзда глобаллашиб бормоқда. Муайян бир миллат ва давлатга ёки маълум бир сиёсий кучларгагина дахлдор бўлган муносабатлар ва алоқалар миллий ва ҳудудий чегаралардан чиқиб, гибрид характерга эга бўлган ўта мураккаб сиёсий-ижтимоий ва маданий воқеликка айланмоқда.

Таъкидлаш керакки, мазкур жараён Ўзбекистон сиёсий-иқтисодий, маданий-маърифий ва маънавий ҳаётига, хусусан, мамлакат оммавий ахборот воситаларига жиддий ва кучли таъсир кўрсата бошлади. Биламизки, маънавиятга ўтказиладиган таъсир ўта хавфли саналади.

Маънавият жамият ҳаётининг шундай бир нозик соҳасики, бу борада хўжақўрсинга иш қилиш иқтисодий ва сиёсий соҳаларда кутилаётган турли инқирозларни келтириб чиқариши мумкин.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон ҳам халқаро ахборот алмашиш жараёнларида фаол қатнашмоқда. Аммо глобаллашув жараёнида "жабрланувчи" га айланиб қолмаслик учун Ўзбекистон ижтимоий онгни миллий оммавий ахборот воситаларни тезроқ янада эркинлаштириши, ахборий бўшлиқ вазиятининг юзага келишига йўл қўймаслиги лозим. Негаки, кучли ижтимоий фикр ва оммавий ахборот воситалари жамиятни глобаллашувнинг сиёсий иқтисодий ва мафкуравий тазйиқларидан ҳимоя қилишда энг самарали восита бўла олади.

Сиёсий фаолият, сиёсий жараёнларда иштирок этиш, аниқ мақсад ва йўналишларга эга бўлишни ахборотсиз ёки оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Оммавий ахборот воситалари орқали аввало инсонлар сиёсий-ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳаётда ҳамда дунёҳамжамияти, давлатлараро муносабатларда содир бўлаётган ўзгаришлардан хабардор бўлади. Уни идрок этади, муносабат билдиради, қабул қилиши ҳамда сиёсий жараёнларнинг иштирокчисига айланиши ёки аксинча, холисона туриши ҳам мумкин. Лекин, нима бўлганда ҳам бугунги ҳаётимизни оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур эта олмаймиз. Оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни ва роли ошиб бормоқда. "Ахборотлашган жамият" тўғрисидаги қарашларнинг негизи ҳам дунёда ахборот кўламининг ортиб бораётганлиги билан боғлиқ.

Ахборот жамиятида ҳарбий қурол билан эмас, балки, ахборот орқали дунёга эгаллик қилиш учун кураш авж олиб бораётган даврда ривожланган давлатлар ўз маданияти ва маънавиятини кенг тарғиб қилишади. Натижада, ривожланишдан орқада қолган ҳар бир миллат ўз миллий менталитетини сақлаб қолиш учун ахборий кураш олиб боради.

Ўзбекистонликлар менталитетида кўп асрлик маданият ва тарих меҳнатсеварлик, фидокорлик ва тадбиркорлик каби жуда муҳим сифатларга асос солди ва мустаҳкамлади. Эътибор берган бўлсангиз, айнан ана шулар ҳозирда юқори даражада ривожланган мамлакатлар демократик жараёнлари муваффақиятининг асосий омиллари бўлмоқда. Шуниси қувонарлики, кейинги йилларда жисмоний меҳнат интеллектуал меҳнат билан тобора бирлашиб борган ҳолда, бизда кўпроқ намоён бўлмоқда. Бу бизни турли йўналишлардаги янги технологияларни ўзлаштириш ва энг муҳими, уларни ишлаб чиқаришга яқинлаштирмоқда ҳамда энг камида тамаддунга эришган бошқа мамлакатлардан ортда қолмасликка, яқин келажакда эса ривожланган мамлакатлар сафига киришимизга имкон беради.

Бошқача қилиб айтганда, бизнинг иқтисодиётимиз олға қараб, ўпирилишлардан ҳоли бўлган ҳолда ривожланмоқда, бу бизга эртанги ёруғ кунларимизга тўлақонли ишонч уйғотмоқда ва келгусидаги режали ишлар учун янги инвестициялар билан таъминламоқда. Яъни инқилоб ўрнига узлуксиз равишда эволюцион ривожланиш ҳукм сурмоқда. Аслини олганда, бундай тажрибани жаҳонга АҚШ ва Германия, Япония ва Жанубий Корея аллақачон биринчилардан бўлиб намоиш қилган эди.

Япония ХХІ асрда жаҳон сиёсати ва иқтисодиётида марказий ўринлардан бирини эгаллаши аниқ. Шунини инобатга олсак, мантиқан қаралганда Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги манфаатларини ҳимоя қилиш ва рўёбга чиқаришда Япония ўзига хос восита бўла олади. Мутахассисларнинг фикрича, Ўзбекистон билан Япония пухта ўйланган узоқ муддатга мўлжалланган муносабат қурмоқда. Шу боис расмий Токионинг Марказий Осиё барқарорлигига бўлган таҳдидларнинг олдини олиш масалаларига ёндашуви изчиллашиб бораётганлиги алоҳида аҳамият касб этади. Япония Ўзбекистон билан ҳар томонлама яқин ҳамкорлик қилиб келаётган мамлакатлардан бири ҳисобланади.

Хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, глобаллашув натижасида жаҳон тараққиёти мисли кўрилмаган даражада ривожланиб бормоқда. Ахборот ва ахборот технологияларига асосланган мазкур жараёнда эса тез ўзгарувчан воқеликка мувофиқ тарзда фаолият олиб бориш замонавий ривожланишнинг энг муҳим омилдир. Шунга кўра, ҳам ривожланган хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларидан ва шарқона миллий анъаналардан келиб чиққан ҳолда мазкур соҳадаги ислоҳотларни изчиллик билан давом эттириш йўлидаги сабъ-ҳаракатларни янада жадаллаштириш эртанги кунимизда қўлга киритиладиган муҳим ютуқдир.

Япон журналистикасининг тарихий босқичлари унинг ўзига хос хусусиятлари, дунё журналистикасига қўшган улкан ҳиссаси ҳали халқаро журналистикада етарли ўрганилмаган. Жумладан, республикамизда ҳам бу

соҳага оид илмий ишлар, адабиётлар етарли эмас. Нафақат технологиялар, балки Япония журналистикасидан ҳам ўрганадиган жиҳатлар кўп. Япония журналистикасининг тажрибаси амалга тадбиқ этилиши лозим бўлган муҳим янгилик ҳисобланади.

Миллий матбуотимизнинг сифатини, маҳорат ва таъсирчанлигини ошириш, уни ривожланган давлатларнинг оммавий ахборот воситалари

эришган юксак талаб ва мезонлар даражасига кўтариш учун имкон берадиган шарт-шароитларни яратиш мақсадида оммавий ахборот воситалари соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштиришни таъминлаш зарур.

Оммавий ахборот воситаларига мамлакатимизда амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсатни, юртимизда ва хорижда содир бўлаётган воқеаларни фикрлар хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда янада фаолроқ ёритиш учун қўшимча шарт-шароитлар туғдириб бериш лозим. Оммавий ахборот воситаларини янада эркинлаштириш, нодавлат матбуот нашрлари, радио, телевидение фаолиятини жонлантириш, уларнинг интернет глобал тармоғига кириш имкониятларини кенгайтириш олиб борилаётган ислохотлар сиёсатининг очиқлиги ва ошқоралигини таъминлашга мадад бериши даркор.

Нодавлат оммавий ахборот воситаларининг тобора кенгайиб бораётган тармоғи фаолиятининг, муаллифлик ҳуқуқи ва интеллектуал мулк ҳимоясининг, шунингдек, ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий этишнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Бу борада оммавий ахборот воситалари ходимларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, соҳа ходимларининг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий механизмларни яратиш масалалари долзарб ўрин эгаллайди.

Мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик жамоатчилик фикрининг ҳолатига етарли даражада боғлиқ бўлиб, уни шакллантиришда бошқа бир ижтимоий институтга - оммавий ахборот воситаларига муҳим ўрин берилади.

Оммавий ахборот воситалари мамлакатда юз бераётган жараёнларга турлича қарашларни эркин ва холис ифодалашга қодир бўлиши, ҳокимият билан жамият ўртасида холис воситачи бўлиши ва, муҳими, инсон ҳамда жамият манфаатларининг фаол ва изчил ҳимоячиси бўлиши учун профессионал журналистлар ва оммавий ахборот воситалари ходимларини тайёрлаш жараёнини жадаллаштириш, ахборот олиш, таҳлил қилиш, қайта

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Т.: "Ўзбекистон" 2001 йил
2. Каримов И.А. "Юксак маънавият енгилмас куч" Т.: "Ўзбекистон" 2008 йил
3. Каримов И.А. "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" Т.: "Ўзбекистон" 1997 йил
4. Каримов И.А. "Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир" Т.: "Ўзбекистон" 1995 йил
5. Каримов И.А. "Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура" Т.: "Ўзбекистон" 1993 йил
6. Каримов И.А. "Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби" Т.: "Шарқ" 1998 йил
7. Каримов И.А. "Кучли давлатдан кучли жамият сари" Т.: "Шарқ" 1998 йил
8. Каримов И.А. "Баркамол авлод орзуси" Т.: "Шарқ" 1999 йил
9. Каримов И. "Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз" Т.: "Ўзбекистон" 2001 йил
10. Каримов И.А. "Тарихий хотирасиз келажак йўқ" Т.: "Шарқ" 1998 йил
11. Каримов И.А. "Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда" Т.: "Ўзбекистон" 2000 йил
12. Каримов И.А. "Тинчлик учун курашмоқ керак" Т.: "Ўзбекистон" 2001 йил
13. Каримов И.А. "Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли" Т.: "Ўзбекистон" 1993 йил
14. Каримов И.А. "Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз" Т.: "Ўзбекистон" 2000 йил
15. Каримов И.А. "Ўзбекистон буюк келажак сари" Т.: "Ўзбекистон" 1998 йил
17. Каримов И.А. "Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида" Т.: "Ўзбекистон" 1995 йил
18. Каримов И.А. "Ўзбекистон буюк келажакимизнинг ҳуқуқий кафолати" Т.: "Шарқ" 1993 йил

19. Каримов И.А. "Асосий вазифамиз - Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир" Т.: 2010 йил 29 январь Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган нутқи
20. Азизхонов А.Т, Мусаев О.Р, Ҳабибуллаева Д, Эгамбердиева У, Набиев Ғ, Орифхўжаев С.Т. "Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти" Маърузалар матни, Т.: 2001 йил
21. Абдуллаев М, Абдуллаева М. ва бошқалар "Мустақиллик" изоҳли илмий-оммабоп луғат, Т.: "Шарқ" 2009 йил
22. Айтметова Д. "Япония ривожланиш тажрибаси - Ўзбекистонда қўллаш истиқболлари" Т.: 2005 йил
23. Бобоев А. "Ўзбекистон - Япония: ҳамкорликнинг янги босқичи" "Ишонч" газетаси, 2002 йил 2 август
24. Воробьев М.В, Соколова Г.А. "Очерки по истории науки, техники и ремесла в Японии" М.: 1973 г.
25. Власов В.А. "Научно-техническая революция в Японии" М. 1975 г.
26. Горо Хани "История японского народа" Перевод с японского язмка, М. 1957 г.
27. Жўраев Н.Қ. "Юксалиш" Т.: "Ўзбекистон" 1995 йил
28. Жўраев Н.Қ. "Мустақил Ўзбекистон тарихи" Ўзбекистоннинг янги тарихи, учинчи тўлдирилган нашри, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, Т.: 2009 йил
29. Левин М.Г. "Этническая антропология Японии" М.: 1971 г.
30. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар, Т.: "Янги аср авлоди" 2001 йил
31. Орипов А. "Адолат кўзгуси" Т.: "Адолат" 2005 йил
32. Политология. Маърузалар матни, Т.: 2000 йил
33. Политология. Маърузалар матни, "А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти" Т.: 2002 йил
34. Петров Д.В. "Япония в мировой политике" М.: 1973 г.
35. Рисқиев Т.Т., Ғуломов С.С., Шоҳаъзамий Ш.Ш., Алимов А.М. ва бошқалар. Истиқлол, демократия ва фуқаролик жамияти. - Т.: Шарқ, 2003.- 160 б.
36. Усмонов Қ. "Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви" Т.: "Молия" 2003 йил
37. Шибамото Хидекадзу. "Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Япония ҳамда Япония-Ўзбекистон қўмиталарининг тўққизинчи қўшма йиғилишида сўзлаган нутқидан" Т.: 2007 йил 19 октябрь
38. Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги жорий архивидан // Т.: 2000, 2004, 2006, 2008 йиллар
39. Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги "Ҳамширалик таълимини такомиллаштириш лойиҳаси" жорий архивидан // Т.: 2007 йил

40. Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати жорий архиви // Т.: 2002 йил
41. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги жорий архиви // Ўзбекистон ва Япониянинг маданий алоқалари тўғрисидаги қисқача маълумот
42. Ўзбекистон - Япония Инсон ресурсларини ривожлантириш маркази жорий архивидан // Т.: 2003 йил
43. Қирғизбоев А. "Ўзбекистон Республикасининг Осиё мамлакатлари билан халқаро ҳамкорлиги" Т.: "Фан" 2004 йил
44. Қудратхўжаев Ш, Қирғизбоев А. "Ўзбекистон - Япония: ўзбек дипломатиясининг янги босқичи" Т.: "ЎАЖБНТ" Маркази, 2002 йил
45. Н.ҲакШаҒага. Тоқуо ЕхспапҒе. 2002 уП.
46. УататоЦэ Аппа & Ғццкаша Ак1га "№Ъоп по тазз соттишсаЦоп, Шюп о Збуиррап Куокш, 1Уб/ 7. "Асахи шинбун" тадқиқот маркази маълумотлари. Токио 2008. ^8. "ТЪе 1арап Т1тез" 2002 йил 29 июль ^9. "ТЪе ^рап Т1тез" 2002 йил 30 июль
50. Деловой партнёр Узбекистана. 2002 г. 26 сентября
51. "Ўзбекистон овози" газетаси, 2002 йил 1 август
52. "Халқ сўзи" газетаси 2000 йил 3 ноябрь
53. "Халқ сўзи" газетаси 2002 йил 2 август
54. "Халқ сўзи" газетаси 2004 йил 27 август
55. "Халқ сўзи" газетаси 2004 йил 19 октябрь
56. "Халқ сўзи" газетаси 2006 йил 31 август
57. "Халқ сўзи" газетаси 2006 йил 7 сентябрь
58. "Халқ сўзи" газетаси 2007 йил 15 ноябрь
59. "Халқ сўзи" газетаси 2010 йил 2 март

Фойдаланилган манбалар рўйхати

[Бйрг/Луулу.ига.иг/](#)

[Бйр://у\у\у.1а110п.тГа.и2/](#)

[Бир://Г\Г\улпю@х5.иг/](#)

[Бир://у\у\у.пагоёпое51оуо.и2/](#)

[БНр://у\у\у.о;оу.и2/](#)

[Бйр://у\ууул1т.и2/](#)

[Б11р://у\у\у.21уопе1:.и2/](#)

[БЦр://у\Г\у.оп1те.ш/](#)

[БЦр://Г\Г\Г.уПпота.и2/](#)

[Бир://Г\Г\Г.азаБ1.сот](#)

[Ъир://Г\Г\Г.опЪпе.ги](#)

[Ъир://Г\Г\Г.ш.уотшп.сот](#)

[Бир://Г\Г\Г.та1П1сЪ1.сот](#)

[Ъ11р://Г\Г\Г.п1рруо.со. \]р](#)

